


# Ибрат соҳибӣ



# Ибрат соҳиб

Филология фанлари номзоди, доцент Мўминжон  
Сулаймонов илмий-педагогик фаолиятига чизгилар



ARJUMAND MEDIA  
Тошкент – 2022

УУК: 801.512.133-9

КБК: 74.00

У - 33

ISBN: 978-9943-7937-1-2

**Ибрат соҳиби.** Филология фанлари номзоди, доцент  
**Мўминжон Сулаймонов** илмий-педагогик фаолиятига чизгилар.  
– Тошкент: ARJUMAND MEDIA 2022. – 120 б.

Ушбу китоб таникли адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди, доцент **Мўминжон Сулаймонов** таваллудининг

60 йиллигига бағишланади. Китобда заҳматкаш олим ва тажрибали педагогнинг таржимаи ҳоли, меҳнат фаолияти, шунингдек ҳамкасб-дўстлари, шогирдлари ҳамда оила аъзоларининг дил сўзлари келтирилган.

Мазкур китоб Сизни замонамиз зиёлиларидан бирининг илм маърифатга баҳшида ҳаёти билан яқиндан таништиришига умид қиламиз.

**Нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир:**

**Носиржон УЛУҚОВ,**  
филология фанлари доктори, профессор

© “ARJUMAND MEDIA” нашриёти, 2022.





**60 ёшингиз муборак  
бўлсин!**



## Серқирра, сермахсул олим ва ибрат соҳиби

Носиржон Улуқов,  
НамДУ профессори,  
филология фанлари доктори

Наманган адабиётшунослик мактабининг иқтидорли, салоҳиятли вакили, ўзбек мумтоз адабиётининг заҳматкаш тадқиқотчиларидан бири филология фанлари номзоди, доцент Сулаймонов Мўминжон Юсуфжонович 60 ёшга тўлди.

Мўминжон Сулаймонов 1962 йил 25 январда Наманган вилояти Чортоқ туманининг Гулдиров қишлоғида деҳқон оиласида туғилган.

1969-1979 йилларда шу қишлоқдаги 13-ўрта мактабда ўқиди. Мактабни аъло баҳолар билан битириб, Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги педагогика университети)нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирди ва 1983 йилда институтни имтиёзли диплом билан тамомлади.

1983 йилда ўзи ўқиган Чортоқ туманидаги 13-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси сифатида меҳнат фаолиятини бошлади. 1990 йилда Наманган давлат университети (аввалги Наманган давлат педагогика институти)нинг ўзбек адабиёти кафедрасига ўқитувчи лавозимига ишга қабул қилинган.

Аллоҳ Мўминжон Сулаймоновни устозлар бобида сийлаган. Олий ўқув юртида Мазлума Асқарова, Ҳакимжон Ҳомидий, Натан Маллаев, Аъзам Шерматов, Қудрат Аҳмедов, Тўхта Бобоев, Ҳамиджон Ҳомидий, Раъно Абдулаҳадова, Асил Рашидов каби ўзбек тилшунослиги ва адабиётшунослигининг етук дарғаларидан билим олди. Устозлар устози филология фанлари доктори, профессор Н.М.Маллаев илмий раҳбарлигида ўзбек мумтоз адабиёти бўйича илмий изланишлар олиб борди ва афсуски, устози вафотидан сўнг 1996 йил 13 ноябрда “Ҳофиз Хоразмий ва ўзбек лирик шеърининг ривожини” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва филология фанлари номзоди илмий даражасини олди.

Олим Ҳофиз Хоразмийнинг салафларига муносабати, “Девони”нинг ғоявий-мавзуий мундарижаси, жанр хусусиятлари, халқ оғзаки ижоди аънаналаридан фойдаланиш ва шеърини санъатлар яратиш маҳорати таҳлили асосида шоирнинг ўзбек лирик жанрлари такомиллидаги хизматларини мукамал тадқиқ этди.



Ҳозирга қадар Ҳофиз Хоразмий ҳаёти ва ижодини садоқат билан тадқиқ этмоқда. Ҳозирда етук, сермахсул, закий ва синчи олим филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидий илмий маслаҳатчилигида “XIV аср охири ва XV аср бошларида ўзбек шеърини поэтикаси (Ҳофиз Хоразмий ижоди мисолида)” мавзусида докторлик диссертацияси устида изланишлар олиб бормоқда. Шунингдек, муаллифнинг 2020 йил Германиянинг нуфузли Ламберт халқаро нашриётида “Ҳофиз Хоразмий ҳаёти ва ижоди” номли монографиясини 9 та хорижий: испан, португал, итальян, француз, инглиз, голланд ва рус тилларида нашр этилгани ҳам фикримиз далилидир.


1996-2007-йилларда ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўқитувчи, катта ўқитувчи лавозимларида ишлади, 2007 йилда доцент илмий унвонини олди.

У 2009-2012-йилларда ўзбек ва рус тиллари факультети декани ўринбосари, 2013-2016 йилларда ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти лавозимида ишлади.

2020 йил 14 октябрдан ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири лавозимида меҳнат қилмоқда.

М.Сулаймонов ўзининг педагогик фаолияти давомида бир қатор илмий-тадқиқот ишларида ҳам ютуқларга эришган сермахсул олимлардан биридир. Ҳозирга қадар олимнинг 270 дан зиёд илмий, илмий-оммабоп, методик мақолалари илмий тўпламларда, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Тил ва адабиёт таълими”, “Филология масалалари”, “Шарқ юлдузи”, “Жаҳон адабиёти” илмий журналларида ва Россия, АҚШ, Қозоғистон, Тожикистон каби хорижий мамлакатларда эълон қилинган.

Мўминжон Сулаймонов илмий фаолиятининг яна бир қиррасини халқ оғзаки ижодига доир тадқиқотлар ташкил этади. Унинг “Болалар ўйинлари ва фольклор”, “Атоқли фольклоршунос олим”, “Наманганлик фольклоршунослар устози”, “Машҳур эртақ кашшофи”, “Оташ Холмирзаев – фольклоршунос олим”, “Абдулла Орипов шеърларида фольклор мотивларидан фойдаланиш”, “Эркин Воҳидовнинг фольклоризмлардан фойдаланиш маҳорати” каби қатор мақолалари ҳамда академик лицейлар учун “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” номли ўқув-услубий кўлланмаси фикримиз далилидир.




Мўминжон Сулаймонов матншунос олим сифатида “Ҳофиз Хоразмий девони”, “Хилватий девони”, “Тазкираи Қайюмий”, “Тазкират уш-шуаро”, “Мажолис ун-нафоис” каби асарларнинг таҳлилий ва танқидий матнини ўрганиш борасида самарали меҳнат қилди. Айниқса, унинг “Қайюмий тазкираларининг ўзбек адабиёти тарихини ўрганишдаги ўрни ҳақида”, “Ўзбек адабиётидан дарсликлар яратишда тазкираларнинг аҳамияти ҳақида”, “XX аср ўзбек тазкираларининг ўрганилиши”, “XX ўзбек тазкиралари”, “Пўлатжон домудла Қайюмов тазкираларининг манбалари”, “Тазкираларда хиндистоилик шоирлар таърифи”, “Исматулла Абдуллаев – тазкирашунос”, “Тазкиралар ва уларнинг турлари ҳақида” сингари мақолалари шу борадаги илмий изланишлари натижасидир.

Мўминжон Сулаймоновнинг “Камол Хўжандий ва Ҳофиз Хоразмий: адабий таъсир”, “Ҳофиз Шерозий ва Ҳофиз Хоразмий: адабий алоқалар талқини”, “Қаҳрамон шоир ва халқаро алоқалар”, “Эркин Воҳидов ва адабий алоқалар” номли туркум мақолаларида адабий алоқалар ва бунинг адабиёт ривожини ва такомиллидаги ўрни масалалари тадқиқ этилган.

Олимнинг фаолиятида илмий-методик ишлар ҳам алоҳида ўрин тутди. Унинг муаллифлиги ва шогирдлар, ҳамкасблар билан ҳаммуаллифлигида “Ўқитувчининг дарс кузатув дафтари” (2002), “Ўқитувчининг конспект дафтари” (2002), “Чет эл адабиёти тарихи” (2003), академик лицей талабалари учун “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” (2008, 2012), “Ona tili fanidan 5-sinf maktab darsliklari asosida tuzilgan savol-javoblar” (2017), “Ona tili fanidan 6-sinf maktab darsliklari asosida tuzilgan savol-javoblar”, “Ona tili fanidan 7-sinf maktab darsliklari asosida tuzilgan savol-javoblar” (2017), “Ona tili fanidan 8-sinf maktab darsliklari asosida tuzilgan savol-javoblar” (2017) каби 15 дан зиёд ўқув-услубий китоблари, “Мунаввар тонг кўшиғи” (2010), “Соғлиғимиз ўз кўлимизда” (2016) каби рисоалари фикримизнинг ёрқин далилидир.

М.Сулаймонов илмий фаолиятининг яна бир қиррасини лугатчиликдир. Унинг ташаббуси ва масъул муҳаррирлигида “Адабиётшунослик атамаларининг 5 тиллик луғати” (Тошкент, 2019), “Ҳаммабон ўзбекча-арабча-русча-инглизча ўқув луғати” (Тошкент: Нодирабегим, 2021) каби лугатлар ҳам нашр этилган.



М. Сулаймонов – фидойи, ташаббускор ва фаол ташкилотчи мураббий. У “Ўзбек филологиясининг долзарб масалалари”, “Актуальные проблемы русской и узбекской филологии”, “Ўзбек филологиясида манбашунослик ва матншунослик муаммолари”, “Содружество языков – содружество культур” мавзуларида республика илмий-назарий конференцияларини ташкил этишда фаоллик кўрсатди.

Ҳозирга қадар унинг илмий раҳбарлигида 70 дан зиёд битирув-малакавий иши, 10 га яқин магистрлик диссертацияси ҳимоя қилинди, 5 нафар тадқиқотчи илмий изланишлар олиб бормоқда.


Мўминжон Сулаймонов Наманган давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи 2 та кенгаш аъзоси ҳамда Фарғона давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи кенгаш қошидаги илмий семинар аъзоси сифатида фаолият юритмоқда. Олим ўнлаб илмий, илмий-методик китобларга масъул муҳаррирлик ва филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияларига расмий оппонентлик қилган.

У тарбиялаган иқтидорли ёшлар ўз соҳаси бўйича юксак натижаларни қўлга киритган. Унинг илмий раҳбарлигида 2019 йили филология факультети ўзбек тили йўналиши талабаси Боятов Ойбек Махмуджон ўгли Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси совриндори, 2021 йил 3-курс талабаси Жўрабоева Сурайё Илҳомжон қизи “МДҲ давлатларининг энг ёш олими” танлови ғолиби бўлди.

М.Сулаймонов – энг фаол ва серқирра тарғиботчилардан бири. У факультет, университет микёсидагина эмас, шаҳар, вилоят ташкилотларида ўтказиладиган маънавий ва маърифий тадбирлар ҳамда учрашувларда қизиқарли маърузалари билан мунтазам қатнашади.

У ўқувчилик йилларидан бошлаб туман, вилоят, республика газеталарида хабар ва мақолалари билан мунтазам қатнашиб келган. 1978 йил “Тонг юлдузи” (аввалги “Ленин учкуни”) газетасининг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилган танловда энг фаол иштирокчи сифатида “Фахрий ёрлик” билан тақдирланган. Шундан то ҳозиргача оммавий ахборот воситалари: газета-журналлар, радио ва телевидениеда долзарб мавзулардаги чиқишлари, “Қани энди рўёбга чиқса”, “Қуён қилиб кетди-ку?”, “Калиш билан Тошкентга”, “Устозлар тухфаси”, “Эзгуликлар дояси”, “Ан-





Наим” – фундаментал луғат”, “Тарбия манбаи” каби қатор илмий-оммабоп мақолалари ва ҳикоялари билан кўп сонли ўқувчилар қалбига йўл топган зиёлидир.

М.Сулаймонов олий ўқув юрти билан академик лицейлар, ўрта умумтаълим мактаблари ҳамкорлиги соҳасида ҳам доим фаол қатнашиб келмоқда. Норин, Чортоқ, Янгикўрғон, Косонсой туманларидаги мактабларда учрашувлар ўтказиб, ёшлар орасида касбга йўналтириш бўйича қизиқарли маърузалар, суҳбатлар ўтказди. Ўқувчиларнинг келажакда ўз йўллари танилашлари бўйича шахсий тажрибалари билан ўртоқлашади. Ўзбек ва жаҳон адабиётининг машхур вакиллари ҳаёти ва ижодига оид савол-жавоблар уюштиради. У ўзи таҳсил олган Чортоқ туманидаги 13-ўрта умумтаълим мактабига деярли ҳар ҳафтада ташриф буюради. Мактаб кутубхонасига янги нашр этилган ўнлаб китоблар совға қилади. Олимнинг мактаб кутубхонасига совға қилган китоблари 500 дан ошди. Ҳар чорак якунида аъло баҳоларга ўқиётган ва намунали хулқи билан бошқаларга ўрнак бўлган ўқувчиларга бир мартали шахсий стипендиясини топширади. Мактабнинг иқтидорли ва истеъдодли ўқувчиларини доим рағбатлантиришга ҳаракат қилади. Уларни турли кўрик-танловларда мунтазам иштирок этишга даъват қилади ва амалий ёрдам беради. Ҳамиша замонавий зиёли сифатида ўз кишлоғи, маҳалласи ва мактаби билан ҳамнафас яшайди.

Мўминжон ака – зиёлилар оиласининг сарбони. Отаси вафотидан сўнг тўнғич фарзанд сифатида оиланинг маслаҳатгўйи, ғамхўр ва фидойи раҳнамосига айланди, укаларининг олий маълумот олишларига бош-қош бўлди, уларни уйлаб-жойлади. Фарзандлари ҳам ҳар жиҳатдан тенгдошларига ибрат, намуна. Ўғли Дурбек Сулаймонов – олий маълумотли иқтисодчи, Наманган вилоят қурилиш-архитектура бошқармасида бош ҳисобчи, Зулфия номидаги давлат мукофоти, Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси соҳибаси бўлган қизи Ҳулкарой Сулаймонова – истеъдодли шоира, таржимон, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, Тошкент давлат шарқшунослик университети ўқитувчиси, кенжа қизи Фозила Сулаймонова – Тошкент давлат ахборот технологиялари университети талабаси.


Мўминжон Сулаймонов нафақат оиласининг қадимий Гулдиров кишлоғининг фидойи ва фаол зиёлиларидан бири сифатида барча



ёшларнинг устози, маслаҳатгўйи ҳамда барча маънавий-маърифий, оммавий тadbирлар, ҳашарлар ва ободонлаштириш ишларининг ташкилотчиси, раҳбари ва ҳомийси.

У кўп йиллик самарали меҳнатлари ва таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда эришган муваффақиятлари учун Чортоқ тумани, Наманган вилояти ҳокимликлари ва университет ректорати “Фахрий ёрлик”лари билан тақдирланган.

Биз зукко, серқирра ва сермаҳсул адабиётшунос олим, ташкилотчи, фидойи раҳбар, меҳрибон устоз Мўминжон Сулаймоновни 60 ёши билан қутлаб, унга соғлиқ, омонлик, бекамлик, илмий ижодий ва педагогик фаолиятида омадлар тилаймиз.



**Наманган давлат университети ўзбек адабиётшунослиги кафедраси мудирлари, филология фанлари номзоди, доцент Сулаймонов Мўминжон Юсубжоновичнинг**

### **МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ**

1979-1983 йй. – Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти студенти

1983-1990 йй. – Наманган вилояти Чортоқ туманидаги 13-ўрта мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

1990-1995 йй. – Наманган давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси

1995-1995 йй. – Ўзбек филологияси факультети декан ўринбосари

1995-1997 йй. – Наманган давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси

1997-2002 йй. – Наманган давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси доценти вазифасини бажарувчиси

2002-2008 йй. – Низомий номидаги Тошкент давлат университети докторанти

2005-2006 йй. – Наманган давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси

2006-2009 йй. – Наманган давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти

2009-2012 йй. – Наманган давлат университети филология факультети декан ўринбосари

2012-2014 йй. – Наманган давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти

2014-2016 йй. – Наманган давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси

2016-2020 йй. – Наманган давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси доценти

2020-2020 йй. – Наманган давлат университети ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудирлари

2020 – ҳ.в. – Наманган давлат университети ўзбек адабиётшунослиги кафедраси мудирлари.



**Талабалик – олтин давр**



Курсдошлар – мангу дўстлар






**Синфдош дўстлар даврасида**



**М.Сулаймонов рафиқаси Эътиборхон ва ўгли Дурбек билан Самарқанд зиёратида (1987 йил)**



**М.Сулаймонов рафиқаси, ўгли ва набиралари билан**







**MO'MINJON SULAYMONOV  
MOHIRA G'OYIBBOYEVA**



**MO'MINJON SULAYMONOV  
MOHIRA G'OYIBBOYEVA**



**MO'MINJON SULAYMONOV  
MOHIRA G'OYIBBOYEVA**





**Мўминжон Сулаймонов  
устозлари, ҳамкасб-  
дўстлари ва шогирдлари  
эътирофида**





## НАЗАРКАРДА ИНСОН

Эргаш ОЧИЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти  
катта илмий ходими, филология фанлари номзоди

### I

Сувнинг бўйида ўтиру умрининг ўтишини кўр дейишади.

Бу ҳикматда инсон умрининг худди сув каби ўтиб кетишига ишора мавжуд.

Мана, биздан бир-икки кўйлакни ортиқ йиртган дўстларимиз бирин-кетин табаррук маррани забт этишяпти.

Шулардан бири – ўзбек мумтоз сўз санъатининг захматкаш тадқиқотчиларидан бири, филология фанлари номзоди, доцент Мўминжон Юсуфжонович Сулаймонов бўлиб, у ҳам муборак 60 ёшга тўлди.

Ўйлаб қарасам, Мўминжон ака билан дўстлигимизга ҳам чорак асрдан ўтибди.

Мен у киши билан айнан қачон танишганимни эслолмайман, лекин ўтган аср тўқсонинчи йилларининг ўрталари эди. Биз ҳамкасблар сифатида асосан ҳар турли тадбирларда кўришамиз, илм аҳли давраларида учрашамиз.

Эсимда: Жаббор Эшонқулов номзодлик диссертацияси ҳимоясидан сўнг муваффақиятини нишонлаш мақсадида таомилга кўра уйида дастурхон ёзиб, устозлари қатори биз дўстларини ҳам таклиф қилди. Ўшанда Мўминжон ака, Дилшод Ражаб ва камина зинапоядан кўтарилар эканмиз, гапдан-гап чикиб, ҳазиллашган бўлдим:

– Дилни шод қилиш учун Дилшод билан бирга юриш керак.

Дилшод эътироз билдирди:

– Бунинг учун Эргашга эргашган маъқул, чунки у доим кулдириб юради.

Мўминжон ака ҳам қуруқ қолмасин деб, уни ҳам сўз ўйинига қўшиб юбордим:

– Эргашга эргашиб, дил шод бўлиши учун киши мўмин бўлиши керак.

Менга бу одамнинг оддийлиги, хоксорлиги, соддалиги, самимийлиги ёқади.



Менга бу одамнинг меҳнаткашлиги, илмнинг бир фидойи заҳматкаши эканлиги маъқул келади.

Баъзи бир машҳур кишилардан кўра ана шундай индамай ўзининг ишини сидқидилдан бажариб юрганлар юртга кўпроқ манфаат келтиради.

У киши ҳам мени ўзига яқин олади, ҳадди сиғиб баъзи нарсаларни мен билан маслаҳатлашади, телефонда, телеграмм орқали ўзаро фикр алмашиб турамиз.

Бир гал хизмат сафари билан Носиржон Улуқов иккалаларининг йўллари пойтахтга тушиб, Наврўз куни ҳам Тошкентда қолиб кетишибди. Мўминжон ака кўнгли тортиб кўнғироқ қилди:

– Уйда бўлсангиз, бирга байрамлашайлик.

Хотин қишлоққа байрам қилиб кетиб, уйда ўзим ёлғиз эдим.

– Бош устига! – дедим.

Оғирлигимиз тушмасин деб, ўзлари бозорлик қилиб келиб, ўзлари кулинг ўргилсин таом тайёрлашди. Водийликлар пазанда бўлишади-да.

Ўшанда чиройли бир гурунг қилиб ўтирган эдик.

Тўра Мирзаев иш одами эди. Тўйда ҳам, зиёфатда ҳам иш ҳақида гапириб, ишларнинг қандай кетаётганини суриштириб ўтирар эди. Бир гал портлаб кетганим эсимда:

– Ака, мен бу ўтиришга дунё ташвишларини унутиб, дам олгани келганман!


Мўмин Сулаймонов ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Чунки у ҳам бир илм заҳматкаши, ижод фидойиси-да. Бир куни азонлаб Намангандан кўнғироқ қилиб, “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг навбатдаги сони чиққан-чиқмаганини сўраса денг!

Тушига кириб чиққанми нима бало!

Менинг эсхонам чиқиб кетди каллаи саҳарлаб нега йўқлашди экан деб.

Чунки саксонни қоралаётган ота-онам бор ва уларнинг соғлигидан хавотирланиб, бемаҳал бўлган ҳар бир кўнғироқдан бир қалқиб тушаман-да.

Бошқа томондан ҳақи ҳам бор-да: чунки у Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти нашри бўлмиш “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг обунасини ташкил қилишда ҳамиша ўзининг беминнат кўмагини аямайди ва журналнинг ҳар бир сонини ҳали




сиёҳи қуримай туриб олиб ўқийди ва ўзининг фикрлари билан ўртоқлашади. Соҳа мутахассиси сифатида журнал фаолиятига ўзини дахлдор деб билади. (Қани эди барча филологлар ўз йўналишларидаги нашрларни шундай қўллаб-қувватлашса!)

## II

Туркий шеърятнинг Хўжа Ҳофизи бўламан деб, сўз санъати майдонида дадил от сурган Ҳофиз Хоразмий деган забардаст бир шоир ўтган. У ўзбек мумтоз адабиётининг Саккокий, Атойи, Гадоий, Лутфий каби забардаст намояналари даражасидаги юксак истеъдод соҳиби ҳисобланади. Талотўплар даврида ижод учун тинч жой кидириб Шерозга кетиб қолгани ва ўша шоирлар юртида муқим бўлиб қолгани учун адабий мероси асрлар давомида ўз халқига маълум бўлмаган. Таниқли матншунос олим Ҳамид Сулаймон Ҳиндистонга илмий сафари жараёнида Ҳайдаробод шаҳридаги Саларжанг музейидаги Шарқ кўлёмалари бўлимида тасодифан унинг девони кўлёмасини кўриб қолиб, нусха кўчиртиради ва Ўзбекистонга қайтгач, жорий ёзувга табдил қилиб, салмоқли сўзбоши ва изоҳлар билан икки жилдда нашр эттиради – шу тариқа у ўзбек мумтоз адабиётидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллади. Лекин бу янги топилган истеъдоднинг шоирлик салоҳияти, бадиий маҳорати, ижоди сув ичган чашмалар очилмаган кўрик бўлиб ётган эди. Мўмин Сулаймонов ана шу ўзига хос сўз санъаткорини илмга ва элга танитишга астойдил бел боғлади – таниқли адабиётшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Н.М.Маллаев илмий раҳбарлигида узоқ йиллар машаққатли изланишлар олиб бориб, ниҳоят 1996 йил 13 ноябрда “Ҳофиз Хоразмий ва ўзбек лирик шеърятининг ривожини” мавзуида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва филология фанлари номзоди илмий даражасини олди. Диссертацияда у Ҳофиз Хоразмийнинг салафларига муносабати, девонининг ғоявий-мавзуий мундарижаси, жанр хусусиятлари, халқ оғзаки ижоди аънаналаридан фойдаланиш ва шеърини санъатларни қўллаш маҳорати таҳлили асосида шоирнинг ўзбек лирик жанрлари такомиллидаги хизматларини кенг ва чуқур текширди.

Ўзидан 18632 байт (37264 мисра) дан иборат салмоқли мерос қолдирган Ҳофиз Хоразмий бадиий оламига чуқур кириб борган олим айни йўналишдаги тадқиқотларини давом эттиришга аҳд



қилиб, шу шоир мисолида у яшаб ижод этган давр шеърляти бадииятини ўрганиш мақсадида докторлик диссертацияси мавзуини ҳам “XIV охири ва XV аср бошларидаги ўзбек шеърляти поэтикаси (Ҳофиз Хоразмий ижоди мисолида)” деб белгилаб олди ва етук, сермахсул, закий ва синчи олим, филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидий илмий маслаҳатчилигида мазкур йўналишда самарали иш олиб бормоқда. Ҳофиз Хоразмий ва ўзбек мумтоз сўз санъати, Ҳофиз Хоразмий ва адабий таъсир масалалари, Ҳофиз Хоразмий бадиий маҳоратининг турли қирралари юзасидан пешма-пеш мақолалар эълон қилиб келмоқда.

Ҳофиз Хоразмий ҳақидаги илк мақолалари 1992 йилдан эътиборан матбуот юзини кўра бошлаганидан келиб чиқсак, у ўттиз йилдан буён бу ўзига хос соҳиби девон шоир ижоди билан шуғулланиб келаётгани маълум бўлади.

Айтиш мумкинки, Мўмин Сулаймонов сиймосида Ҳофиз Хоразмий ўзининг муносиб ва фидойи тадқиқотчисини топди.

Улуғларни улуғлаганнинг ўзи ҳам кам бўлмайди – Худо хоҳласа, Ҳофиз Хоразмий ўз тадқиқотчисини ҳам элга танитади.

### III

Фақат битта соҳа билан шуғулланган, фақат бир йўналишда изланишлар олиб борган, фақат бир мавзу устида ишлаган олимнинг тафаккури маҳдуд бўлади. Биргина кимёни билган олим ўша кимёни ҳам яхши билмайди, деган экан бир донишманд. Мўмин Сулаймоновнинг эса номзодлик ва докторлик диссертациялари Ҳофиз Хоразмий ҳаёти, ижоди ва бадиий маҳорати масалаларини ўрганиш билан боғлиқ бўлса-да, қизиқиш доираси чек-чегарани билмайдиган бу тиниб-тинчимас олимнинг тадқиқот соҳалари халқ оғзаки ижоди ва “Авестодан тортиб мумтоз ва замонавий адабиётгача, Низомий Ганжавий, Камол Хўжандий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Бедил каби забардаст сўз санъаткорлари мисолида муаззам форсий адабиётнинг ўзбек адабиётига таъсиридан буёғи навоийшуносликкача, тазкирачилик тарихидан то педагогика назарияси ва амалиётгача, болалар адабиётидан қардош халқлар адабиётгача, матншунослик муаммолари таҳлилидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишнинг ўзига хос мураккабликларигача, ўзбек адабиёти ва адабиётшунослигининг номдор намояндалари ҳақидаги умумлаштирувчи мақолалардан адабиёт остонасига қадам

кўяётган навқирон қаламкашларнинг тўпламларига сўзбошиларгача кулоч ҳам, саноқ ҳам, тасаввур ҳам қамраб ололмайдиган даражада ниҳоятда кенг ва ранг-барангдир.

Абдулла Орипов атоқли шоир Миртемирни “қалам деҳқони” деб лутф этган эди. Таъбир жоиз бўлса, мен Мўмин Сулаймоновни “илм деҳқони” деб атаган бўлар эдим.

Воқеан, унинг ўзи деҳқон фарзанди. Отаси бир умр ер билан тиллашиб ўтди. Ўзи эса чексиз уфқларга тутшиб кетган адабиёт майдонида Шарқу Ғарб адабиётининг забардаст сўз санъаткорлари билан маънавий-маърифий, адабий-ижодий суҳбат куриб келмоқда.

У бутун умр сидқидилдан илмнинг, адабиётнинг хизматини қилиб келаяпти.

Баъзиларнинг таржимаи ҳолини ёзса, ярим саҳифага етиб-етмайди. Мўминжон Сулаймоновнинг умри давомидаги эзгу ишлари ва савобли амалларини санаб чиқишнинг ўзиданоқ бир неча саҳифа тўлади. Шунинг ўзиёқ бу инсоннинг умрини беҳуда ўтказмай, бошдан-оёқ хайрли ишларга сарф этганини кўрсатади.

Орқанга қайрилиб, ўтган умрингдан норози бўлмасанг, шунинг ўзи ҳаётинг беҳуда ўтмаганини кўрсатади.

Бундай умр билан ҳар қанча фахрланса арзийди.

Мўминжон ака ҳали мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ туман, вилоят, республика газеталарида хабар ва мақолалари билан мунтазам қатнашиб келган. 1978 йил “Ленин учқуни” (ҳозирги “Тонг юлдузи”) газетасининг 50 йиллиги муносабати билан ўтказилган танловда энг фаол иштирокчи сифатида “Фаҳрий ёрлиқ” билан тақдирланган.

Ҳозирга қадар олимнинг 270 дан зиёд илмий, илмий-оммабоп, методик мақолалари илмий тўпламлар ва журналларда, шунингдек, Россия, АҚШ, Қозоғистон, Тожикистон каби хорижий мамлакатлардаги нуфузли нашрларда эълон қилинган. Академик лицейлар учун яратган “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” номли ўқув-услубий қўлланмаси уч марта қайта-қайта нашр этилди (2008; 2012; 2017). Таниқли болалар шоири, фольклоршунос олим, моҳир мураббий Оташ Холмирзаев таваллудининг 70 йиллигига бағишлаб ёзилган “Мунаввар тонг кўшиги” (Қ.Тўлабоев билан ҳаммуаллифликда) рисоласи (2010) унинг фольклор ва болалар адабиётини қанчалик яхши билишини кўрсатади. Муаллифнинг “Ҳофиз Хоразмий ҳаёти ва ижоди” номли монографияси Германиянинг нуфузли Ламберт халқаро нашриётида 9 та хорижий:



испан, португал, итальян, француз, англиз, голланд ва рус тилларида нашр этилган (2020). Серқирра олим ва тажрибали мураббий сифатида ҳамкасблари ва шогирдлари билан 15 дан зиёд ўқув-услугий ишларнинг яратилишига ташаббускор ва ҳаммуаллиф бўлди. Унинг масъул муҳаррирлигида 10 дан ортиқ монография, рисола ва ўқув-услугий кўлланмалар чоп қилинган.

М.Сулаймонов илмий фаолиятининг яна бир қирраси луғатчиликдир. Унинг ташаббуси ва масъул муҳаррирлигида “Адабиётшунослик атамаларининг 5 тиллик луғати” (Тошкент, 2019), “Ҳаммабоп ўзбекча-арабча-русча-инглизча ўқув луғати” (Тошкент: “Нодирабегим”, 2021) каби луғатлар ҳам нашр этилган.

Мна сизга биргина кишининг олим, муҳаррир, фан ташкилотчиси ва мураббий сифатида кўтарган илм хирмони!

#### IV

Мўминжон аканинг барча ҳавас қиладиган ва бошқаларга ибрат қилиб кўрсатиш керак бўлган қатор фазилатлари бор. Ўз халқининг садоқатли фарзанди ва маърифатли инсон сифатида у ҳамиша ўз кишлоғи, маҳалласи ва мактаби ташвишлари билан ҳамнафас яшайди. Таниқли тилшунос олим, филология фанлари доктори, профессор Носиржон Улуқовнинг ҳикоя қилишича, у деярли ҳар ҳафта ўзи таҳсил олган Чортоқ тумани Гулдиров кишлоғидаги 13-ўрта умумтаълим мактабига ташриф буюради. Мактаб кутубхонасига ўзининг ва бошқа муаллифларнинг янги нашр этилган китобларини совға қилиб, маънавият масканининг фонди бойиб боришига ўз хиссасини қўшиб келади. Олимнинг мактаб кутубхонасига ҳозиргача совға қилган китоблари 500 дан зиёд. Ҳар чорак якунида аъло баҳоларга ўқиётган ва намунали хулқи билан бошқаларга ўрнак бўлган ўқувчиларга бир марталик 200 минг сўмлик шахсий стипендиясини топширади. Мактабнинг иқтидорли ва истеъдодли ўқувчиларини доим рағбатлантиришга ҳаракат қилади, уларни турли кўрик-танлавларда мунтазам иштирок этишга даъват этади ва бу борада ўзининг амалий ёрдамини аямайди.

Мўминжон ака аввало ўз оиласининг тоғдай таянчи ва қаттиқкўл мураббийси. Шунинг учун ҳам бу хонадонда ҳамма ҳавас қиладиган солиҳ фарзандлар вояга етди.

Менинг Шарқшунослик университетида у кишининг қизлари Хулқарга сабоқ беришимга тўғри келган. Ўшанда бу қизнинг ақли,





одоби, илми, истеъдоди, ўзини тутиши, муомаласига ҳавас қилганман ва шундай қизни тарбиялаб етказганининг ўзи Мўминжон аканинг бахти эканлигига иймон келтирганман. Бу қиз менинггина эмас, бутун ўқув даргоҳи устозларининг хурмат ва эътиборини қозонди.

Зулфия номидаги давлат мукофоти, Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси соҳиббаси бўлган истеъдодли шоира, таржимон, олима ва мураббий қизи Хулқарой Сулаймонова филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, ҳозирда Тошкент давлат Шарқшунослик университетида талабаларга сабоқ берапти. У араб тили бўйича бир неча луғат ва сўзлашгичларнинг муаллифларидан бири ҳисобланади.

Ўғли Дурбек Сулаймонов олий маълумотли иқтисодчи. Наманган вилоят қурилиш-архитектура бошқармаси бош ҳисобчиси.

Кенжа қизи Фозила Сулаймонова – Тошкент давлат ахборот технологиялари университети талабаси.

Бу оила маҳаллада ҳам намунали оилалардан бўлиб, ҳамма ҳавас ва хурмат қилади ва бошқаларга ибрат қилиб кўрсатади.

Воқеан, Мўминжон ака оиланинг тўнғич фарзанди сифатида отаси вафотидан сўнг укаларининг олий маълумотли ва уйли-жойли бўлишларига бош-қош бўлди. Туғишганларининг доимо аҳил, иноқ, тинч-тотув яшашлари учун ғамхўрлик қилиб келади.


Меҳнаткашлиги, ташкилотчилиги, истеъдодларга хайрихоҳлиги, дўстларга садоқати, одамшавандалиги, одамлар хизматига камарбасталиги Мўмин Сулаймоновга чин маънода эл-юрт хурматини келтирди.

Худойи таоло сийлаган бандасини ҳамманинг ҳожати тушадиган инсон қилиб кўяр экан. Чиндан ҳам, кишининг кадр-қиммати унинг жамиятга қанчалик кераклиги билан белгиланади. Мўминжон ака айнан оиласига ҳам, кўни-кўшнларига ҳам, дўсту яқинларига ҳам, ўзи фаолият кўрсатаётган олий ўқув юрти ва ҳамкасбларига ҳам, талабалар ва шогирдларига ҳам, ўзи яшаётган маҳалласи ва таҳсил олган мактабига ҳам, илм ва адабиётга ҳам, ватанга ва жамиятга ҳам – ҳамма-ҳаммага керакли одам.

Бундай барчанинг ҳожатини раво қиладиган ва ҳамманинг хурмату муҳаббатини қозонган кишини назаркарда инсон дейдилар.

Аслида яшашдан мақсад ҳам, умрнинг маъно-мазмуни ҳам, чинакам инсоний бахт ҳам худди шунда!

2022 йил 6–10 май



## МЎМИНЛАР ИНОНЧИ – СУЛАЙМОНЛАР ҚУВОНЧИ

У.П.Лафасов, ф.ф.н., доцент (ТДШУ)

Олим ўз-ўзидан шаклланмайди, уни тарбияловчи зиёлипарвар оила, туғишганларнинг алоҳида эътибори, унга илҳом берувчи дўстлар, унинг қадрига етувчи ёр, қобил фарзандлар ва ниҳоят уни эъзозловчи ҳамкасблар жамоаси бўлиши керак. Мўминжон ака Сулаймонов дунёга келган ва униб-ўсган жой водийнинг чечакларини саралаган қадим ҳамда навқирон Найманкон. Бу маскан ўзбекларнинг аслзода қатламига мансуб уруғлардан бири бўлган найманлар кўнимгоҳидир. Найманларнинг доимий ва асосий кўналғаси Самарқанд воҳасидир. Аммо уларнинг бир қисми Фарғона водийининг бошланиш ҳудудларида ҳам истикомат қилишган. Мазкур илмий қарашни Наманган вилояти билан боглик топонимлар ҳам тасдиқлайди.

Мўминжон ака Сулаймонов ўзига хос қалам соҳиби бўлган, мумтоз адабиётимизни қадрловчи меҳнаткаш ва заҳматкаш олим. У киши Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг Ўзбек ва козоқ филологияси факультетида таҳсил олган. Мазкур даргоҳдаги Мазлума Асқарова, Ҳакимжон Ҳомидий, Натан Малалаев, Аъзам Шерматов, Кудрат Аҳмедов, Муҳаббат Аҳмадбоева, Тўхта Бобоев, Ҳамиджон Ҳомидий, Мактуба Шамсиева, Раъно Абдулаҳадова, Асил Рашидов каби устозларнинг қўлида ўқиган. Мўминжон Сулаймонов мумтоз адабиётимизга бўлган иштиёқ ва ихлосини талабалик пайтларидаёқ намоиш этган.

Наманганлик ёш адабиётшунос Мўминжон Сулаймонов “Барҳақ шоҳ Одамдур!” (1992), “Мактабда тасаввуфни ўрганиш” (1992), “Ҳофизи фарзонани излаб...” (1992) ва бошқа мақолалари билан адабиёт ихлосманди бўлган халқнинг қалбига йўл топа бошлади.

Мўминжон Сулаймонов ўзига хос оҳорий қарашлар натижаси ҳамда устозлар таълимининг меваси бўлган “Ҳофиз Хоразмий ва ўзбек лирик шеърятининг ривожини” номли номзодлик диссертациясини 1996 йилда муваффақиятли ҳимоя қилди. Шу билан у адабиётшунос олимлар орасида ўзининг мустақкам ўрнига эга бўлди.

Адабиётни жону дилдан севган олим Мўминжон Сулаймоновнинг сермазмун ва бетакрор мақолаларида Жалолиддин



Румий, Низомий Ганжавий, Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Хусайн Бойқаро, Алишер Навоий, Мирзо Бедил, Ҳофиз Хоразмий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Мулло Йўлдош Хилватий, Исҳоқхон Ибрат, Абдулла Қаххор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва Муҳаммад Юсуф каби мутафаккир ҳамда шоирлар ҳақидаги илмий изоҳлар ўз аксини топган.


Мўминжон Сулаймонов матншунос олим сифатида “*Ҳофиз Хоразмий девони*”, “*Хилватий девони*”, “*Тазкираи Қайюмий*”, “*Тазкират уш-шуаро*”, “*Мажолис ун-нафоис*” каби асарларнинг таҳлилий ва танқидий матнини ўрганиш, нашр этиш борасида самарали меҳнат қилди.

Сўзнинг салмоғи ва қадрини ҳис қилган олим Мўминжон Сулаймонов “*Адабиётшунослик терминлари лугати*”, “*Ҳаммабон русча-арабча-ўзбекча лугат*” ва “*Адабиётшунослик терминларининг кўп тиллик лугати*” сингари луғатларни тузган ҳамда нашр этишда қатнашган.

Мўминжон Сулаймонов матбуот минбарига доимо фаол, халқнинг қалбига йўл топа олган олимдир. Унинг эл назарига тушган “*Қани энди рўёбга чиқса*”, “*Қуён қилиб кетди-ку?*”, “*Калиш билан Тошкентга*”, “*Устозлар туҳфаси*”, “*Эзгуликлар дояси*”, “*Ан-Наим*” – *фундаментал лугат*”, “*Тарбия манбаи*” каби қатор мақолалари ва кичик ҳикоялари ҳозир ҳам китобхонлар учун сеvimлидир.

Мўминжон Сулаймонов халқ оғзаки ижодини ардоқлаган, унинг қадрини тушунган адабиётшуносдир. Унинг “*Болалар ўйинлари ва фольклор*”, “*Атоқли фольклоршунос олим*”, “*Наманганлик фольклоршунослар устози*”, “*Маишхур эртақ кашшофи*”, “*Оташ Холмирзаев – фольклоршунос олим*”, “*Абдулла Орипов шеърларида фольклор мотивларидан фойдаланиш*”, “*Эркин Воҳидовнинг фольклоризмлардан фойдаланиш маҳорати*” каби қатор мақолалари ҳамда “*Ўзбек халқ оғзаки ижоди*” (академик лицейлар учун ўқув-услубий кўлланма)си шу соҳадаги меҳнатлари самарасидир.

Мумтоз адабиётимизнинг қомуси бўлган тазкира жанрини ўрганиш борасида Мўминжон Сулаймоновга тенглашадиган олимлар кам топилади. Унинг “*Қайюмий тазкираларининг ўзбек адабиёти тарихини ўрганишдаги ўрни ҳақида*”, “*Ўзбек адабиётидан дарсликлар яратишда тазкираларнинг аҳамияти ҳақида*”, “*XX аср ўзбек тазкираларининг ўрганилиши*”, “*XX ўзбек тазкиралари*”,



---

“Пўлатжон домумла Қайюмов тазкираларининг манбалари”, “Тазкираларда ҳиндистонлик шоирлар таърифи”, “Исматулла Абдуллаев – тазкирашунос”, “Тазкиралар ва уларнинг турлари ҳақида” сингари мақолалари шу борадаги илмий изланишлари натижасидир.

Мўминжон Сулаймонов адабиётнинг адабий алоқаларсиз тараққий этмаслигини яхши ҳис қилган ва китобхонга бундай алоқалар самарасини изохлаб берган адабиётшунос саналади. У киши бу соҳада “Камол Хўжандий ва Ҳофиз Хоразмий: адабий таъсир”, “Ҳофиз Шерозий ва Ҳофиз Хоразмий: адабий алоқалар талқини”, “Қаҳрамон шоир ва халқаро алоқалар”, “Эркин Воҳидов ва адабий алоқалар” каби бир қатор мақолалар ёзган.


Мўминжон Сулаймонов моҳир педагог олим сифатида дарс кузатиш дафтари, намунавий дастурлар, ўқув-услубий қўлланмалар, илмий-оммабоп рисоалар ва савол-жавоблар тўпламларининг муаллифидир.

Сермахсул ижод соҳиби, зукко ижодкор ва ҳозиржавоб олим Мўминжон Юсубжонович Сулаймонов ўзбек адабиётшунослигининг фахри ҳисобланади, десак муболаға эмас. Бир улуғ илм даргоҳида таълим олган ҳамкасб акамиз ва дўстимиз Мўминжон Юсубжонович Сулаймонов ҳар доимо соғ-саломат бўлсин, ижоди баракали ва давомли бўлсин. У киши улуғ устозларнинг ёшига етиб, доимо эъзозда бўлиб узоқ йиллар ўгил-қизу, неварара ҳамда эвараларнинг роҳатини кўриб юриш насиб этсин!

## УСТОЗЛАРИГА СОДИҚ ШОГИРД

**Зоҳиджон Содиқов, НамДУ**  
инглиз тили ва адабиёти кафедраси мудири,  
филология фанлари доктори

Тожикларда бир мақол бор: “Шогирд чегуна – устоз намуна”, яъни “Устоз қандай намуна кўрсатса, шогирд ҳам шундай бўлади”, мазмунида. Раҳматли устоз Ғайбулла Саломовнинг айтишларича, “Шогирдни устоз танлайди, устозни эса шогирд”. Бу бир қараганда жўнгина бир гап, аммо унинг остида чуқур маъно бор. Бошқача айтганда, агар устозинг сени чинакамига шогирдим, десагина сен шу рутбага эришасан, бўлмаса йўқ. Бу борада ҳазрат Навоийдан орттириб айтилган бўлмаса ҳам керак:

  
*Агар шогирд шоҳ ёки қозидур,  
Агар устоз рози, тенгри розидур.*

Дўстимиз Мўминжон Сулаймонов деганда кўз олдимга ўз устозларига садоқатли шогирд тимсоли келаверади. Камина бу инсонни таниганимга ўттиз йилга яқин бўлибди. Бу кичкина муддат эмас. Русларда дўстингнинг кимлигини билмоқчи бўлсанг, у билан бир пуд (16 кг) туз ейиш керак, деган нақл бор. Биз Мўминжон билан бунданда кўпроқ синовлардан бирга ўтиб келмоқдамиз.

### **Олманинг тагига олма тушади...**

Ўтган асрнинг 90-йилларида олийгоҳимиздаги ёш ўқитувчилар катори илм оламига жиддий кириб бориш тараддудида юрган кезларим эди. Талабалик йилларимдан олимларга энг бой кафедрага Мўминжон Сулаймонов деган ёш олим келибди, деган гап тарқалди. Ўша пайтларда ўзбек адабиётшунослиги кафедрасида нафақат республикамиз, балки бир қатор қардош мамлакатларда ҳам эътироф этилган профессор Одилжон Носиров, доцентлар Салоҳиддин Жамолов, Ўғилой Азимова, Нуриддин Бобоҳўжаев каби забардаст олимлар фаолият кўрсатишар эди. Ана шу “гигант”лар қаторига ёшгина, ҳали 30 ёшларни қоралаган Мўминжон Сулаймонов юрганлиги киши ҳавасини келтирарди. Бу воқелик бесабаб бўлмаган, албатта, чунки Мўминжон ҳақиқатдан ҳам катта домлалар кўлида таҳсил кўриб келганди. Мамлакатимиз пойтахтидаги энг нуфузли университетлардан бири (ўша пайтлардаги Низомий номидаги педагогика институти)ни аъло баҳолар билан тамомлаб, шу даргоҳ аспирантурасида ўқиб, кимсан Ўзбекистоннинг энг нуфузли адабиётшунос олимларидан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Натан Мурадович Маллаев илмий раҳбарлигида тадқиқотини ҳимоя қилган эди. Камина ўз номзодлик ишим ҳимояси жараёнида профессор Натан Маллаев билан бир неча бор мулоқот қилиш шарафига муяссар бўлгандим. Мўминжон ўз устозига шунчалик мос ва хоски, ҳатто овозининг йўғонлиги, ўзини тутиши, имо-ишора ҳаракатлари домласига тортган, десак, янглишмаган бўламиз. Катта устоз Маллаев ўтиб кетганларидан кейин Мўминжон адабиёт тарихидаги ўзига хос “тариқати” бор мактабнинг яна бир забардаст вакили, Маллаев домланинг тўнғич шогирди профессор Ҳамиджон Ҳомидовга шогирдликка тушди. Натижа ёмон эмас. Олманинг




тагига олма тушади, деганларидек, Мўминжон ҳам ўзбек мумтоз адабиётининг буюк сиймоларидан бири бўлмиш Ҳофиз Хоразмий ижоди борасидаги докторлик ишини тайёрлаб қўйди. Ҳимояга бир кадам қолди...

### **Қатъиятли шахс, оилапарвар ота, фидойи мутахассис**

Донишмандларнинг таъкидлашларича, бугунги кунда биз тушунадиган *баркамол инсон* бўлишлик учун киши, айниқса, эркак – нақд уч шартни бажариши талаб этилади: биринчиси, эркак киши ўзини бошқариши керак. Бу дегани, у ўзини ахлоқ қоидаларига мувофиқ тута билиши, бошқалар билан мулоқотда барча меъёрларга амал қилиши керак. Иккинчиси, у оилани бошқариши, яъни оилада *ота* деган номга лойиқ бўлиши, фарзандларига тўғри тарбия бериши, турмуш ўртоғига вафодор бўлиши, ота-онасининг дуосини олиши лозим. Ниҳоят, охиригиси яхши касб-кор эгаси бўлиши шарт. Бизнингча, ана шу талабларнинг барчасини дўстимиз Мўминжон намунали адо этиб келмоқда. У инсон сифатида ўз ҳамкасблари, дўстларига садоқатли. Яхшигина улфат, ҳамсухбат, дунёқараши кенг шахс. Иккинчидан, ота сифатида ўз фарзандларига намунали тарбия берибгина қолмай, уларнинг ҳаётда ўз ўрниларини топишларида камарбаста. Ҳатто кўп ҳолларда ўзлигидан кечиб бўлса-да, ўғил-қизлари учун вақтини ва нақдини аямайдиган дададир. Кизи Ҳулкаройнинг Зулфия номидаги давлат мукофотиغا сазовор бўлиши, ўғли Дурбекнинг вилоятимиз меъморларининг энг катта ҳисобчиси бўлиши, кенжа Фозиланинг мамлакатимизнинг энг катта ахборот технологиялари университети иқтидорли талабалари сафида таҳсил олаётганлиги бунинг далилидир.

Падари бузрукворнинг фарзандларига чиройли исм қўйиши ҳам бир фарз саналади. У ота сифатида ўз фарзандларига ўзбек сўз санъатининг ёрқин юлдузлари ва олималари исmlарини қўйганлиги ҳам ибратли: *Ҳулкарой, Дурбек, Фозила...*

Бугунги кунда Мўминжон Сулаймонов республика адабиётшунос олимлари эътироф этган олимлар қаторида туради. Дўстимиз Наманган давлат университети ва Фарғона давлат университетларининг ўзбек адабиёти ихтисослигидан фан доктори илмий даражасини берувчи Илмий кенгашлар аъзоси ҳисобланади. Мутахассис сифатида у ўзбек адабиёти ва халқ оғзаки ижодини



миридан сиригача синчиклаб ўрганганлиги эътиборга молик. Керак бўлса, у халқ дostonларидан парчалар куйлаб, бахшичилик ҳам қила олади. Қолаверса, жаҳон адабиёти билан ҳам яхшигина ошнолиги кишини таажжубга солади. Ҳа, у ўз касб-корини яхшигина эгаллаган, устозлик мақомига етган зиёлидир. Чунки унинг илмий раҳбарлигида бир неча шогирдлар диссертацияларини яқунлаш арафасида турибди.

Мўминжон Сулаймоновни қутлуғ 60 ёши билан табриклаб, унга соғлик-саломатлик, оилавий бахт, илмий ишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

## **УСТОЗЛАР ИЗИДАН БОРИБ БАРАКА ТОПГАН ОЛИМ**

**Қодиржон Носиров,**

НамДУ профессори, филология фанлари нозоди,  
Халқаро Пушкин мукофоти совриндори

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихини яратишда машхур олим профессор Ҳамид Сулаймоновнинг хиссаси жуда катта бўлганлигини кўпчилик яхши билади. Бу алломанинг буюк хизматларидан бири ўзбек мумтоз адабиётининг аввал фанга номи маълум бўлмаган йирик намояндаси Ҳофиз Хоразмий ижодини том маънода кашф этганлигидир. Олим XV аср охири ва XVI аср бошларида яшаб ижод қилган бу забардаст туркийзабон лирик шоирнинг ягона қўлёзма девонини 1975 йили Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Соларжанг музейининг Шарқ қўлёзмалари хазинасидан топади ва фотонусхасини юртимизга олиб келишга муваффақ бўлади. Профессор топилмани дастлабки тадқиқдан ўтказиб, нашрга тайёрлаш ишларини бошлаган эди. Афсуски, бевақт келган дард Ҳамид Сулаймонни 1979 йил ёзда ҳаётдан олиб кетди. Унинг ишларини садоқатли рафиқаси Фозила Сулаймонова ва бир қатор шогирдлари давом эттирдилар. Шоир девони 1981 йил Тошкентда икки жилдли китоб ҳолида нашр этилди. Ҳамид Сулаймон қаламига мансуб “Ҳофиз Хоразмий” (бу салмоқли мақола аввал “Адабий мерос” журналида босилган эди) номли кириш мақолада қўлёзманинг ноёблигини куйидагича таърифлайди: “Қўлёзмани хазинадан чиқариб қўлимга тутқазганларида мени ҳаяжонга солган биринчи нарса девоннинг ўзбекчалиги ва катта ҳажми эди. Қўлёзманинг турли варақларини очиб, қайси бир ғазал матлаъи ёки




“Ҳофиз” тахаллуслик мактаъни ўқимайин, борган сари ҳаяжоним голиб кела бошлади, чунки асар гоятда равон ўзбек адабий тилида ёзилган эди. Девонни эҳтиёт қилиб варақлар эканман, у кўлёмалар оламида жуда кам топиладиган ва менинг Шарқ кўлёмаларини ўрганишдаги 40 йиллик тажрибамда биринчи учраган ноёб жавоҳирдай бўлиб туюлди.”<sup>1</sup>


Профессор Ҳ.Сулаймоновнинг маҳобатли топилмасини биринчи бўлиб жиддий (диссертация форматада) таҳлил қилиш эса 1962 йилда Наманган вилояти Чортоқ туманида таваллуд топган, 1983 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги педагогика университети)ни имтиёзли диплом билан тамомлаган ёш ва иқтидорли адабиётшунос Мўминжон Сулаймоновга насиб этди. Бу тасодифий, осмондан тушган чалпақдай, ҳодиса эмас эди, албатта. Бунга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Натан Муродович Маллаев сабабчи бўлган. Мўминжоннинг ўша хурматли устоз тавсияси ва раҳбарлигида “Ҳофиз Хоразмий лирикасида кичик лирик жанрлар” мавзuida ёзган диплом иши давлат имтиҳонлари ҳайъати томонидан юқори баҳоланиб, муаллиф аспирантурага тавсия этилган эди. Аммо оилавий шароит аспирантуранинг кундузги шаклида ўқишга имкон бермади. 1984 йил Н.М.Маллаевнинг ундашлари билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети аспирантурасининг сиртки бўлимига ўқишга киради ва мактабдаги ишдан ажралмаган ҳолда илмий тадқиқотини давом эттиради. Ниҳоят, 1996 йилда “Ҳофиз Хоразмий ва ўзбек лирик шеърини ривожини” мавзусида филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилди.

Лекин шу ўринда таъкидлаш жоиз: Натан Муродович шогирдини охириг маррага етказиб улгурмай, бир неча йил давом этган сурункали касалликдан сўнг, 1996 йил май ойида бу дунёдан кўз юмади. Шу боис Мўминжоннинг тадқиқоти бироз сустлашади. Шундай бўлиши бир табиий ҳол эди, албатта. М.Сулаймоновнинг Ҳофиз Хоразмий лирикаси ҳақидаги диссертациясини яқунлаб, ниҳоясига етказишида Н.Маллаевнинг наманганлик шогирдлари: профессор Ҳамиджон Ҳомидий,

<sup>1</sup> Сулаймон, Ҳамид Ҳофиз Хоразмий / Ҳофиз Хоразмий. Девон. 1-китоб. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти. – Тошкент. 1981. – Б. 5.







профессор Одилжон Носиров, доцент Маҳмуджон Маъмуровлар самимий ва бегараз ёрдам кўрсатдилар. Аслида 1990 йил Маллаевнинг тавсияси билан М.Сулаймоновни ўзбек адабиёти кафедрасига ишга таклиф қилиш ташаббусини илгари сурган ҳам айнан Одилжон Носиров бўлган эди.

М.Сулаймонов ҳозирда устод Ҳомидий раҳбарлигида илмий фаолиятини давом эттириб, “XIV охири ва XV аср бошларидаги ўзбек шеърини поэтикаси (Ҳофиз Хоразмий ижоди мисолида)” мавзусидаги докторлик ишини якунлаш арафасида турибди. М. Сулаймонов биргина Ҳофиз Хоразмий ижодини эмас, шоир яшаган давр адабий муҳитини ўрганапти. Диссертациянинг асосий предмети билан боғлиқ ҳолда Алишер Навоийга қадар яшаб, ўзбек тилида ижод қилган шоирлар: Мавлоно Лутфий, Мавлоно Гадоий, Мавлоно Атойилар ижодини ҳам тадқиқ қилмоқда.

Мўминжон Сулаймоновнинг яна бир устози ҳақида алоҳида таъкидлаш лозим. Бу профессор Одилжон Носиров эди. Тўғри, у киши Мўминжонга расман раҳбар бўлмаган. Аммо ўзлари, Мўминжон каби, бир пайтлар Натан Маллаев раҳбарлигида номзодлик диссертациясини ёқлаган эдилар. Бу инсонлар ҳаммаси фанга фидойилиги, шогирдларни эъзозлашлари билан ҳурматли бўлишган. (Ушбу сатрлар муаллифи ҳам бошқа кафедрада ишлашига қарамай, бир пайтлар домланинг бу фазилатини ўзида ҳис этган). Ёш мутахассис М.Сулаймонов Одилжон Носирович билан бир кафедрада ёнма-ён ишлашга муяссар бўлган йиллари устознинг иш услубини ўрганишга имкон қадар ҳаракат қилди ҳамда унинг суҳбатларидан кўп баҳраманд бўлди, ўғитларини ўзлаштиришга эришди. Чунончи, у кишининг эски ўзбек имлосини аҳолига ўргатишга йўналтирилган фаолиятида кўмакдош бўлди.

Фанга фидойи дедик. Мен бу ерда биргина танлаган мавзусига берилиб ишлашни назарда тутмаяпман. Ҳақиқий фидойи олимлар ўзларининг фундаментал ишларидан ташқари, фан ютуқларини, жумладан, шахсан олиб борган тадқиқот самарасини ҳам кенг оммага ёйишга ҳаракат қилишлари, тарғиб этишлари тўғрисида гапирмоқчиман. Масалан, профессор Ҳомидий фаолияти тўғрисида сўз борганда, кўпинча у кишининг асосий ишлари Фирдавсий “Шоҳнома”сининг ўзбекча таржималаридан кўра, кўпроқ олим кейинги даврларда яратган “Кўҳна шарқ даргалари”, “Даҳолар давраси”, “Тасаввуф алломалари” номли китобларини макташади.



Чунки устод бу китобларига кирган қадимий шарқ тарихи, фалсафаси, маданияти, маърифати ҳақида маълумотларни мисқоллаб тўплаб, оммабоп шаклда китобхонларга етказмоқда. Муҳими эса, домланинг шарқ алломалари ҳақидаги мақолалари китоб бўлгунга қадар республика вилоятларининг матбуотида, яъни оммавий тарзда тарғиб қилинади. Бу борада муаллиф эринмай, ҳатто туманлар газеталари билан ҳам ҳамкорлик қилади. Профессор О. Носиров ҳам вилоят газеталарида адабий мавзуларда кўп чиқишлар қилар эди. Чунончи мен у кишининг “Наманган ҳақиқати”, “Сухбатдош”, “Чортоқ ҳақиқати” каби газеталардаги “Қизиқарли адабиётшунослик” рукнида чиқишларини яхши эслайман. Бундай мақолаларнинг афзаллиги шундаки, адабиёт фани ютуқларини халққа кўпроқ ва кенгроқ етказиб беради. Илмий нашрлар эса халққа деярли етиб бормайди, етиб боргани ҳам соф илмий услубда бўлади.

Доцент Мўминжон Сулаймоновнинг фаолияти ҳам худди мана шу жиҳатдан диққатга сазавордир. У киши бугунга қадар 300 га яқин мақола эълон қилган бўлса, ундан олтмишдан ортиги Ҳофиз Ҳоразмий ҳақида. Буларнинг талайгинаси турли вилоят ва туман газеталарида босилган. Кимнингдир назарида булар илмийликдан йироқ, бинобарин, эътиборга лойиқ эмасдек туюлади. Аммо 50, боринг 100 дона чоп этилган тўпламда чиққан мақолалардан, туман миқёсидаги публикация афзалроқ, чунки уни минглаб газетхон ўқийди.

Уч юз мақоладан ташқари, М. Сулаймоновнинг 30 дан ортик илмий-услубий қўлланмалари ва рисоалари эълон қилинган. Буларда ҳам, асосан, педагоглар даврасида адабиёт тарғиботи.

Юбилярнинг илмий-педагогик фаолиятининг яна бир-икки қиррасига эътибор бермоқчимиз. Мана ўн йиллар чамаси, у киши университетимизда профессор Қодиржон Носиров томонидан ташкил қилиниб, бугунги кунда халқаро миқёсга кўтарилган “Содружество языков – Содружество культур” (“Тиллар ҳамдўстлиги – Маданиятлар ҳамдўстлиги”) ҳамда Ф. Каримова ташаббуси билан бошланган “Ўзбек матншунослиги ва манбашунослиги муаммолари” мавзусидаги анъанавий халқаро анжуманларни ўтказиш ва уларнинг тўпламларини чоп этиб, тарқатишда яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Аниқроғи, бу шунчаки



ёрдам эмас, балки ҳаммуаллифлик деса тўғрироқ бўлади. Бу улкан амалиёт.

Бундан ташқари, М. Сулаймонов фан соҳасида ташаббускор инсон. У ҳамкасблари ва шогирдларини ҳам илмий, илмий методик ишларга жалб қилади, уларни ҳамкорликда ишлашга даъват этади. Бунинг натижаси ўлароқ бир қатор янги нашрлар амалга ошди. Жумладан, “Адабиётшунослик атамаларининг ўзбекча-русча-инглизча-немисча-французча луғати” (ҳаммуаллифлар: Қ.Носиров, А.Қурбонов, З.Содиқов, Ҳ.Турсунов, У.Қўзиёв, Ҳ. Муҳаммадиева. – Тошкент: Наврўз, 2019.) ва “Ҳаммабоп ўзбекча-арабча-русча-инглизча ўқув луғати”. (ҳаммуаллифлар: Ю.Раҳматуллаев, Р. Ғойиббоева, Ҳ.Сулаймонова. – Тошкент: Нодирабегим, 2021.) каби ўқув луғатлари кўп нусхада чоп этилди.

Ҳа, мана шунақа, Мўминжон Сулаймонов устозлар изидан изчиллик билан юриб, барака топаётган серқирра ва сермаҳсул адабиётшунос олим. Ҳозирги кунда у киши Наманган давлат университети ўзбек адабиётшунослиги кафедраси мудири. Ташкилий ишлар қанчалик кўпаймасин, у киши илмий фаолиятни ҳам сусайтирмай олиб боришга ҳаракат қилмоқда.

Бугун юбилей. Биз ҳурматли ва қадрли укамиз доцент Мўминжон Сулаймоновни қутлуғ 60 ёши билан чин кўнгилдан қутлаймиз. Муборак бўлсин! Илмий, педагогик, жамоатчилик, оилавий ишларда ҳеч толманг деймиз. Ҳамма вақт Аллоҳ сизга ёр бўлсин! Унутманг: 60 ёш – эр кишига қирчиллама йигитликдир!!!

## **ДУНЁНИ ҲЕЧ КИМДАН ҚИЗҒОНМАЙДИГАН МЎМИН ОЛИМ**

**Саидумар Сайдалиев,  
НамДУ профессори**


Илм инсонни икки дунё саодатига элтувчи бир восита бўлиб, ҳар бир қилинадиган амал илмий асосда бўлиши лозим. Илм олиш инсонга ҳурмат ва фазилат олиб келади. Халқимизда “олим бўлсанг, олам сеники” деган ҳикмат бежиз айтилмаган. Инсон қанчалик илм олишда давом этар экан, унинг билим доираси кенгайиб боради, тафаккури очилади, теран фикрлайди. Шунинг билан бирга ҳар қандай ишнинг оқил ечимини топади.




Ҳар бир иш мукаммал, мустаҳкам бўлиши учун илм, амал ва ихлос бирлашиши шарт. Фаридиддин Аттор илоҳиятда аввал ихлос, кейин илм туради дейдилар. Яъни ихлоси бўлмаган кишига минг бор илм борасида сўзланса ҳам у одамда зарра миқдорда фазилат, даража, юксак бир мақом белгиси кўринмайди. Дунёда илмдан кўра юксак даража ва мартаба йўқдир. Беш нарса кўзга нур беради: Куръони каримни ўқиш, олимларга қараш, ота-онага қараш, одил подшоҳга қараш ва чиройли манзарали жойларга қараш.

Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар: *“Олимларга бир марта қараш менинг масжидимда бир йил эътикофда ўтириш билан тенгдир”*. Яна Пайғамбар алайҳиссалом айтадилар: *“Ким бир олимни ҳурмат қилса, гўё мени ҳурмат қилгандек бўлибди. Кимки бир олимни хорласа, гўё мени хорлагандек бўлибди”*. Бугун биз юртимизнинг иктидорли, зукко олимларидан бири ҳақида айрим фикрларни баён қилишни ният қилдик.

Мен қаҳрамонимиз Мўминжон Сулаймонов билан илк бора у киши Тошкентда аспирантурада ўқиб юрган пайтда учрашганман. Кейинчалик кўришганда қуюқ саломлашиб юрдик. У кишининг хушмуомалалилиги, самимийлиги, оғир-босиқлиги, ҳар бир сўзни салмоқ билан асосли гапириши менга манзур бўлди. Яқиндан танишувимиз бироз ғалатироқ бўлган. Мен раҳбарлик қилаётган хорижий филология факультетнинг 4-босқич битирувчи талабаларига “Чет эл адабиёти” фанидан маъруза ўтадиган домланинг дарсини кузатишим керак эди. Мақсадимни домлага айтсам, хоҳлаган машғулотга киришим мумкинлигини айтиб, самимият билан навбатдаги маърузага таклиф қилди. Хорижий тилларни ўрганган талабаларга ўзбек адабиёти кафедрасидан устоз келиб дарс ўтаётгани эришдек туюлаётганди. Маърузага кириб ўтирдим. Домла давомат ҳақида сўраб ҳам қўймади. Сабаби оддий: битирувчи босқич бўлса ҳам, менинг назаримда, ҳамма дарсга юз фоиз қатнашаётган эди. Мавзу инглиз маърифатпарварлик адабиёти бўйича “Даниел Дефо ижоди. “Робинзон Крузо” романи” экан. Машғулот жуда қизиқарли ўтди. Ҳозир ҳамма тафсилотига тўла тўхталиб ўтирмайман. Очиги, дарс тугаганини сезмай қолдим. Хаёлимдан дарс кузатилишини билиб, қизиқарли бўлсин деб, атайлаб шу мавзунини танландимикин, деган ўй ўтди. Хужжатларни кўздан кечирдим, ҳаммаси жойида, режа бўйича ўтилган. Маърузачининг ўз фанини жуда яхши ўзлаштириб олганига ишонч





хосил қилдим. Дарс ҳақидаги фикрларимни сўраганда, очик зътироф этдим. Мўминжон камтарлик билан: – Бу фан бизга устозимиз профессор Одилжон Носировдан мерос бўлиб қолган. Яхши ўтмасликнинг ҳеч иложи йўқ, – деди.

Иккимингинчи йилларнинг бошида бир неча йил қаторасига университетга кириш имтиҳонлари тестларига тайёргарлик кўриш учун қабул комиссияси таркибида аудиториялар учун масъул бўлиб ишладим. Университетга кириш истагини билдирган абитуриентлар сони йилдан-йилга ортиб борарди. Шунга мувофиқ тест топшириладиган аудиториялар сонини ҳам кўпайтириш зарур бўларди. Натижада аудиториялар учун масъуллар ҳам кўпайтирилиши керак эди. Университетдаги ҳар бир профессор-ўқитувчи ўзига хос бир дунё бўлганлиги учун ҳам уларнинг ҳар бирига алоҳида ўйлаб муомала қилиш, топшириқни эҳтиёт бўлиб етказиш лозим. Қабул комиссиясида белгиланган топшириқдан бохабар қилиш учун ўзбек тили ва адабиёти кафедрасининг муаллимини излаб бордим. Мен у кишига: “Сиз ўзбек тили ва адабиёти бўлимига ҳужжат топширган абитуриентлар тест топширадиган хоналарни тайёрлаш бўйича масъул этиб тайинландингиз”, – дедим. – Бу топшириқ ректор томонидан берилдими ёки менинг номзодимни сиз кўрсатдингизми?” – сўради муаллим. Мен, бундай саволни кутмаган бўлсам керак, бир оз довдираб, факультетингиз раҳбари таклиф киритди, мен маъқулладим, ректор тасдиқлади ва буюрди, деб айтдим. У бир оз норози оҳангда: – Ўтган йили ҳам қатнашган эдим. Нима қилишим керак? – деб сўради. Мен у кишининг вазифасини қисқача тушунтирдим. Иш жараёнида бир-биримизни яхшироқ билиб олдик, гапимиз гапимизга қовушиб, иккимиз ҳам ёмон одам эмаслигимизни бир-биримизга кўрсатишга ҳаракат қилдик. Қабул жараёнини эсон-омон яқунлаб олгунча анча иноқлашиб, қадрдонлашиб қолдик.

Адабиётга қизиққанлигим учун кафедра, университет, шаҳар ва вилоят миқёсида ўтказиладиган тадбир ва анжуманларда биргаликда иштирок этадиган бўлдик. Бир-биримизни излайдиган ва суҳбатлашишни хоҳлайдиган бўлиб қолдик. Ҳар қандай даврада мен суҳбатдошимнинг билим ва тажрибасидан баҳра олардим. Айниқса, унинг мумтоз адабиёт вакиллари ва уларнинг асарлари ҳақидаги суҳбатлари мен учун жуда марокли бўларди.



## Ҳожиларга консултация

Биз, 2012 йилда Ҳаж сафарига борган ҳожилар бир ойда бир марта йиғилиб, меҳмондорчилик қилиб турамыз. Йиғилишимизда ҳар доим қайсидир муаммо, масала ўртага ташланади ва қизгин муҳокама қилинади. Суҳбатларимиз диний, дунёвий, ҳаётӣй, касб-хунар, таълим-тарбия, устоз-шогирд ва бошқа масалаларга бағишланади. Бундай суҳбатларда ҳамиша маънавий ва маърифӣй жиҳатдан фойда оламиз. Ҳар бир иштирокчи ўз фикрини баён қилади ва муносабат билдиради. Шунинг учун ҳам иштирокчилар суҳбатга кечикмай келадилар, доимо иштирок этадилар.

Кунларнинг бирида суҳбатимиз мавзуси Алишер Навоӣй ҳаёти ва ижоди ҳақида бўлди. Ҳар бир киши мавзу бўйича ўз билгани, ўқигани, эшитгани ҳақида фикрини баён қилди. Тинглаб ўтириб суҳбатдошлар мавзуга оид шунчалик кўп маълумотга эгалиklarига ҳайрон қолдим. Суҳбатнинг боришидан Навоӣйнинг ёшлик йиллари, ўқиш-ўрганиш даврлари, Ҳусайн Бойқаро билан дўстона алоқалари, саройдаги фаолияти ва вазифалари, ёзган асарлари, шеърлари, “Ҳамса” асарининг ёзилиш тарихи ва мазмуни, Ҳазратнинг Фариддин Аттор, Низомӣй Ганжавӣй, Ҳусрав Дехлавӣй, Абдурахмон Жомӣйга бўлган муносабатлари ва бошқа масалалар ўртага ташланди. Ҳатто Навоӣйнинг ишқ-муҳаббати ҳақида ҳам гапирилди. Шунда суҳбатдошлардан бири, Аҳмаджон Қориев (жойлари жаннатда бўлсин) исмли муаллимнинг домлалиги тутиб кетиб: – Сизлар кўп нарса билар экансизлар, қойил қолдим, ҳозир сизларга битта савол бераман, ким исботи билан жавоб берса, муқофотлайман, – деб қолди. Даврадагилар ҳушёр тортдилар ва саволни тезроқ айтилишини сўрадилар.

– Алишер Навоӣйнинг падари бузруквори сарой амирларидан бири Ғиёсиддин Кичкина бўлган, шундайми? Ҳамма тасдиқлади. – Энди айтинглар-чи, Навоӣйнинг онаси ким бўлган? Ҳамма жим бўлиб, ўйга толди.

Мен ҳам ушбу саволга жавоб топиш йўлларини излай бошладим. Кейинчалик интернет саҳифаларидан, китоблардан қидириб кўрдим, ўзим биладиган адабиётчилардан суриштирдим, аниқлаганим шу бўлдики, Навоӣйнинг онаси саройдаги Сайфиддин Чангӣйнинг қизи бўлган экан.

Кунларнинг бирида ҳамюртимиз таниқли адабиётшунос олим, устоз Ҳамиджон Ҳомидӣй иштирок этган даврада ушбу саволни

Ўртага ташладим. Жавоб олишга умидим катта эди. Лекин домланинг жавобларидан ҳам нажот бўлмади. Олим бу ҳақда ҳеч қандай манба йўқ эканлигини, бу саволга у кишининг устозлари Натан Маллаев ҳам, Иззат Султон ҳам аниқ жавоб ёзилган манбанинг йўқлигини айтганларини эсга олдилар.

Бу оради икки ой ўтиб кетди. Навбатдаги йиғилишга тўпландик. Яна гап саволга жавоб ҳақида кетди. Аниқ жавоб йўқлигини ёки топиш қийинлигини билган Аҳмаджон Қориев жавоб топганга мукофот киммати кўпайтирилганлигини эълон қилди. Жавобни навбатдаги учрашувгача топиш топширилди. – Мен гуруҳимиздаги ҳамма ҳожиларнинг навоийшунос бўлиб қолганидан ва бунда менинг ҳам ҳиссам борлигидан фахрланаман, – деди муаллим гуруҳ билан. Хуллас, ҳамма жавоб излашга қаттиқ киришиб кетди.

Навбатдаги йиғилиш куни ҳожилардан икки киши, жуда хурсанд бўлиб, китоб кўтариб келишибди. Уларнинг ҳикоя қилишича, набираларини тўплаб, Навоийнинг онаси кимлигини билиб берганга, мукофот бераман, деб эълон қилибди. Набиралар мактабларига бориб муаллимларидан сўрабдилар. Хуллас, 4-синф “Ўқиш” китобидаги Ойбекнинг “Алишернинг болалиги” номли қиссада қуйидаги сатрларни ўқиб, саволга жавоб топдим, деб ўйлабдилар.

*...Алишернинг онаси шивирлаб:*

*- Ўтирақол, шовқин қилма, – деб ўғлининг олдига у-бу таомлардан суриб кўйди.*

*... Кўнгли ширин мавжларга тўлиб, хаёлчан ўтирган Алишер онасининг тиззасини секин туртди:*

*- Мушиқа сеҳрли-я, ўйинларни қаранг, менга ёқадур ...*

*- Гулбегим қулимсираган ҳолда мамнун шивирлади:*

*- Тингла!*

*Базм оқшомга қадар давом этди. Кейин малика бошлиқ меҳмонлар ҳовлига чиқиб базмни тагин қизитдилар.*

*- Юр, ўғлим кетайлик, – деди Гулбегим паст товуш билан ва Алишернинг қўлидан ушлади. ...*


Тўғри, мактаб деганда, муаллим, тарбиячи, китоб тушунилади. Айниқса, бошланғич синф ўқувчилари учун муаллимнинг гапи қонун, улар китобда нима ёзилган бўлса ҳаммаси рост, тўғри деб ўйлайдилар. Шунинг учун мактаб дарслиklarига киритиладиган ўқув материалларига жуда қаттиқ талаб қўйилади. Бу жуда ҳам



тўғри талаб. Лекин хужжатли асар ва бадий асар бир-биридан бутунлай фарк қилади. Бадий асарда тўқима, тимсол ва тасвирлар учрайди. Ойбек домла қиссасидаги Алишернинг онасининг исми Гулбегим образи ва унинг исми тўқима. Мен ушбу фикрни асослашга ҳаракат қилдим, лекин уринишларим зое кетаверди. Менинг оппонентларим – ҳожилар жуда қатъий қаршилиқ ва норозилик билдиришаверди. Шунда мен НамДУнинг ўзбек тили ва адабиёт кафедраси доценти, ўзбек мумтоз адабиёти масалалари билан жиддий шугулланган олим-дўстимизга телефон орқали мурожаат қилиб, ёрдам сўрадим. Телефон овозини ҳаммага эшитиладиган қилиб қўйдим. Консултантга ҳолатни тушунтирдим. Олим ҳозиргача ўқиган китоблари ва бошқа маълумотларда бу саволга аниқ жавоб йўқлигини айтиб, бунинг сабабини қуйидагича изоҳлади. Ҳазрат Навоийнинг сифатловчи исмларидан бири Низомиддиндир. Бу дегани мутафаккир ислом дини масаларини мукамал билганлар, унинг тартиб-қоидаларини ҳимоя этганлар ва уларга қатъий амал қилганлар. Шариат талабига кўра аёлларнинг исмлари ҳам аврат ҳисобланиб, исмлар айтилмайди, ёзилмайди. Шунинг учун ҳам ҳазрат Навоий оналарининг исмини ҳеч бир асарларида ёзмаганлар.

Хуллас, тортишув яна узоқ давом этди. Ҳожилар агар ушбу исм тўқима бўлса, мактаб дарсликларида ҳам ёзилиши мумкин эмас, деган фикрларида қаттиқ туриб олдилар. Сухбат якунида А.Қориев: – Мен ҳаммаларингдан миннатдорман, билимга ва билишга шунчалик чанқоқликларинг учун сизларни навбатдан ташқари йиғилишга таклиф қиламан ва мукофот тариқасида меҳмондорчилик ҳаражатларини зиммамга оламан, – деб ҳаммани таклиф қилди. Ҳожилар мендан новойшуносларни ҳам таклиф қилишни сўрадилар.

Якшанба куни барчамиз тўпландик ва чойхонада яна навоийхонлик баҳсини давом эттирдик. Таклиф қилинган адабиётшуносимиз қуйидагиларни баён қилди. Ҳазрат Навоий ҳақларида жуда кўп ёзилганлиги, улардан диққатга сазовори Шухрат Сирожиддиновнинг “Алишер Навоий манбаларининг қиёсий-типология, текстология таҳлили” номли монографияси бўлиб, унда Навоий бобомиз ҳақларида ўзлари ва замондошлари томонидан ёзилган маълумотлар келтирилган, қиёсланган ва таҳлил қилинган. Буюк шоир, мутафаккир, давлат арбоби жуда бадавлат инсон бўлганлар. Барча бойликларини жамият ва халқ учун





---

сарфлаганлар. Жумладан, у киши 24 та масжид, 4 та мадраса, йўл, кўприк, хаммом ва бошқа бир қатор иншоотлар қурдирганлар. Мударрисларга ойлик иш ҳақи, талабаларга нафақа (стипендия) берганлар. Ҳайит ва байрамларда аҳолига совға-салом тарқатганлар. Ҳазрат бойликларини қанча кўп тарқатсалар, шунчалик кўпайиб бораверган. Лекин ўзлари оддий уйда камтарона яшаганлар.

Маърузадан сўнг суҳбат узоқ давом этди. Ҳаммининг димоғи чоғ бўлди. Жуда кўпи саволларга жавоб топилди.

Хурсанд бўладиган жойи шуки, 15 нафар ҳожилар Навоий ҳазратлари ҳақида кўп маълумотга эга бўлдилар ва ўзлари ҳам фикр билдирдилар. Бу суҳбат уларнинг оила аъзолари, дўстлари даврасида ҳам давом этган, албатта. Бу кони фойда бўлди. Бунда дўстимиз – НамДУ доценти, филология фанлари номзоди, Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси мудири Мўминжон Сулаймоновнинг алоҳида ўрни ва хизмати бор.

#### **“Насиҳатнома” кўрсатуви бошловчилигига тавсия**

2019 йилда навбатдаги тушликда дўстимиз менга, вилоят телерадиокомпаниясида ёшларга таълим-тарбия бериш, уларнинг маънавий-маърифий жиҳатдан дунёқарашига ижобий таъсир этиш, уларни дунёвий ва диний билимлар билан қуроллантириш мақсадида бир кўрсатув режалаштирилаётганлиги ҳақида гапириб, сизнинг номзодингизни бошловчиликка тавсия қилдим, – деб қолди. Бу мен учун қутилмаган ва ҳаяжонлантирадиган хабар эди. Бир қадар ташвишли ва масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда эсанкираб қолдим. Чунки бу ишнинг нақадар масъулиятли иш эканлигини тасаввур қилардим. Сиз кўп ташвишланманг, сизни тавсия қилишимнинг асослари бор: ёшингиз, маълумотингиз, ихтисослигингиз, нутқингиз, хулқ-атворингиз, жамиятдаги нуфузингиз ушбу вазифага мос тушади, – деди кўнглимни кўтариб ва катта далда берди. Шундай бўлса-да, бир неча кун уйқум қочиб юрдим. Бу суҳбат унутилиб ҳам кетди. Бу орада икки марта вилоят телевизор кўрсатувига таклиф қилиндим. Биринчиси, ибратли оила телекўрсатувига, иккинчи марта норинлик масжид имоми билан устозлар ҳақидаги суҳбатга чорлашди. Кейинчалик билсам, менинг шахсим бошловчиликка мос тушиш-тушмаслиги ҳам ўрганилаётган экан.



Хуллас, дўстимиз имкони борича, дунёни ўзгалардан қизгонмайдиган, кўлидан келадиган барча яхшиликларни аямайдиган инсон эканлиги кундан кунга исботланиб бормоқда.


Мен Наманган давлат университети доценти, филология фанлари номзоди, Ўзбек адабиётшунослиги кафедрасининг мудирини Мўминжон Сулаймоновнинг илмий ишларига муваффақиятлар, талаба ёшларга илм сирларини қизгонмай ўргатишида куч-ғайрат, оилавий ҳаётига бахт-иқбол ва файзу барака тилаган ҳолда фарзандлари ва набираларининг роҳатини кўриб юриш жуда узок йиллар давом қилишини раҳимдил Аллоҳдан сўраб дуо қиламан.

## ИЛМ БИЛАН ҲАР ДАМИ, ҚУТЛИ ҚАЛАМ ҲАМДАМИ (ОЧЕРК) БОШЛАНМА

Содиқ САЙҲУН,

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,  
Турон фанлар академияси академиги

Асли азалдан ҳар куннинг кеча-кундузи бебоис барқарор бардавом эмас. Гуё тириклик аталмиш умрнинг ҳисоб-китобли эканидан такрор ва такрор огоҳлаётгандай сизу бизни. Куёш тонгни тухфалашдан бошлайди ҳар кунни. Ойу юлдузлар зулматга ёғдули зирақлардек зийнатлайди ҳар тунни. Булар Яратганнинг интиҳосиз иноятини, бутун мавжудотга меҳру муҳаббати бебаҳою бекиёслигини англамайди! Зоти шариф инсоннинг вужудида жонбахш қони оқар экан, чакноқ кўзлари мунаввар оламга умидвор боқар экан, ақл-идроқи ҳаёт маъносини чақар экан, яралганига шуқронаси – даставвал элу юрт корига яраш учун изланиб, интилиб шурашиб яшашидир. Шу жихатдан қараганда, Мўминжон Сулаймоновнинг заррача хижолатли ҳолати йўқ. Аксинча, олтимиш йиллик умридан кўнгли тўқ. Ахир инсон сифатида ҳам, олим сифатида ҳам республикага таниқли, улуғ устозларига муносиб шоғирд, зукко шоғирдларига ибратли устоз. Ҳар икки мартабаси амолот бобида беармонлигидан нишона. Камтарлик ва амимийлик фазилатлари туфайли катта-кичикка ҳамхона. Кибру аво, манманлик мутлақо бегона. Кўнгли беараз, ниятлари беғараз, элликдан шеърпараст. Адабиёт билимдони нозик дидли илмпараст.



Шунинг учун ёзганлари мақолалардан – монографияларга, маърузалардан – услубий қўлланмаларга айланади ва айланмоқда.

## ГУЛДИРОВНИНГ ГУРКИРОҚ НИҲОЛИ

“Дадам десам, кўз ўнгимда барглари ям-яшил, баъзи шохларидаги мевалари пишиб етилган, баъзилари энди ола томир бўлаётган, айрим шохларида ҳали гул гунча очаётган, илдизи эса она ернинг таг томирига бориб туташган салобатли дарахт гавдаланади” дея эътирофлайди, Тошкент давлат шарқшунослик университети муаллимаси, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, Зулфия номидаги давлат мукофоти саҳибаси Хулқарой Сулаймонова. Бу ўхшатишда ғоят монандлик бор. Издош фарзанднинг тасавурида дарахт бир вақтлар ниҳол эди, ниҳол бўлганидаям Гулдиоровнинг гуркироқ ниҳолиди. Юсуфжон бобоси билан Фотимахон бувиси боғида ўсиб, Сулаймон бобокалони-ю ул зотнинг оталари Мулла Бўта домланинг қонларидан ўтган қобилият куртаклари нишланиб, барқ урган яшноқилиги ҳали болалигидаёқ атрофидагиларнинг ҳайрату ҳавасини уйғотиб турарди.

1969 йили қишлоқдаги 13-ўрта мактаб остонасини илк бор ҳатлаган Мўминжон 1979 йили кадрдон илмгоҳи сабоғини яқунлаб, олий таълим олиш иштиёқида Тошкентга йўл солди. Ҳаёт дарслиги саналмиш адабиётга меҳри баландлиги учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги педагогика университети)га юқори балл билан талабалikka қабул қилинди. Мактабдаги ўқитувчилари адабиётнинг сеҳрли оламига етаклашган бўлса, институтда Натан Маллаев, Мазлума Асқарова, Ҳамиджон Ҳомидийга ўхшаган таниқли адабиётшунос ҳамда тилшунос олимлар маърузасини тинглаб, улар раҳбарлигида изланишлар олиб бориб, адабий анжуманларда фаол қатнашиб, матн таҳлилида нуктадонлик салоҳиятини ўзлаштиришга астойдил интилди. Пойтахтдаги адабий-илмий муҳит таъсирида камолот касб этди. Ана шундан, 1983 йили ўзи таҳсил кўрган мактабига имтиёзли (барча фанларни фақат “аъло”га ўзлаштирганига шохидлик берувчи қизил рангли) диплом билан қайтди. Етти йил ҳамқишлоқлари фарзандларига устозлик қилгач, энди ўзининг ўрни олий таълим даргоҳида эканини ҳис этди. Кўнгил қатидаги орзулари изчил илмий изланиш, олимлик мақомига кўтарилиш қарорига келишини тобора қатъийлаштирган эди.



У “Ҳофиз Хоразмий ва ўзбек лирик шеърятининг ривожи” мавзусига қўл урди. 1990 йилдан Наманган давлат университети “Ўзбек адабиёти” кафедраси ўқитувчиси, сўнг ўзбек филологияси факультети декани ўринбосари, 1995 йилдан катта ўқитувчи вазифалари масъулиятини унутмаган ҳолда яна тунларни тонгларга улаб, Хоразмий меросини чуқур таҳлил этишда тиниб-тинчимасди. 1996 йили номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлашга эришди. Гулди ровнинг гуркироқ ниҳоли ниҳоят олимлар бўстонига бўй кўрсатди.

### **ТЕРАН ТАҲЛИЛДАН – ЯНГИЧА ҚАРАШЛАР САРИ**

Яхши биламизки, мумтоз адабиёт тарихида ҳали кўпчиликка номаълум, тор илмий жамоатчилик нигоҳини кутиб турган газалу байтлар бўлиши мумкин. Олимларнинг синчковлиги, журъати қатор-қатор қизиқарли ва фойдали янгиликларнинг аёнлашувига олиб келади. Бу борада Мўминжон Сулаймоновнинг ўзига хос зукколигини кўрсатувчи бир мисол борки, унинг қаламига мансуб мазкур мақола мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари диққатини тортиши ҳам табиий. Инчунин, Навоий ижодини янада ёркинроқ, янада ишонарлироқ ўрганишга боғлиқлигидан алоҳида қимматга эганлигиниям рад қилолмаймиз. Муаллиф мактаб дарслигидаги ҳаммамизга маълум, мумтоз адабиётимизнинг улуғ намояндаси Лутфийнинг ёш газалнафис Алишерга рағбатона лутфига сабабчи машҳур байтига ҳамоҳанг Ҳофиз ва Хўжандий байтларни ёнма-ён кўяди:

Оразин ёпқоч кўзумдин сочилур ҳар лаҳза ёш,  
Ўйлаким пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгач куёш.

(Алишер Навоий)

Бас ажабдур кўзларим ёши юзунг кўрган аро,  
Чун бўлур истора пинҳон, бўлса пайдо офтоб.

(Ҳофиз Хоразмий)

Юзингни ёпмагунча кўзларимдан окмагай ёшим,  
Куёш ботмай туриб оламга юлдузлар аён чикмас.

(Камол Хўжандий)

Ана энди олим ўзининг хулосаларини беради: “Бундан кўриниб турибдики, уч шоир ҳам деярли бир хил фикрни шеърга солганлар, аммо ифодалашда, таъсирчанликда фарқли... Алишер Навоийга Камол Хўжандийнинг байти маълум бўлгани аниқ, бироқ

шоир бизнингча Ҳофиз Хоразмий байтидан ҳам кўшиқ ёки бошқа воситалар орқали хабардор бўлган”.

Мўминжон Сулаймоновнинг фақат хоразмийшуносликда янги ва дадил қадамлар ташлаш билангина кифояланиб қолмагани янада эътиборга лойиқ.

### АЛАМЛИ ЭМАС, ҚАЛАМЛИ – АРМОНЛИ ЭМАС, ХИРМОНЛИ

Очилини айтганда, олимларни икки тоифага ажратиб юраман ўзимча. Биринчи тоифадагилар фақат номзодлик диссертацияси ёзиб, раҳбари раҳнамолигида “муваффақиятли” ҳимоя қилишади-да, кейин эса... Бундай олимлик даражасидан манфаат кўриб юраверадиганларнинг кўлида ижодий изланишга руҳлантирадиган қалам йўқ, аксинча дилида изтиробли алам бордир. Улар ёши бир жойга етганида ижодий хирмонлари билан шогирдларига ибрат бўла олмайдилар. Армонли, афсусли олим-домлалар ана шулардир. Иккинчи тоифадагилар ёзишдан асло-асло тўхташмайди, ҳатто ҳоришмайди ҳам. Аксинча, борган сайин илмий-ижодий салоҳиятлари юксалгандан юксалади. Китоб кетидан китоб, мақола кетидан мақола битишаверади. Энг хайратланарлиси, илмий даража учун ёзган монографиялари, ягона шоир ёки адиб асарлари бир ёқда қолиб, яна ўнлаб ижодкорларнинг адабий яратикларини таҳлиллайдилар, талқин қиладилар, чинакам адабиётшунос эканликларини амалда қайта-қайта исботлайверадилар. Ҳатто, докторлик ишларини тезроқ якунлашни ҳам, якунласалар-да апил-тапил ҳимоялашни ҳам унутишгандай кўринишаверади. Энг муҳими, бундайлар расмий фан доктори бўлмасалар-да, профессорлик унвонига эришмасалар-да, ҳамкасблари, шогирдлари ўртасида улардан ҳам баланд обрў-эътибор қозонаверадилар. Худди Мўминжон Сулаймоновдек.


Унинг кўнглида мактаб партасида ўтирган чоғларидаёқ илҳом куртаклари бўртиган. Кўлига ижод қаламини туттирган. Қирк тўрт йил муқаддам республика болалар (ўша пайтдаги пионерлар) газетасининг 50 йиллигига бағишлаб ташкилланган кўрик-танловда ўзининг мўъжазу маънодор мақолалари билан қатнашиб, энг фаол қаламкаш сифатида таҳририятнинг Фахрий ёрлиғига сазоворланган. Ўспирин ёшлигидан бери Мўминжон Сулаймоновнинг ёзаётганлари газета-журналларда изчил ёритилади. Мавзулари ранг-баранглиги,



мазмундорлиги, таъсирчанлиги туфайли ўқирмонларга жуда маъқул. Илм аҳлига ва кенг оммага бирдай манзур тушадиган яратикларида Ҳофиз Хоразмий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Ҳамза, Ғафур Ғулом, Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва Муҳаммад Юсуфдек адабиётимиз улуғлари асарлари кўп бор таҳлилга тортилган, муносиб талқинини топган.

Олимимиз Наманган адабий муҳити бағрида яшаётгани боис вилоятимизнинг замондош ёзувчи ва шоирлари тўпламларини ҳар доим адабиётшунослик мезонлари нуқтан назаридан оқилона ва одилона баҳолашга одатланган. Зарур маҳалда ёшларга руҳбахш рағбатлар ёғдиришга вақт ажратади. Ҳозиргача устозу ҳамкасблари Одилжон Носиров, Исматулла Абдуллаев, Нуриддин Бобоҳўжаев, Тожиддин Ғозибоев, Қодиржон Носиров ва Маҳмуджон Маъмуров каби илму ижод намояндалари тарғиботидан чарчамади. Истиклол йилларида истиқлол даврининг адабиёти камолига керагича ҳисса қўшаётган Наманганнинг юксак иқтидорли адиблари, навқирон авлод вакиллари асарлари таҳлиliga багишланган қатор-қатор тақризлар, сўзбошилар битиб, ўзгача мотивация бераётгани ҳам самимий қалб соҳиби экани ҳосиласидир. Боқий Мирзо, Исҳоқжон Нишонов, Лобар Рустамова, Манзура Абдуллаева каби сермахсул ижодкорлар ҳақида хайрихоҳлик билан қалам тебратаётганини эса Наманган адабий муҳитининг эртанги ривожини учун муттасил жон куйдираётганининг беинкор нишонаси дейишга тўла ҳақлимиз.

- Устознинг беминнат рағбати шогирдлар меҳру садоқатининг барқарору бардавомлигига мустаҳкам замин яратаверади, – дейди Наманган давлат университети докторанти, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Манзура Абдуллаева. – Мўминжон домла 2017 йили нашр этилган “Исҳоқжон Ибрат – серкирра ижод соҳиби” китобимнинг қўлёзма нусхасини ўқибок сўзбоши битиб берганлар. “Ибратшунослар сафи кенгаймоқда” сарлавҳаси-ю, “Улар орасида университетимиз талабасининг борлиги бизлар учун фахрли” деган острукраидаги самимий эътирофларидан гўёки бошим осмонга етган. Қанийди, шогирдлари парвозига қаноат бўладиган, уларнинг ютуғини ўзининг ютуғидек кўрадиган, ижодкорликда ҳам чинакамига намуна даражасига кўтарилган Мўминжон домладек устозлар кўпаяверса...



Шогирд таъкидида қувончли ҳаёт ҳақиқати мужассам. Олимимиз бугун ўзининг катта илмий ва публицистик хирмониға масрур боқишға тўла ҳақли. Улар монографиялар, лугатлар, услубий қўлланмалар, адабий ва ижтимоий аҳамиятға молик кўпдан-кўп мухтасару мукамал мақолалардан иборат. Бирини номини тилға олсангиз, иккинчиси қолиб кетаверади. Нашриётларда, илмий, адабий ва оммабоп журналларда, республика ва вилоят газеталарида, ҳатто халқаро нашрларда босилгани, саноғи 270 дан зиёдға етгани ҳайрату ҳавасға муносиб.


### ЎҚИТМОҚ УЧУН – ЎҚИМОҚ КЕРАК

Мўминжон Сулаймоновнинг уйдаги шахсий кутубхонаси – унинг умр бўйи йигиб улгурган бойлиги хазинаси. Жавонлардаги жавоҳирлари минглаб-минглаб. Ҳар бири алоҳида қимматға эға. Ўлчовиға пул етмайди, десак муболаға эмас. Йиллар ўтган сайин ноёблашиб борадиган дурдона асарларнинг ватани, тили турли эса-да, ҳар биридаги ғоялар умуминсонийлиги билан кадр-қиммати баланд. Дунё “донишмандлари” бу ерда жамулжам. Мўминжон тунлари улар билан “суҳбатлашади”. Ўқийди, уқади, уққанларини университетдаги талабаларға “юқтириш”ға ошиқади. Шундан ўзбек халқ оғзаки ижодидан ҳам, ўзбек мумтоз адабиётидан ҳам, жаҳон адабиётидан ҳам “қоқилмасдан” маърузалар қилишни қойиллатади. Уни тинглаганлар бир вақтлар юзлаб эди, энди эса минглаб. Ахир қарийб қирқ йиллик умри ўқувчи болалар сафида, талаба ёшлар аудиториясида кечди.

Ҳозирда домладан таълим олган юз-юзлаб йигит-қизлар вилоят мактабларида юқори мартабали муаллиму муаллималардир.

- Мўминжон домланинг дарсларига қизиқиб, шошилиб қирардик, – дейди Тўрақўргон туманидаги 24-мактабнинг олий тоифали ўқитувчиси Гулираъно Маҳкамова. – Чунки ҳар бир мавзуни мазмунли ва мароқли тушунтирардилар. Талабаларға қайишиб, муаммоларни биргаликда ечишдан ўзларини четға олмасдилар. Ҳаммамизда ўрнак тимсолиға айлангандилар.

Мўминжон Сулаймонов ҳозиргача қанчадан-қанча республика ва халқаро илмий анжуманларда қатнашди. Албатта, бундай ақл-заковат, иқтидор-салоҳият сарфланиб, қатма-қат сону саноксиз китобларни варақлаш, мушоҳадалаш, иқтибослар кўчириб олиш, фикрларни асосли далилларға таяниб ифодалаш талаб этиладиган



конференцияларга қурук қўл билан бориб бўлмайди. Боз устига ўзигина эмас, ёнида шогирдлари билан иштирок этиш масъулиятининг “юки” ҳам оғир-ку. У, аввало, китоб мутолаасидан марокланадиган шогирдларни атрофига тўплашга интилиб келди. Натижада Мўминжон Сулаймоновнинг сабоғидан баҳрамандларнинг бири Зулфия номидаги давлат мукофотига муносиб топилди, бири Навоий номидаги давлат стипендияси соҳибига айланди, бири ҳали университетни битирмасидан лугатларга, услубий қўлланмаларга ҳаммуаллифлик мақомига етди. Устоз учун бундан ортиқ натижа қаерда бор?! Ойбек Боятов, Сурайё Жўрабоева, Бахтиёр Холмирзаевга ўхшаган шогирдлари ҳамон устоз қўлидан маҳкам тутишган.

Мўминжон Сулаймонов ўзининг катта илмий-ижодий лаёқати билан жаҳонга чиқишга улгурган филологлардан. 2020 йили Германиянинг нуфузли Ламберт халқаро нашриёти томонидан “Ҳофиз Хоразмий ҳаёти ва ижоди” монографияси испан, португал, итальян, француз, инглиз, голланд ва рус тилларида китобхонларга тўхфалангани унинг ҳаётидаги яна бир тилга олса арзигудек унутилмас ҳодисадир.

Тиниб-тинчимас олим турли нуфузли танловларда иштирок этишни ҳам изланувчан ўқитувчилик бурчи деб билади. “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танловининг 2017 йилдаги “Энг яхши педагог-тадқиқотчи” номинацияси бўйича катнашиб, вазирлик Дипломи билан тақдирланган.

У китоб ўқишни болаларга тарғиб қилибгина қолмайди. Айни дамда босма нашрларнинг энг сараларини совға сифатида ёш авлодга тарқатишдан тўхтамайди. Маҳалласидаги мактаб кутубхонасига ҳозиргача совға қилган янги китоблар миқдори 100 нусхадан ошди. Сахийлигининг тагин бир жиҳати кўп асар мутолаа қилган, барча фанларни аълога ўзлаштираётган, намунали хулқли ва жамоатчи ўғил-қизларга ҳар чорак якунида 200 минг сўмлик стипендия бериб боради. Иқтидорлиларнинг ижодий танловларда ғолибликка эришишига жўяли йўл-йўриқларини, амалий ёрдамларини ҳеч аямайди. Гулдировликларнинг беминнат дастёри етти ёшдан етмиш ёшгача маҳалладошлари учун кеча-кундуз хизматда. Хонадони остонасидан дўстларининг, узоқ-яқиндаги қадрдонларининг қадамлари узилмаслиги эса, мўминона муомаласию, сулаймонона сийратига чексиз садоқати мужассамлигидан бўлса, не ажаб!



## ФАРЗАНДЛАР ФАХРИ

Инсон учун фарзандларининг фахри мақомига муносибликдан ортиқ бахт бўлмаса керак. Зеро, хонадондек уй-ғўшамизда оила аталмиш муҳташам қўргоннинг раҳнамози даставвал, — ота, ундан кейин — она. Мўминжон Сулаймонов умр йўлдоши Эътиборхон билан икки қизу бир ўғилни вояга етказишди. Хулқарой Сулаймонова — филолог олима, шоира ва таржимон, Дурбек Сулаймонов — иқтисодчи, Фозила Сулаймонова Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент давлат ахборот технологиялари университети битирувчиси. Келинлари — Роҳатой, куёвлари — Элмурод ҳам улар учун қиз-ўғилдай ардоқли. Фақат ўз болачақасига эмас, Сулаймоновлар сулоласи ҳисобланмиш барча оилаларга, қариндошларга ғамхўрликни қойилмақом ўринлатаётган Мўминжон домлага олқишлар ярашиқли. Фарзандлари ҳам ўзидек катта-кичикка тенг, бағри осмондек кенг, кўли очик, меҳри сочик эканини билиб, беихтиёр ҳавасланасиз. Уларнинг қутлуғ айёмда беҳад мамнунликка йўғрилган дил изҳорлари ғоят ҳаяжонли. “Кимдир мол-дунё, кимдир мансабу обрў, кимдир дабдабаю ҳашамат талабида бўлган бу дунёда фақат ИЛМ иштиёқида, ҳақиқат йўлида юрган инсоннинг фарзанди эканимдан чексиз фахрланаман” дейди Хулқарой.

“Дадам бизга қандай яшашни ўргатганлар, йўқ-йўқ, ўргатибгина қолмаганлар. Балки амакилари ва аммаларимга, ҳатто холаларим ва тогаларимга ҳам меҳри зиёдаликлари, уларнинг ҳар бир ишига бош-қош, елкадош бўлишлари, эл-юрт хизматидаги фаолликлари бизга жонли ўрнак. Эзгу фазилатда мукамал дадамиз борлигига мингдан-минг шукроналар айтсак оз” дейди гурурга тўлиб-тошиб кенжа қиз Фозила.

## ХОТИМАСИЗ ХОТИМА

Илм билан ҳар дами, қутли қалам ҳамдами сарлавҳаси Мўминжон Сулаймоновга жуда-жуда мос эканини озми-кўпми ифодалашга интилдик, холос. У ҳақда ҳар қанча уринмайлик, тўлатўкис ёза олдик, деган даъводан йироқмиз. Кичик ҳажмли очерк талабидан келиб чиқиб, истамаган ҳолда битикларимизга нуқта қўйяпмиз. Аслида замондошимиз баркамоллик чўққисига астойдил интилаётган Янги Ўзбекистоннинг илм заҳматкашлари сафида Учинчи Ренессанснинг байроқдор авлодларини тарбияловчи зукко



мураббий мақомида ҳали кўпдан-кўп ишларнинг ташаббускори, ташкилотчи ва тарғиботчиси бўлишга қодир. Шундай экан, хотимамиз хотимасиз қолиши табиий. Ёзилажак эътирофлар, кўрсатилажак эътиромлар бардавомлиги кўнглимизда беихтиёр таскин уйғотаверади.

## МЕН ҲУРМАТ ҚИЛГАН ОЛИМ

Боқий Мирзо,  
Ўзбекистон ва халқаро Турон  
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,  
Турон ФА академиги,  
Турон халқ ёзувчиси.

Мақтаб даври ҳисоб эмас, адабиёт оламига кирганимга эллик йилдан ошди. Турфа хил: омилар ва олимлар, одобли-одобсиз, фаросатли-фаросатсиз, ёш-кекса, сергап-камгап одамларга дуч келдим. Аммо муносабатда бирортасини четлаб, тескари қараб ўтмадим. Ҳаммаси ҳикматлидай, борича қабул қилдим. Адолат билан айтаман: олимлар билан учрашув одобли, фаросатли, ёш, гаплари пурмаъно кишилар билан мулоқот даражасида ўтади, масалалар ечими билан файз топган.

Даврамыздаги академик Асқарбек Акбаров, таникли олимлар Бахтиёр Исҳоқов, Зоҳиджон Содиков, Комилжон Абдуллаев, Саидумар Сайдалиевларни дўстим деб биламан. Сухбатлари ҳикматли, ҳислатли, маърифатли! Ижодим учун янги маълумот ва тушунчалар оламан, дунё қарашимдаги яхши ўзгаришларда, йўл кўйишим мумкин бўлган хатоларни четлаб ўтишимда уларнинг катта ҳиссалари бор деб ўйлайман! Минбарни кучоқлаб, залдагиларни ҳиринглатишдан бошқасига ярамайдиган маддоҳлардан кўра, олимлар сухбатини минг марта афзал билганим учун доим уларга талпинаман! Мен талпинадиган ана шундай дўстларимдан бири чортоқлик, ҳамюртим, Наманган давлат университети ўқитувчиси, филология фанлари номзоди Мўминжон Сулаймоновдир.

Мўминжонни таниганимга 1000 бўлди.

Орамызда кечган воқеаларни тигизлаштириб жамласак, салкам эллик йил десаям бўлаверади.

У ёшлигидан Адабиёт илмига қизиққан. Чортоқнинг машҳур Гулдиоров кишлоғидан вилоятга танилган олим чиқишини кимдир

◆—————◆

кутган, кимдир кутмаган. Аммо уни таниган ва ўқитган муаллимлар теран қарашлари, кизиқиш билан йўғрилган ҳаракатларидан жамиятга керакли олим чиқишини башорат қилганлари аниқ!

1962 йил 25 январда Чортоқ туманидаги Гулдиоров қишлоғида туғилган Мўминжон 1979 йилда қишлоғидаги 13-ўрта мактабни аъло баҳоларга битирди, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги педагогика университети) нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга кирганда орзулар томон бир қадам қолганини сезиб қалби қувончга тўлди. 1983 йилда институтни имтиёзли тамомлаб, Чортоқ туманидаги 13-ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси бўлиб иш бошлаганда эса келажаги аён, орзу манзилларини аниқ белгилаган мутахассис эди.

1984 йилда Низомий номи ТДПИ қошидаги аспирантуранинг сиртки бўлимига ўқишга кираркан, филология фанлари доктори, профессор Натан Муродович Маллаев раҳбарлигида «Ҳофиз Хоразмий ижоди ва ўзбек лирик шеърятининг ривожини» мавзусида илмий-тадқиқот ишлари олиб боришни режалаштирганидан мамнун эди. Таниқли олим раҳбарлигида илмий иш қилиш, унинг устозлик меҳридан баҳраманд бўлиш ёш олим учун фахрли ва фарахли ҳодиса эди! Ана шундай эзгу кайфият билан 1996 йил 13 ноябрда Алишер Навоий номидаги Адабиёт илмий-тадқиқот институти қошидаги ихтисослашган кенгаш йиғилишида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди ва филология фанлари номзоди илмий даражасини олишга муяссар бўлди.

Ҳофиз Хоразмий шарқнинг сеvimли шоирларидан. Ҳар бир асарини ўзига хос жозоба, баҳор шабодасининг ўйноқилигидан кўшиб, салоҳият билан яратган. Бошқача айтганда, шарқнинг Сергей Есенини дейиш мумкин. Шундай шоирнинг энг гўзал қирралари ҳақида илмий иш қилиш ҳамма олимга ҳам насиб қилавермайди, ҳамма олим бу ишни қойиллатиб удалай олмайди. Мўминжон бу ишни қиёмига етказиб удалади!

М. Сулаймонов 1990 йилдан бошлаб Наманган давлат университети ўзбек адабиёти кафедрасида талабаларга «Ўзбек халқ оғзаки ижоди», «Жаҳон адабиёти тарихи», «Наманган адабий муҳити» фанларидан дарс бериб келмоқда. У ҳозирга қадар матбуотда, илмий журналлар ҳамда Республика, халқаро конференциялар илмий тўпламларида 200 дан ортиқ илмий, илмий-



оммабоп ва услубий мақолалар эълон қилди. Шулардан 10 дан ортиғи халқаро анжуманларда ўқилган маърузалардир.

«Алишер Навоий ўз замондоши Ҳофиз Хоразмийни билганми?», «Эллинизм», «Ҳиндистонлик шоирлар ҳақида», «Ҳофиз Хоразмий ахлоқ-одоб ҳақида», «Оразин ёпқач...», «Болалар ўйинлари ва жисмоний тарбия», «Кўнгил тилаган муродига етса киши» каби мақолалари шулар жумласидандир.

2004 йилда Низомий номидаги ТДПУ нашриётида унинг «Чет эл адабиёти тарихи» ўқув қўлланмаси, «Ўқитувчининг дарс кузатиш дафтари», «Ўқитувчининг конспект дафтари» услубий ишланмалари чоп этилди.

2008 йилда академик лицейлар учун «Ўзбек халқ оғзаки ижоди» ўқув қўлланмаси нашр этилди. 2010 йилда эса Курбонали Тўлабоев билан ҳамкорликда фидойи ўқитувчи, фольклоршунос олим, истедодли болалар шоири Оташ Холмирзаев ижоди ҳақида «Мунаввар тонг куйчиси» рисоласини эълон қилди.

2012 йилда академик лицейлар учун «Ўзбек халқ оғзаки ижоди» ўқув қўлланмасининг қайта ишланган ва тўлдирилган нашрини чоп эттирди.

У 2016 йилда Э. Ғойиббоева, Р.Шералиевалар билан ҳамкорликда «Соғлигимиз ўз қўлимизда» номли рисола эълон қилди.

М.Сулаймонов айни кунларда профессор Ҳамиджон Ҳомидий раҳбарлигида “XIV аср охири ва XV аср бошларида ўзбек шеърияти поэтикаси (Ҳофиз Хоразмий ижоди мисолида)” мавзuidaги докторлик диссертацияси ҳимоя қилиш арафасида турибди. Мавзу юзасидан ўнлаб мақолалари нашр этилган.

Олим ҳамюртимиз Исҳоқхон Ибратнинг анъанасини давом эттириб, ҳамкасблари билан биргаликда кўп тилли «Адабиётшунослик терминлари луғатли и»ни нашрга тайёрлади.

У вилоят миқёсида ўтказиладиган маънавий-маърифий ишларда фаол иштирок этади. Газета-журналларда, телевидениеда долзарб мавзуларда мунтазам равишда чиқишлар қилади.

М.Сулаймонов Наманган адабий муҳитини оммалаштиришда ҳам жуда фаол иш олиб бормоқда. Вилоятда яшаб ижод қилаётган ижодкорларни доимий равишда талабалар билан учрашувларини ташкил этадики, бундан талабалару ижодкорлар бирдек завққа тўладилар, ҳаёт ва ижод учун янги руҳий қувват оладилар.



Олим ўқувчилик йиллари шеърлар машқ қилган, устозлар назаридан ўтказиб, дафтарлар тўлдирган. Аммо олий даргоҳда илмий иш билан шуғулланиш ва талабалар билан ишлаш жараёнлари асосий ўринда бўлгани учун бадий ижодни биринчи ўринга қўёлмаган. Тажриба орттириб, касбининг паст-баландини пухта ўзлаштирган ва ўз касбининг устаси бўлгач, ёшликдаги бидий ижодга кизиқиш туйғуси уфқ ортидан мўралаган тонг қуёшидек бўй кўрсата бошлади. Тарбиявий таъсирчан, кучли мантиқ ва ҳаётий воқеалар асосида ёзилган ҳикоялари матбуотда эълон қилина бошланди. Тошкентдаги “Янги аср авлоди” нашриётида чоп этилган “Чортоқ антологияси” китобида олим ҳақида кенг маълумотлар билан “Норгул момо” ҳикоясини эълон қилиниши минглаб адабиёт мухлисларида Мўминжоннинг бадий истеъдоди ҳақида яхшигина тасаввур берди деб ўйлайман. Ҳаётий тажрибаси ортиб, бадий тасаввурлари кенгайган сайин ижоднинг янги олами, руҳият дунёси ва тасаввур қатламининг чексизлиги сари кириб бормоқда.

Мўминжон инсон сифатида яхши хулқ ва фазилатларга эга бўлган ШАХС!

Доим суҳбатлашсак, жамиятда рўй бераётган, одамлар диққат марказида турган, ҳатто кўпчиликни безовта қилиб, ер юзини ташвишга солган масалалар ва муаммолар ҳақида элга айтгулиги борлигидан хурсанд бўламан!

Мўминжон ҳамиша эътиборли.

Дўстларининг бошига бирор ташвиш тушса, албатта, кўнглини кўтаришга ва дардини аритишга, огир кунларини тезроқ ўтказишига ёрдам беради, уларнинг катта-кичик ютуқларидан ўз ғалабасидай чин юракдан қувонади.

Германиянинг “Шлоссер” нашриётида “Ўғрининг муҳаббати” романи немис тилида чоп этилганда, Гёте институти нашрга тайёрлаган ва чоп этилган “Адабиёт маёқлари” ўзбек-немис адабиёти антологиясида Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулум, Ўткир Ҳошимовлар билан бирга романидан боблар эълон қилинганда ва романларимни Тошкентдаги нуфузли нашриётлар чоп этганда ва унинг тақдимотлари ўтказилганда қувончимга шерик бўлди. Ижодимга ривож, ютуқларим бардавом бўлишини тилади.

Ижодим ҳамиша унинг эътиборида бўлганидан қувонаман. Ҳар йили ё китобим чиққанда ёки бирор сана муносабати билан НамДУ филология факультети талабалари билан учрашувлар



Ўтказиб, савол-жавоблар уюштиради. Ижодим ёшлар ўртасида тарғиб бўлишига холис, чин кўнгилдан ҳисса қўшади. Мўминжон бундай ишларни, Адабиёт, бадиий ижод ривожини учун, дўстларини кўнглини кўтариш ва қўллаш учун кўплаб бошқа ижодкорлар билан ҳам ташкил қилади. Ўз ишини, Адабиёт ва илминини севгани, юртнинг илмий салоҳиятига ҳисса қўшаётганидан хурсанд.

Бир ҳодисага ҳайратда қоламан: айримлар номзодлик ишини ҳимоя қилиб, олим мақомига эришгач, изланишдан, яратишдан тўхтайдилар. Жамиятда ўрнини яратмасдан беозоргина умргузаронлик қилаверади, қисқаси, дунё билан иши йўқ! Улар ҳақида салбий фикр айтишдан йироқман, ёмон умр эмас! Аммо орамада шундай олимлар борки, сизу бизга доим ёрдами тегади, жамиятда, дўстлар ўртасида мустаҳкам ўрни ва мавқега эга. Ижтимоий ҳаётда фаол, изланиш ва яратиш билан банд. Кимдир бирор масалада иккиланиб қолса, албатта, шундай олимлардан маслаҳат, фикр сўрайди ва ўзига маъқулни олади. Улар ёшларни ҳам янги чўққилар сари интилишга давъат этадилар, ўзлари уларга ибрат бўладилар.

Мен Мўминжон Сулаймоновни шундай олимлар қаторига қўшаман ва бир тумандан бўлганимдан фахрланаман. Бу фахр фақат менда эмас, барча чортоқ ва наманганлик ижодкорларда бор! Менимча, бу олим учун фахрланса арзийдиган қисмат!

## МЕТИНБЕКДАН МУБОРАКБОД

Мо‘minjonga matbuotchining manzumalari

Muhtaram mehmonlar-u mezbolar, muallimlar-u muallimalar.  
Mikrofondan Mo‘minjonning maslakdoshi Man-muharrir – Metinbekman.

Madomiki, mikrofondaylanman, mikrofonli Mo‘minjonning mikrofoniyman, man Mo‘minjonni maqtaymi, Mo‘minjondan maqtanaymi?

Menimcha, Mo‘minjonni maqtamay, Mo‘minjondan maqtansam maqsadga muvofiqday.

Ma‘qulmi?

Minnatdorman.

Mo‘minjon muomalali, muomalasi muloyim. Maslahatlari mantiqli.

Mo‘minjon muallim, muallimli, muallimlarning mirzosi.

Mo‘minjon – ma‘rifiy ma‘ruzachi.

Mo‘minjonning muttasil mashqi –mutoala.

---

Mo'minjon ma'rifatga maktabdayoq mayllangan. Mayli muhabbat  
– la mehrlangan.

Mo'minjon Mustaqil mamlakatimizning mutafakkir  
manbashunoslaridan. Milliy mumtoz manbashunosligimizda  
Mo'minjonning "men"i mavjud.

Man, Mo'minjonning "men"i dan maqtanolayman.

Magarki, Mo'minjonning "men"i maqtovg'a munosib.

Matnshunoslikning mohiyati mislsiz mashaqqatli.

Matnshunos matnlarni manbalardan misqollab mashaqqatli mehnat-  
la mufassal muzayyanlaydi, mo'tabarlaydi.

Mo'minjon, mumtoz madaniyatimizning mo'jizalari muzayyanlangan  
monumental monografiyalaringiz mashhurlashaversin. Mahoratingiz,  
matonatingiz mustahkamlanaversin.

Muxtasari, mo'ysafidlikning mo'tabar mansabidayam  
majmualaringiz mag'rib-u mashriqqa ma'qullanaversin,  
mayoqlanaversin, mangulanaversin.

**Mehr-la Metinbek**

## НАМУНАЛИ ОТА

**Махбубахон Собирова,**

Наманган давлат университети доценти,  
педагогика фанлари номзоди

Одатда, кўп йил бирга ишлаган ҳамкасбларингизнинг, хулк-  
атворини яхши биладиган инсонларингизнинг фазилатлари ҳақида  
ёзиш бироз мушкулроқ бўлади. Бунинг бир қанча сабаблари бор,  
албатта. Аввало, шу инсоннинг фазилатларини тўлиқ ёрита  
оламанми, энг характерли жиҳатлари қолиб кетмайдими, деб  
иккиланасиз. Шу билан бирга сиз ёзган жиҳатларни бошқалар ҳам  
ёзса, уларнинг фикрини такрорлаб қўймайманми, деб ўйлайсиз.  
Айниқса, дўсту кадрдонлари кўп бўлган Сулаймонов Мўминжон  
ҳақида эса янаям мушкул. Шунинг учун унинг илмий, ижодий  
фаолиятига нисбатан оила бошлиги жиҳатларига эътиборни  
қаратишга уриндим.

Тўғри, устоз Мўминжон Сулаймонов илмий-ижодий фаолиятда  
ҳам баракали ижод қилиб келмоқда. У ёзган ҳар бир мақола, илмий  
мақолами ёки оммабопми, ҳар бирининг сарлавҳасининг ўзиёқ  
унинг янги ижод маҳсули эканини англашиб туради. Ёзганлари



пишиқ-пукта, аниқ ва лўнда. Фикрлари тиниқ ва жўяли. Теша тегмаган мавзулардаги таъсирчан мақолалари билан илм аҳли эътиборини ва меҳрини қозониб келаётган бу ҳам касбимизнинг ҳар бир жойда: кафедрада, факультетда, университетда, вилоят ва республика матбуотида ўз ўрни бор.

Энг аввало, у касбига меҳр қўйган. Университетда иш бошлаган даврдан бери таниган бўлсам, кадрдон жамоасини ўз оиласидай яхши кўради. Билим ва дунёқараши кенг, ҳозиржавоб, ҳар қандай вазиятда ҳам, “темирни қизигида босади”.

Мўминжон Сулаймоновнинг ёзган мақолаларидан сабоқ олаётганим учун у кишини ўзимга устоздек қабул қилдим. Чунки сўз санъаткори Турсуной Содикова айтмоқчи “*Қалам ушлаганнинг қадрини қаламқаш, ҳарф санаганнинг қадрини сўз ичинда сўзон бўлганлар билади*”.

Маълумки, миллий ғоя тарғиботида миллий манфаатларимизга, ҳаёт тарзимизга зид бўлган зарарли ғоялар ва мафкуравий хуружларнинг моҳиятини очиб бериш, фуқароларимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларни онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга, иродали, фидоий ва ватанпарвар инсонлар қилиб тарбиялашга йўналтириш каби ишлар муҳим ҳисобланади.

Бу борада филология фанлари номзоди, доцент М.Сулаймоновни миллий ғоя тарғиботи, миллий кадриятларни улуғловчи, ўзбекона ахлоқ-одобни юксакка кўтарувчи мақолалар ёзиш устаси, десак муболаға бўлмайди.

Миллий истиқлол ва миллатнинг ўзлигини англашга ёрдам берувчи, улардаги миллий руҳиятни шакллантирувчи байрамлар – мустақиллик куни, Ўқитувчилар ва мураббийлар куни, Хотира ва кадрлаш кунлари олдидан матбуотда, вилоятимиз ташкилотларида мазмунли чиқишлар қилади. Орзиқиб кутиладиган ва самимийлик ила ёзилган мақолаларида Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Амир Темур, Мирзо Улугбек, Жалололдин Мангуберди каби миллий қаҳрамонларимизнинг, жаҳид адабиёти вакилларнинг, ўзбек адабиёти ривожига ҳисса қўшган ёзувчию шоирларнинг ибратли ҳаёти, уларнинг озодлик, миллий кадриятлар тўғрисидаги ғоялари миллий ғоя ва истиқлол

<sup>2</sup>Турсуной Содикова. Меникими севдим. – Тошкент: Давр Пресс, 2012. – Б.117.



---

мафкурасининг теран томирлари эканлиги ҳисобга олинади. Мақолаларида халқимизга хос бўлган иймон-этикод, инсоф-диёнат, саховат, ҳалоллик, меҳр-оқибат, шарму ҳаё каби фазилатларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган мақоллардан унумли фойдаланади.

М.Сулаймонов нигоҳида фарзанд тарбияси, оила, ота-оналик бурчи, ўқувчининг бўш вақти, техника асрининг янги муаммолари – қўл телефони, компьютер ва улардан фойдаланиш маданияти, кўни-кўшничилик, куда-андачилик, қариндош-уруғчилик каби инсоний қадриятлар ўзининг асл қиёфасини очади. Сизни қўлни-қўлга бериб, бир-бирингизни асрашга, ҳаётнинг бешафқат имтиҳонларидан ўтишда атрофингиздагиларга елкадош бўлишга чақиради. У кўз олдингизда содир бўлаётган, лекин сиз у қадар жиддий деб эътибор бермаётган, айримлар учун оддий бир ҳолга айлана бошлаган ҳолатларнинг моҳиятини очувчи саволларни қўяди. Бу саволлар эса замондошларнинг уйқу босган кўзларини очишга, эртанги кун бугундан бошланишини уқтиришга чорлайди.

Моҳир сўз санъаткори М.Сулаймоновнинг кўплаб мақолалари илм аҳли фаолиятига ҳам бағишланди. У фаолияти талқин қилинаётган шахснинг ўзига хос томонларини маҳорат билан оча олади. Ибратли жиҳатларидан ўқувчини намуна олишга ундайди. Шу сабабдан бўлса керак, олимнинг ҳар бир чиқиши, ҳар бир мақоласи қўлма-қўл ўқилади. У ёзган мақолалар нафақат ўқувчига озуқа беради. Шу билан бирга, мақоласида тилга олинган кишиларнинг кўнглини кўтаради, муваффақиятларини сақлаб қолишга, бундан-да кўпроқ ютуқларга эришишга чорлайди.

Тақдир Мўминжонни сийлади. Эътиборхон билан ўтган 40 йилга яқин оилавий турмушлари давомида тинч-тотув яшаш уларни эл ҳавас қиладиган даражага олиб келди.

Ҳалол, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳақ сўзни айта оладиган ҳамкасбим намунали ота бўла олди. Эҳтимол, Мўминжоннинг бугунги даражага етишида, ҳаётда ўз ўрнини топишида тиришқоқлик, меҳнатсеварлик, куюнчаклик, самимийлик каби фазилатларга эга бўлган, шу билан бирга, билимли, ўз касбининг фидойиси, меҳрибон умр йўлдош Эътиборхон Ғойиббоева билан яшаши ҳам сабаб бўлгандир.

Аямиз Чортоқ туман 13-умумий ўрта таълим мактабида бошланғич синф ўқитувчиси сифатида кўп йиллар самарали



фаолият юритдилар. Болажонлар қалбида илм олишга рағбат уйғота олдилар. Чортоқда, нафақат бу ерда, вилоят ва ҳатто республика миқёсида танилдилар. Олий тоифали ўқитувчи сифатида мактаб тажрибалари оммалаштирилди. Ёш ўқитувчиларнинг севимли устози бўла олдилар. Наманган вилояти халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш даргоҳида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирокчи бўлдилар. Юздан ортиқ методик мазмундаги мақолалари, “Алишер Навоий бошланғич синфлар саҳнасида” деб номланган методик тавсиялари ва яна кўплаб бошқа қўлланмалари билан танилдилар. Туман ва вилоят миқёсида ташкил қилинган август кенгашларида қатнашган мураббийларга, малака оширишга келган ўқитувчиларга маҳорат дарсларини мунтазам равишда ташкил қилдилар.


Мўминжон билан Эйтиборхонларнинг турмушлари давомидаги бутун кишлок аҳли, маҳалла-кўй ҳавас қиладиган тинч-тотув ҳаёт, оиладаги ижодий муҳит бугун ўзининг самарасини берди.

Оилада улғайган икки қиз – Хулкарой ва Фозилахонларни, ёлғиз ўғил Дурбекжонни ҳам ҳамма ҳавас қилади.

Ҳали хануз эсимда. Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни саралаш вилоят босқичида ҳакамлар ҳайъати аъзоси сифатида 2006 йилда, яъни бундан 15 йил олдин коллеж ўқувчиси бўлган қизнинг катта танловдаги иштирокини кўриб, кетма-кет берилган саволларга жавобларини эшитиб, қойил қолгандим. Ўқувчилик палласида олган фахрий ёрликлари, қизчага берилган ёзма тавсияномалар, тадбирларда фаоллиги акс этган расмлар жойланган альбомини варақлаб ҳавас қилгандим. Унга республика босқичида қатнашишга тавсия берилганди.

Отанинг оилада берган тарбияси, фарзандларга қилинган эйтибор, яратилган шароит бугун ўз ҳосилини кўз-кўз қилмоқда.

Сулаймонов Мўминжон қизи Хулкарой ўтган йиллар мобайнида анча-мунча ютуқлар эгаси бўлди. 2006 йилда таълим йўналиши бўйича Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлиб, имтиёзли равишда Тошкент давлат шарқшунослик институти Араб филологияси йўналишига ўқишга қабул қилинди. Талабалик даврида Хулкаройнинг ҳаммуаллифликдаги “Ўзбекча-арабча сўзлашгич” (“Наманган” 2007, 2008), “Энг осон араб тили” (“Наманган”, 2009) ўқув-услубий қўлланмалари нашр этилди. Яна унинг ўзи туғилиб ўсган кишлоги тарихи ҳақидаги “Гулдиоров



қишлоғи” (“Наманган” нашриёти, 2005) рисоласи, “Томчи” (“Наманган” нашриёти, 2006) номли шеърӣ тўплами, 50 дан ортиқ илмий оммабоп мақолалари ҳамда ҳаммуаллифликда “Ҳаммабоп русча-арабча-ўзбекча” (“Тошкент, Navro‘z”, 2019) лугатлари чоп этилди. Хулқарой Сулаймонова 2009-2010 ўқув йилида гуманитар таълим йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоӣ номидаги Давлат стипендияси совриндори бўлди. Институтни имтиёзли диплом билан тамомлади. Давлат гранти асосида магистратурада ўқиди. Магистратура даврида эса ижтимоӣ-гуманитар таълим йўналишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендияси совриндори бўлди. 2017-2020 йилларда Хорижий шарқ мамлакатлари адабиёти кафедраси таянч докторанти сифатида профессор Раъно Ходжаева раҳбарлигида 10.00.10. – Матншунослик ва адабий манбашунослик ихтисослиги бўйича “Абу Мансур Саолибийнинг “Канз ал-кутуб” тазкираси ва унинг манбашунослик тадқиқи” мавзусидаги диссертацияни ёзиб тамомлади ҳамда уни муваффақиятли ҳимоя қилиб PhD илмий даражасини олди.

Агар Мўминжоннинг бу қизи мана шу иштиёқ билан ҳаракат қилса, келгусида **Намангандан етишиб чиқадиган академик аёлларнинг биринчиси бўлса керак.**

Одатда, қаерга борсак, ҳамкасбларимизнинг фарзандларини учратиб қолсак, нотанишларга нисбатан уларга кўпроқ эътибор билан қараймиз. Юриш-туришини, одобини, муомаласини синчиклаб кузатамиз. Уларга қараб ота-онасининг фарзанд тарбияси борасидаги яна бир қирраси ҳақида хулоса чиқарамиз.

Наманган вилоят архитектура ва қурилиш бошқармаси бош бухгалтери лавозимида фаолият кўрсатаётган Сулаймонов Мўминжоннинг ўғиллари Дурбек ҳақида ҳам, Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси бўлган Фозилахон ҳақида ҳам фақат илиқ сўз айтмасликнинг иложи йўқ.

Илоҳим, мана шундай солиҳ ва солиҳа фарзандлар тарбиялаган, PhD илмий даражали олиманинг онажонлари Эътиборхон ва оталари Мўминжонлар меҳнатларининг роҳатини, фарзандларининг камолини, хузурини сиҳат-саломатликда кўп йиллар кўриб юришсин.

---

## ОЛИМ ИЛМИ ЭЛГА БЎЛАДИ МАШЪАЛ...


Обиджон КАРИМОВ,

НамДУ доценти, филология фанлари доценти,  
Ўзбекистон Халқ таълими аълочиси

Ўзбек адабиётшунослиги фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган сермаҳсул олим, жонкуяр муаллим Мўминжон Сулаймонов асли Чортоқ туманининг мўъжазгина Гулдинов қишлоғидан. Адабиётга бўлган қизиқиши уни Тошкентга етаклади, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ўзбек тили ва адабиёти факультетида (ҳозирги ТДПУ) таҳсил олди. Ўз соҳасининг билимдон усталаридан фан сирларини чуқур ўрганди. Тиришқоклиги билан тез орада устозлар назарига тушди. Ўқишни “имтиёзли” диплом билан тамомлаб, жонажон қишлоғига қайтди. Ўрта мактабда ёшларга ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс бера бошлади. Бироқ талабалик йилларидаёқ адабиётга, хусусан, мумтоз адабиёт тарихига бўлган иштиёқи кучли эдики, бу унга тинчлик бермасди.

Мактабда ишлаш билан биргаликда 1984 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети аспирантурасининг сиртки бўлимига ўқишга кириди. Устози Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан аrobi, филология фанлари доктори, профессор Натан Муродович Маллаев раҳбарлигида “Ҳофиз Хоразмий ва ўзбек лирик шеърини ривожини” мавзусидаги илмий тадқиқотни ёзишга киришади. Бўш вақти бўлди дегунча Чортоқдан Тошкентга, кутубхоналарга қатнаб илмий ишига алоқадор адабиёт ва зарур манбаларни тўплашга киришди. Ҳамкасblари мириқиб дам олган пайтларда у меҳнат таътилларини Тошкентдаги кутубхоналарда ўтказар эди. Мавзу ҳали ҳеч ким ўрганмаган, қўл ўрмаган, яъни “теша тегмаган” бўлишига қарамай, қийинчиликлардан чўчимасди.

Мен Мўминжон билан илк бор Наманган вилоят ўқитувчиларнинг малакасини ошириш институтида танишганман. Адашмасам, мактабда бирга ишлайдиган устози фидойи педагог, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи” Сайфулла Исматуллаев билан мактабларида вилоят семинарини ўтказиш масаласида маслаҳатлашгани келишган эди.



Навбатдаги учрашувимиз эса Тошкентда бўлди. Мен ўша пайтлари Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети аспирантурасида таҳсил олардим. У ерда Мўминжонни ҳамма танир, ижобий фикрлар айтишарди. Ҳақиқатда ҳам жуда тиришқоқ экан, қишлоқ мактабида ишлаш билан бирга диссертацияни ҳам ёзиб тугатди. Устози Маллаев диссертацияни кўздан кечириб, шогирдининг ишидан кўнгли тўлган бўлса керак, кафедра муҳокамасига тавсия қилибди ва ҳимоягача олий ўқув юртида ишлаб туриши лозим, деган фикр билдирибди. Шогирдларига меҳрибон устоз ўрта мактаб ўқитувчисининг диссертация ҳимоя қилиши кимларгадир эриш туюлмасин, деб гамхўрлик қилган эканлар.

Шундай қилиб 1990 йил Натан Маллаев домланинг наманганлик шогирдларидан бири профессор Одилжон Носиров (Аллоҳ у кишини ўз раҳматига олган бўлсин)нинг таклифи билан Мўминжон Сулаймонов Наманган давлат университети ўзбек адабиёти кафедрасига ишга қабул қилинди.

Бизни асли косонсойлик, лекин Тошкентда ишлайдиган машхур адабиётшунос Ҳамиджон Ҳомидий устоз тўйга таклиф этдилар. Кафедра аъзолари биргаликда Косонсойга тўйга бордик. Ўша ерда ҳам Тошкентдан тўйга келган устозлар Мўминжон ҳақида илиқ фикрлар билдиришди, кафедрада иш бошлаганини маъқуллашди. Шу тарика Мўминжон Сулаймонов олий даргоҳда ўқитувчилик фаолиятини бошлаб юборди. Энг муҳими, талабалар ёш олимнинг дарсларидан мамнун эдилар.

Ниҳоят, у 1996 йилда “Ҳофиз Хоразмий ва ўзбек лирик шеърляти ривожини” мавзусида филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилди. Илмий раҳбари вафот этгани сабаб Маллаевнинг Ҳамиджон Ҳамидов бошчилигидаги Тошкентдаги, Одилжон Носиров бошчилигидаги наманганлик шогирдлари уни қўллаб-қувватлашди.

“Олим илми элга бўлади машъал” деганларидай, олимликни мураббийлик билан қўшиб олиб борган Мўминжон Сулаймонов талабаларга “Халқ оғзаки ижоди”, “Чет эл адабиёти тарихи”, “Наманган адабий муҳити” каби фанлардан маърузалар ўқиди, республика ва халқаро миқёсдаги конференция ва танловларда илмий мақолалари билан қатнашиб илм аҳли ўртасида эътирофга



сазовар бўлиб борди. Шунингдек, нуфузли журналларда, хорижда ҳам ўнлаб мақолалари эълон қилинди.

Доцент Мўминжон Сулаймонов фаолияти кўп жиҳатлари билан диққатга сазовордир. Бугунги кунда талабалар, магистрантлар, мустақил изланувчилар ва эркин тадқиқотчи ёшларимизнинг ўзбек ҳамда жаҳон адабиёти сирли-сеҳрли оламига киришлари, фан чўққилари сари юксалишларида устоз Мўминжон Сулаймоновнинг яқин кўмакдош бўлаётгани барчамизга аён. Олим ҳозирда “Мумтоз адабиёт тарихи”, “Жаҳон адабиёти”, “Бадий матн поэтикаси” каби курслардан бакалавр ва магистрларга маъруза ва амалий машғулотлар олиб бормоқда. У маъруза ва амалий машғулотларини замонавий ўқитиш усуллари эгаллаган ҳолда илгор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан ҳамда мультимедия таълим ресурсларидан фойдаланган ҳолда юқори илмий ва ўқув-услубий савияда олиб боради.

2007 йилда доцент илмий унвонига эга бўлди. Ҳалол меҳнати тўғрисида кафедра мудирлигига муносиб топилди.

Сермахсул олим бугунга қадар 300 га яқин мақола эълон қилган бўлса, ундан олтмишдан ортиги Ҳофиз Ҳоразмий ҳақида. Буларнинг аксарияти турли вилоят ва туман газеталарида эълон қилинган.

Бундан ташқари, М. Сулаймоновнинг 30 дан ортиқ илмий-услубий қўлланмалари ва рисоалари чоп этилгани ҳам алоҳида эътироф этса арзийди.

Кейинги пайтларда ёшларни китоб ўқишга тарғиб ишлари кучайиб бораётгани ҳаммага маълум. Лекин айта оламанки, Мўминжон ўз фаолияти давомида доим талабаларни ҳам, касбдошларини ҳам янги адабиётлар билан таништириб боради, зарур бўлса шахсий кутубхонасидан олиб келиб беради. Менга ҳам топишга қийналган китобларимни марказдан келтириб берган пайтлари бўлган. Устоздаги китобга бўлган чексиз меҳр-муҳаббат туйғуларини ибрат қилиб кўрсатса арзийди. Зеро, шоир айтганидек:

*Эзгулик қолади фоний дунёда,*

*Қолгани арзимас, бамисоли хас.*

*Ҳомийлик қилолсак илму зиёга,*


*Тарих саҳнасида қолишимиз рост.*

Мўминжон ўз хонадонидан 5000 га яқин бадий ва илмий-оммабоп китоблардан иборат шахсий кутубхона ташкил этганига



хам 10 йилдан кўп бўлди. Оилада китобга ҳурмат бошқача. Бундай эзгу ишлар ташкилотчиси ҳам устоз Мўминжон. Шу маънода мен Мўминжонни катта ҳарфлар билан ёзиладиган ОИЛАПАРВАР ОЛИМ дегим келади. Турмуш ўртоғи Эътиборхон, фарзандлари: Дурбек, Хулқарой ва Фозилалар ҳам устоз таъсирида бадиий асар мутолаасини севимли машғулотларига айлантириб олишган. Биз уларни китоб устида катта бўлишган десак, адашмаган бўламиз. Эътиборхон оя китобга дўст тутиниб, қатор ютуқларни қўлга киритди, асло кам бўлмади. Алишер Навоий асарларини бошланғич синфларда ўргатиш мавзусида методик мақолалар эълон қилди, услубий қўлланмалар яратди. Доимо шогирдлари, ҳатто кўни-қўшниларига ҳам кўп китоб ўқишни тарғиб қилди. Меҳнатлари муносиб баҳоланиб, “Ўзбекистон халқ таълими аълочиси” нишони билан тақдирланган. Ҳозирда фахрийлар қаторидан ўрин олганига қарамай ўқишдан, изланишдан асло тўхтамаган. Қизи Хулқарой Сулаймонова ҳам чин маънодаги отасининг қизи. У ҳақда катта китоб ёзса арзийди. Ёшлигидан бадиий адабиётга меҳри бўлакча қиз шеър ҳам ёзди. Ижодкорлиги ва истеъдоди туфайли 2006 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига муносиб топилди. Имтиёзли равишда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг араб филологияси факультетида ўқиди. Намунали хулқи билан барчага ўрнак бўлган қиз бакалаврият босқичида Алишер Навоий номидаги давлат стипендиясининг соҳиби бўлди. Магистратура босқичида эса Президент стипендиясига лойиқ кўрилди. Кувонарлиси шундаки, Хулқарой 2020 йилда атоқли шарқшунос олима профессор Раъно Хўжаева раҳбарлигида 10.00.10 – матншунослик ва адабий манбашунослик ихтисослиги бўйича “Абу Мансур Саолибийнинг “Канз ал-кутуб” тазкираси ва унинг манбашунослик тадқиқи” мавзусидаги диссертацияни ҳимоя қилиб филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини қўлга киритди. Бошқа фарзандлари ҳам ота-она изидан бориб, саодатнинг калити илм, кўп ўқиш эканини яхши билишади.

Мўминжоннинг бахти устозлар этагини маҳкам тутганидир. У тадқиқотига раҳбарлик қилган устозини ҳам, у ёки бу китобини ўқиган олимни ҳам ўзига устоз сифатида тан олади, ҳурматини жойига қўяди. Бу фазилат ўзини ҳам улуғлик сари етакламоқда. Машҳур аллома Юсуф Хос Ҳожибнинг мен кўп такрорлайдиган куйидаги мисраларига эътибор берайлик:



*Тагин бир тоифа донишманд, доно,  
Улар илми элга машъал доимо.  
Эъозла уларни то бор имконинг,  
Билимларин ўрган токи бор жонинг...*

Айта оламанки, олимнинг бугунги муваффақиятида устозларининг хизмати бениҳоя катта. Устозларига хурматни ўрнига қўйган шогирд бугун ўзи ҳам устоз мақомига сазовор бўлиб турибди. Қатор иқтидорли талабалар ва магистрларга ҳамда изланувчиларга илмий тадқиқот ишларида раҳбарлик қилмоқда. Илм захматидан сира чўчимайдиган М. Сулаймонов ижодда, изланишда тўхтамай, илмий тадқиқот ишларини давом эттирмоқда.

У ҳамиша илмий доираларда бўлди. Ҳалол меҳнатлари билан танилиб, чиниқиб борди, йиллар ўтиб ўз жамоасининг илғор аъзоларидан бирига айланди. Унинг раҳбарчилигида НамДУда илк бор халқаро конференция ўтказилди. Шунингдек, кафедрада магистратура мутахассислиги ташкил этилди. Шижоатли олим, самимий суҳбатдош Мўминжон бугун қутлуг 60 ёшни қаршилаш арафасида турибди. Фурсатдан фойдаланиб касбдош дўстимизга узок умр, бахт-саодат тилаб қоламиз ва шундай деймиз: - *Ёшга, кексаликка ён берманг, одамийлик фазилатингизни яна ҳам баландроқ кўтараверинг, илмда ҳам, ошлада ҳам бундан-да етук бўлаверинг, Мўминжон!*

## **ҲОФИЗ ХОРАЗМИЙ ТАДҚИҚОТЧИСИ**

**Фаридахон Каримова,**  
филология фанлари номзоди, доцент

1993 йилнинг август ойлари охири. Ўша пайтда бошлангич таълим методикаси кафедрасида ишлар эдим. Ўзбек адабиёти кафедраси мудири доцент Салоҳиддин Жамолов домла хузурига чақирдилар. – Мумтоз адабиёт фани бўйича мутахассиссиз, ҳимояга чиқаяпсиз, кафедрага ишга ўтсангиз, – дедилар. Кафедрани мудири доцент Маҳмуджон Юсупов домла билан маслаҳатлашдим. Аёл киши учун ҳам иш, ҳам фарзандлар тарбиясидан ажралмаган ҳолда диссертацияни яқунлаш ва ҳимояга чиқиш осон эмас эди. Устоз бу борада мени кўп қўллаб-қувватлаган, Тошкентга хизмат сафарлари чоғида, ишни ёзиш жараёнида имкониятлар яратиб берган эдилар. Домла: – кафедрада ўз ўрнингиз бор, бизга кераксиз, лекин



хошишингиз мутахассислик кафедрасида ишлаш бўлса, мен қарши эмасман, – дедилар. Шу боис бағри кенг, юраги дарё устоздан доим миннатдорман. Шундай қилиб, 1 сентябрдан ўзбек адабиёти кафедрасида иш фаолиятимни давом эттирдим. Кафедрага илк бор кирганимда, С.Жамолов домла О.Носиров, М.Маъмуров, Ў.Азимова каби устозлар билан бир қаторда Абдулхамид Қурбонов ва Мўминжон Сулаймоновларни кафедранинг умидли ёшлари, дея таништирдилар. Хуллас, Мўминжон билан қарийб 30 йилга яқин бирга битта кафедрада елкадош бўлиб, ёшларга таълим-тарбия бериб келаяпмиз.

Ўтган давр мобайнида Мўминжон ҳар жихатдан улгайди, деб айта оламан. Аввало, илм таҳсили бобида. 80-йилларда ҳатто Алишер Навоийдек ижодкорнинг эътиборига тушмаган, илм аҳлига айрим сабабларга кўра маълум бўлмаган туркийзабон шоир Ҳофиз Хоразмий девонининг навоийшунос олим Ҳамид Сулаймон томонидан топилиши ва нашр этилиши катта ҳодиса бўлди. Ўша пайтда Ҳамид Сулаймон “...кадимий ўзбек адабиёти ва адабий тилининг ажойиб, бебаҳо ёдгорлиги бўлмиш Ҳофиз девонини ҳар ёқлама ўрганиш, шоирнинг адабиётимиз ва маданиятимиз тараққиётига қўшган ҳиссасини аниқлаш энди бошланажак илмий тадқиқотларнинг биридир”<sup>3</sup>, – деб таъкидлаган эди. Айтиш мумкинки, кун тартибида бу улкан шоир ижодининг илк тадқиқотчиси ким бўларкин, деган савол турарди. Бу бахт ўша пайтда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти битирувчиси Мўминжон Сулаймоновга насиб этди. Дастлаб “Ҳофиз Хоразмий лирикасида кичик лирик жанрлар” мавзусида диплом иши устида ишлади ва устозлар эътиборига тушди. Ўқишни якунлагач, сиртки аспирантурада таҳсилни давом эттирди. Таҳсил давомида мавзуни чуқур ўрганишга киришди. У бу жараёнда шоир ҳаёти ва ижоди, девони ва унинг жанр хусусиятлари, мавзу кўлами, девондаги шеърлар бадииятини ўрганиш масалаларига эътибор қаратди. Шоирнинг ҳажм ва мазмун жихатидан салмокли бўлган девони устидаги изланишлар муҳим хулосалар чиқаришга имкон берди – Хоразм заминида яшаб ижод қилган, ўзбек шеърятининг ривожига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган яна бир истеъдодли шоир кашф этилди. 1996 йилда “Ҳофиз Хоразмий ва ўзбек лирик

<sup>3</sup> Ҳамид Сулаймон. Ҳофиз Хоразмий. Сўзбоши. // Ҳофиз Хоразмий. Девон. 2жилдлик. – Тошкент: 1981. – Б.9.

шеърляти ривожл" мавзусида филология фанлари номзоли илмий даражасини олиш учун диссертация муваффакиятли хилиш қилинди. Таъкидлаш керак, янги ижодкор асарларини талкиқ этиш, изланишлар жараёнида илмий хулосалар чиқаришнинг ўзи ҳам фан оламида ноёб ходисалардан. Тадқиқотчи бу борада ўз олдиға кўйган мақсад ва вазифаларини тўла амалға ошира олди, деб бемалол айта оламиз.

Профессор Натан Маллаев, профессор Ҳамиджон Ҳомидий каби илм дарғаларининг этагидан тутган Мўминжон бугун яна бир довонни забт этиш арафасида. Ижод олами, хусусан, ҳар бир шоир ижодини туби чексиз уммонға қиёслаш мумкин. Унинг тубида сочилган дуру гавҳарларнинг барчасини бир шўнгишда кўлга киритишнинг имкони йўқ. Ҳазрат Навоий айтганларидек:

*Этишган эл неча дур олгон эмиш,*

*Неча олийқадр дурлар қолгон эмиш.*

Ҳофиз Хоразмий девони ҳажм жиҳатидан катта бўлиб, ундаги газал, мухаммас, мустазод, таркиббанд, таржиъбанд, китъа ва рубоий жанридаги шеърлар 37264 мисрани ташкил этади. Бу эса шоир билан яқин даврда яшаган Ҳайдар Хоразмий, Сайид Аҳмад, Лутфий, Атоий, Гадоий, Саккокий, Яқиний, Аҳмадий, Амирий, Хўжандийларнинг лирик меросидан ҳам кўп, деганидир. Катта ҳажмдаги шоир девонини ҳар жиҳатдан тадқиқ этиш тадқиқотчидан улкан сабр-тоқат ва катта маҳоратни талаб қилиши шубҳасиз. М.Сулаймоновда ана шундай фазилатлар борлиги бонс шоир шеърлятининг мавзу кўлами, тимсоллар тизими ва бадий хусусиятларини чуқур ўрганди, шоирнинг ўзбек адабиёти ривожига кўшган хиссаси хусусидаги фикр-мулоҳазаларини дадил ўртаға ташлай олди. Ҳофиз Хоразмийдек улкан шоир ижодининг диплом иши, номзодлик диссертацияси тарзида ўрганилиши тадқиқотлар ниҳоясига етди, дегани эмас. Айтиш мумкин бўлса, Лутфий, Атоийларгача мумтоз шеърлятнинг 9 та жанрида ижод қилган, содда, равон ва жозибадор газаллар битган соҳибдевон шоир шеърлярининг бадий жиҳатларини пухта таҳлил қилиш асосида XIV охири ва XV аср бошларидаги ўзбек шеърляти поэтикаси хусусида илмий хулосаларға келиш бугунги адабиётшуносликнинг долзарб вазифаларидан эди. Шу бонс олим мавзу кўлишган тадқиқотларини устоз Ҳомидий раҳбарлигида давом этишда ва бугунги кунда "XIV охири ва XV аср бошларидаги ўзбек шеърляти

позтикаси (Ҳофиз Хоразмий ижоди мисолида)” мавзусидаги докторлик ишени ниҳоясига етказмоқда.

М.Сулаймоновнинг мавзуга доир ўнлаб илмий мақолалари хориж ва республика миқёсидаги ОАК эътироф этган журналларда чоп этилган. “Alisher Navoiy o‘z zamondoshi Hofiz Xorazmiyni bilganmi?” (Til va adabiyot ta’limi, 2015, 8-son), “Ҳофиз Хоразмий девонининг Анқара нашри” (Шарқ машъали, 2015, 3-4-сон), “Барҳаёт анъаналар ва издошлик” (Ўзбек тили ва адабиёти, 2017, 1-сон), “Ҳофиз Хоразмий ва шахмат” (Ўзбекистон матбуоти, 2017, 1-сон), “Ҳофиз Хоразмий ижодида ҳасби ҳол ва фахрия” (Ilm sarchashmalari, 2017, 5-сон), “Hofiz Xorazmiy ijodida ichki qofiya” (Til va adabiyot ta’limi, 2017, 11-сон), “XV аср Шероз адабий муҳитида туркий шеърят” (Шарқ юлдузи, 2018, 3-сон), “Ҳофиз Хоразмий лирикасида қўлланган айрим шеърӣ санъатлар” (СамДУ Илмий ахборотномаси, 2018, 2-сон), “Ҳофиз Хоразмий девонининг Туркияда ўрганилиши” (Жаҳон адабиёти, 2018, 8-сон), “Ҳофиз Хоразмий ижодида “турк” сўзи маъно қирралари (Ўзбек тили ва адабиёти, 2018, 6-сон), “The role of Hafiz Khorezmi in Turkish poetri” (Theoretical Applied Science. Philadelphia, USA. №5 2019) Хоразмий марсияси. (НамДУ Илмий ахборотномаси, 2020 йил, махсус сон, инглиз тилида), “Темурийлар даври Шерозда туркий шеърят” (НамДУ Илмий ахборотномаси, 2021, 3-сон, инглиз тилида) қабилар шулар жумласидандир. Олимнинг “Ҳофиз Хоразмий ҳаёти ва ижоди” номли монографияси эса Германияда португал, испан, поляк, рус, италян, немис, жами 9 та тилда чоп этилди.

Устозим Абдуқодир Ҳайитметов суҳбатларнинг бирида “Фаридахон, журналларда босилган илмий мақолаларингизни газеталарга ҳам беринг. Кейинги йилларда шундай хулосага келдим. Чунки илмий журналлар тор доирада мутолаа қилинади, газетадаги материалларни эса кўпчилик ўқийди”, – деган эдилар. Устоз кўпчилик мақолаларини вақтли матбуотда ҳам эълон қилганларига гувоҳ бўлганман. Мўминжоннинг илмий-ижодий фаолиятида ҳам шу жиҳатни кўраман. Унинг ўнлаб, балки юзлаб мақолалари вақтли матбуот саҳифаларида эълон қилинган. Ҳозиржавоб олим илм ва ижод оламидаги, маънавий ҳаётдаги барча воқеа-ҳодисаларга ўз вақтида муносабат билдиради, фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашади, бир сўз билан айтганда, атрофдаги юртдошларининг,

хусусан, ёшларнинг билим доираси, маънавий дунёси юксалишига ўз улушини кўшишга интилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш зарурки, Мўминжон радио ва телевидение орқали адабиётимизни энг кўп тарғиб-ташвиқ этадиган ҳамкасбимиз ҳисобланади. Шунингдек, туман, шаҳар ва вилоят ташкилотларида турли маънавий-маърифий маърузалари билан мунтазам қатнашадиган ким, деб сўралса, албатта, ҳеч иккиланмай, М. Сулаймоновни кўрсатамиз. Булар ҳам бадиий асарлар ва адабиёт вакиллари ижодини халқимиз орасида оммалаштиришнинг муҳим омили, десак, муболаға эмас.

Халқимизда “Эр-хотин – кўш хўкиз” деган бир оз кўполроқ, лекин пурмаъно мақол бор. Мўминжон ҳам оиланинг катта аравасини Эътиборхон билан бирга тортишади. Фарзанду набиралар тарбияси дейсизми, иқтисодий масалалар дейсизми, кўйинг-чи, илмий соҳада ҳам улар елкадош. Уларнинг мактаб ўқувчилари ва абитуриентлар учун ҳамкорликда тайёрланган ва чоп этилган ўнга яқин услубий қўлланмалари фикримизга далил бўла олади.

Устозларга нисбатан илмпарвар деган сўзни ишлатамиз. Аслида бу сўзни оталарга нисбатан ҳам қўллаш мумкин ёки бошқача айтганда, Мўминжон илмпарвар ота сифатида қизлари Хулкаройни ёшлигидан илмга муҳаббат руҳида тарбиялади. Зиёли оилада улғайган Хулкарой ота-онаси боис китобга меҳр кўйди. Ёшлик чоғларидан шеър машқ қилди, вақтли матбуотда фаол иштирок этди. Хабарлардаги фикр-мулоҳазалар мақолаларда юксалди. Таҳлиллар, шарҳлар чуқурлашиб, китобларга айланди. Вилоят ва республика миқёсидаги танловларнинг доимий иштирокчиси сифатида тилга тушди. Ниҳоят, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори деган рутбага сазовор бўлди. Тошкент давлат шарқшунослик институтига имтиёзли тарзда қабул қилинди. Талабалик даврида эришган ютуқлари туфайли Алишер Навоий номидаги стипендияга лойиқ кўрилди. Институтни аъло баҳоларга тамомлагач, магистратурада ўқишни давом эттирди. Магистратура таҳсили давомида эса Президент стипендияси совриндори бўлди. Илмнинг машаққатли зинапояларидан аста-секин мақсад томон одимлаётган “отасининг кизи” докторантурани яқунлаш арафасида филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясини ҳимоя қилди. Албатта, Хулкаройнинг ютуқларида оилавий муҳитнинг,



хусусан, Мўминжоннинг алоҳида ўрни бор. Ота бўлса, шунчалик бўлар-да, дейсан. Ўғиллари Дурбек – бош ҳисобчи. Кенжа қизларига олима Фозила Сулаймоновани ҳавас қилиб Фозила деб исм қўйган ва бунга Устоз Ҳомидий домла ҳам фотиҳа берганлар. Фозила қизимиз ҳам улуғлар изидан бориб, олима бўлса ажабмас. Фарзандларинг изингдан юрса, илм оламида юксак чўққиларни забт этса, бундан ортиқ бахт борми?!

Мўминжон Сулаймоновни 60 ёш остонасида қутлар эканмиз, мустаҳкам соғлик, бардавом умр, оилавий тинчлик-хотиржамлик, илм оламида баркамоллик тилаймиз.

## УЛЖАН ҚАЛБ ЭГАСИ

Санобар Хўжамуротова

Қорақалпоғистон Республикаси

Амударё туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактаби директори

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутати,

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ ўқитувчиси

*"... Умрдан кемтиб-кемтиб ўтиб бормоқда йиллар,*


*Талабалик йилларнинг фурсати ҳам ганимат.*

*Талабани кўрганда орзиқиб кетар диллар,*

*Кўнгишлар мавжси сўниб, сочларга оқ тушган вақт..."*

Жиззах. Мирзачўл тумани. Талабалар жойлашган барак. Мастура дугонамиз шахло кўзларини пирпиратиб,... ҳаммани ўзига қаратиб шеър ўқияпти. Султонмурод рубобини тинғиллатади, Фарида уйига хат ёзаяпти. Бир четга ўтиб, китоб ўқиётган йигит-наманганлик группадошим Мўминжон..... Бу менинг олисларда қолган хотираларим. 1979 йили Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтининг ўзбек ва қозоқ филологияси факультетига ўқишга кирдим. Соддагина, қишлоқи қизман, Нукус, Тошҳовуз, Ургенчдан бошқа шаҳарни кўрмаганман. Табиатан одамовироқ, китобийроқ бўлганимданми, ё кўрслигим сабабми, курсимиздаги кўпчилик билан чиқишиб кетишим қийинроқ бўлган. Мўминжон билан бир группага тушибмиз. Олдинига сўзларни наманганча шевада талаффуз қилувчи бу йигит менга ғалатироқ туюлган, лекин кейинчалик у билан тез иноқлашдик. Балки бунга китобга ўчлигимиз сабаб бўлгандир. Бу иноқлик иккинчи курс даврида раҳматлик Қудрат Ахмедов домламининг бизни олий ўқув юртлари

бўйича она тили ва адабиёт фанидан олимпиада учун резерв турмуш олганларида янада мустақкамланди. Бухоролик Тохир, бекободлик Адолат, наманганлик Мўминжон ва мен қўшимча машғулотлари қатнардик, ўрганганларимизни соатлаб муҳокама қилардик. Ўшандаёқ Мўминжоннинг мумтоз адабиётга қизиқиши, соатлаб кутубхонада китоб мутоала қилиши, қўлёзмаларни эринмай титкилаши бизни ажаблантирар, унга бошқача ҳурмат билан қарашга ундарди. Ҳамоамизнинг ҳар йили олийгоҳлар орасида голиб чиқишида Мўминжоннинг мумтоз адабиёт бўйича билимлари бизга қўл келарди. Ижодий ишни Адолат иккимиз эркин мавзу бўйича ёзсак, Мўминжон ва Тохир доимо мумтоз адабиёт бўйича танлашарди, уларнинг юқори баҳо олишларига биз ҳам, устозларимиз ҳам ишоншарди. Мўминжон жуда самимий йигит бўлиб, билганларини бошқалардан қизғонмас, дарсларда ҳеч ким эътибор бермаган жиҳатлар бўйича саволлар берар, домлаларимиз ҳам илмга чанқок бу йигитнинг ёркин келажигига шубҳа қилмасдилар. "Студент ва илмий-техника тараққиёти" мавзусида илмий конференцияга маърузалар тайёрлаганимизда ҳам у эринмай изланар, маърузасини қайта-қайта таҳрир қиларди. Унинг маърузаси энг яхши ишлардан бири сифатида эътироф қилинганида, биз ажабланмаганмиз, гўё шундай бўлишини олдиндан билгандай қабул қилганмиз. Пахта даврида, шанбаликларда, саёҳатларга борганимизда ҳазиллари билан ҳаммани кулдиради, салмоқли ҳикоялар, ибратли ривоятлар айтиб берарди. Институтни тугатгач, ҳар биримиз ўз юртимизга кетдик. Гарчи курсимизнинг олдинги талабаси бўлсам ҳам, менга илм йўлидан бориш насиб қилмади. Ўзим ўқиган мактабда иш бошладим. Ишдаги ютуқларимиз, янгиликлар, эришган орзуларимиз ва эриша олмаган армонларимиз ҳақида хат оқали хабарлашиб турдик. Мўминжондаги биз кадрлайдиган яна бир хислат-унинг устозларига бўлган ҳурмат ва эътиромидир. Биз унинг раҳматли Маллаев домла билан муносабатларини, Ҳомиджон домлага фарзанди каби эҳтиром кўрсатганларини кўриб ҳайратланганмиз. Дўстимиз устозларига кўрсатган меҳр-оқибати туфайли, ўз шогирдлари орасида ҳам шунчалик кадр топишига ишонамиз. Дўстимизнинг бугунги мартабага эришувида унинг изланувчанлиги, тиришқоқлиги, илмга муҳаббати, ҳаётий мақсадини тўғри қўя олганлиги, ота-онаси ва яқинларининг кўмакдош бўлганлиги муҳим ўрин тутган деб



ўйлайман. Унинг илмий-ижодий ишлари, фарзандларининг камоли, бахтли ва тўқис ҳаётини кўриб ҳам қувонамиз, ҳам унга ҳавас қиламиз. Курсдош дугоналар билан Наманганга борганимизда бизни меҳмондўстлик ва очиқ чехра билан кутиб олганлигини доимо эслаб юрамиз, курсдошимизнинг ўз элида, ишхонаси ва ҳамкасблари орасида қанчалик хурмат-эҳтиромга сазовор бўлганлигини кўриб қувонганмиз. Бугун Мўминжон дўстимизнинг 60 ёшга тўлганига ишонгимиз келмайди. Бизнинг назаримизда у ҳамиша навқирон, ҳамиша изланувчан, керак пайтда кўмакка тайёр, маслаҳати ва самимий суҳбати билан кўнгилларда қуёш ёқа олгувчи Ҳазрати инсон. Биз, курсдошлари, Мўминжон дўстимизнинг мумтоз адабиётимизнинг очилмаган кўрикларини забт этишига, илм-фанга салмоқли асарлар тақдим қилишига шубҳа қилмаймиз.

## АДАБИЁТ ИЛМИ БИЛИМДОНИ, САМИМИЙ ДЎСТ

Давлатёр ЖУМАШЕВ,  
Алишер Навоий номидаги ТошДЎТАУ

Мўминжон Сулаймонов билан яқиндан танишиб, дўстлашимиз 1986 йилнинг баҳорида аспирантлик даврига тўғри келади.

Адабиёт фанининг кўчасига кирганларни икки тоифага бўлиш мумкин. Биринчиси: фундаментал фанларнинг бирортасини чуқур эгаллаб, сўнгра унга қизиқиш орқали номдор адабиётшуносга айланганлар. Масалан, адабиёт фанининг йирик дарғалари, академиклар: А.П.Қаюмов, А.Рустамов, Ғ.Абдурахмонов; профессорлар Н.М.Маллаев, Ҳ.Ҳомидов, Т.Бобоев ва бошқалар. Тилшунослардан: М.Асқарова, А.Шерматов, Н.Маҳмудов, Р.Расулов; методистлар: доцент Қ.Аҳмедов, Р.Абдулаҳадова, М.Шамсиева, Р.Иноғомова, А.Абдураззоқов, Ҳ.Жумаевалардан илм сир-асрорларини ўрганди. Доцент М.Сулаймонов ана шундай етук мутахассислар қўлида таҳсил олди ва ўзлари ҳам буни тўлқинланиб гапиради. Иккинчиси эса мажозий маънода бешиқдан онанинг муқаддас “алла”сидан бошлаб жамиятимиз учун муҳим бўлган соҳага умрини бахшида этади. Зеро, инсон моҳият эътиборига кўра фикрловчи мавжудот экан, демакки ҳар бир шахс ҳаёт фалсафасига дахлдордир. Бундай хислат М.Сулаймоновга ҳам хос.

---

Ўзбекистонимиз заминининг ҳар бир қадами моддий ва маънавий кадриятлар макони. Айниқса, Наманган вилоятининг Чортоқ тумани мамлакатимизнинг энг сўлим масканларидан бўлиб, ўзининг бой ҳамда ҳали-ҳануз олимларимиз томонидан етарлича ўрганилмаган ҳудуд ҳисобланади. Сир сақлашни тарихдан ўрган деганларидек! Наманган ҳам қадимий обидалари энг кўп вилоятлардан биридир. Бу мўъжизалар заминиди, кўплаб ижодкорлар, олиму фузалолар, файласуфу донишмандлар яшаб ижод этишган.

Ҳар бир маънавий етук инсон тангри томонидан унга берилган умрни яшар экан унинг ҳар бир босқичида орқасига қараб, босиб ўтган йўлига бир назар ташлаб, нимага эришдим деган саволга жавоб кидиради, амалга оширган ишларини бир кўз ўнгидан ўтказиб, кейинги босқич учун режалар тузади, қиладиган ишларини белгилайди.

Ҳурматли ва ажойиб дўстимиз Мўминжоннинг босиб ўтган йўлига назар ташлар эканмиз, у кишининг ишчанлигига, илмга чанқоқлигига, меҳнатсеварлигига, олий мақсадларга интилувчанлигига, ватанпарварлигига, оилапарварлигига, ёшлар учун меҳрибон ва ҳақиқий устоз, янгиликка интилувчан, тенгдошлари учун ҳақиқий дўст эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиламиз.

Зикр этилган бу гаплар домла М.Сулаймоновни макташ учун айтилган шунчаки гап, фикр-мулоҳаза эмас, балки у инсонда бўлган етук одамийлик ва олимликнинг олий намунаси. Ҳолбуки, ким бўлмасин бу ҳаётда фахрланса арзийдиган қандайдир натижага эришар экан, бунда ўзининг меҳнати, оиласи ва атрофидаги муҳит, устозлари билан бир қаторда яқинларининг ҳам роли бўлади. Ҳатто киши бирор соҳада қандай мавқега эришишида тенгдошларининг таъсири устозлариникидан кам бўлмайди дейиш мумкин, чунки эришиладиган натижада мусобақага интилиш, бошқалардан намуна олиш, уларга етиб олиш туйғуси олдинга ундовчи куч бўлади.

М.Сулаймоновнинг ижоди ҳақида икки оғиз сўз айтишни маъқул кўрдик. Унинг қаламига мансуб мақолалар мазмун ва моҳият жиҳатидан ўзига хослиги билан ажралиб туради. У ёзган мақолалар назарий асос билан бирга ҳаётийлиги ундаги илмий далилларнинг кенг қамровлилиги муаллифнинг масалани чуқур англашидан далолат беради. Унинг ўзбек адабиётида тазкираларнинг пайдо бўлиши, тузилиши билан боғлиқ қатор мақолалари илм



аҳлига маълум. Муаллиф мақолаларининг бирида “Алишер Навоийнинг “Мажолис ун – нафоис” тазкирасидан Улуғбек ва Бойсунгур Мирзолар ҳақидаги, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Шоирлар бўстони” тазкирасидан Камол Хўжандий ҳақидаги маълумотлар намуна учун келтирилган” – дейди.

М.Сулаймонов тазкирачиликка бундан минг йил муқаддам араб тилида асос солинган бўлса, XIII асрда форс-тожик тилида, XV асрда, аниқроғи Алишер Навойдан бошлаб туркий тилда ҳам тазкиралар яратилганлигини қайд этади.

Навоийнинг туркий тилда яратган икки тазкираси – “Насойимул муҳаббат” ва “Мажолис ун – нафоис” асарлари бу соҳа тараққиётида янги боқич бўлди. Хусусан Навоий, замондош адиблар ҳақида тазкира ёзиш анъанасини бошлаб берди.

М.Сулаймонов ўз мақолаларида тазкирачиликда Навоийнинг беқиёс хизмати борлигини кўрсатиб алоҳида таъкидлаб шундай ёзади: “Мавлоно Атоий Балҳда бўлур эрди. Исмоил ота фарзанларидиндур, дарвешваш ва хушхулқ мунбасит киши эрди . . . Ўз замонгасида атрок (туркийлар) орасида кўп шуҳрат тутти” – деб келтириб ўтади. Бундан ташқари Лутфий ҳақидаги Навоийнинг қуйидаги фикрларини келтиради: “Мавлоно Лутфий ўз замонасининг “Маликул каломи” эрди, форсий ва туркийда назирӣ йўқ эрди, аммо туркийда шуҳрати кўпроқ эрди ва туркча девони ҳам машҳурдур”.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, юқоридаги далиллар кўрсатишича, М.Сулаймонов ижодида Навоий тазкиралари ўзбек адабиёти ҳақида жуда кўп қимматли маълумотларга бой бўлиб, XV аср ўзбек адабиёти даражасини белгиловчи манбалардир.

Навоий анъанасини муваффақиятли давом эттирган Содиқбек Китобдор (XVI аср), Фазлий Намангоний (XIX аср), Аҳмад Табибий (XX аср бошлари), Ҳасанмурод Лаффасий (XX аср), Пўлатжон домулла Қайюмий (XX аср), Тошқин (XX аср) каби муаллифларнинг ўзбек тилида яратган тазкираларини тадқиқ қилиш ва дарсликлар ҳамда мажмуалар тузишда улардан ҳам фойдаланиш албатта яхши натижалар беради деб ҳисобланади.

М.Сулаймонов ўзининг “Пўлатжон домулла Қайюмийнинг “Тазкират уш-шуаро” асари манбалари” номли мақоласида атоқли муаллим ва адабиётшунос олим Пўлатжон домулла 1956 йилда

форс-тожик шоирлари ҳақидаги асарини яқунлаганлиги ҳақида маълумот беради.

Мақолада Пўлатжон домулла ижодига оид маълумотларни “Тазкират уш-шуаро” асарини ёзиш ғояси бирданига туғилиб қолмаганлигини ва бу асар бир-икки йилда ёзилмагани айтилади. Шу сабабли ҳам мазкур тазкира манбалари хилма-хил ва жуда кўп бўлиши табиийлиги ҳақида гапириб ўтади. М.Сулаймонов Пўлатжон домулланинг “камтарлик билан тазкира охирида “форс шоирлари антологияси тамом бўлди. Буни ”Қомус ул-аълум” Шамсиддин Сомий асари беш жилдидан тамом териб олдим” деб қайд этиб ўтган. М.Сулаймоновнинг аниқлашича, “тазкирани ўқир эканмиз муаллиф фақат ”Қомус ул-аълум” билангина чекланиб қолмаганининг гувоҳи бўламиз”, – дейди.

М.Сулаймонов “Тазкират уш-шуаро” асарини чуқур тадқиқ қилиб, асарнинг илмий манбаларини далиллар асосида ўн учта банддан иборат ўз хулосаларини беради. Асар ва унинг муаллифи тўғрисида илмий жамоатчиликда янгича фикрлар уйғонганлигига шубҳа йўқ.

Шуни айтиш керакки, мен Мўминжондек юксак маданиятли, камтарин, билимли инсон, синашда дўст билан замондош эканлигим, у билан бир умр қадрдон биродар бўлиб юришдек бахтига эришганимни наинки омадим, балки Аллоҳнинг менга кўрсатган улуғ инояти деб биламан. У ҳеч қачон ўз биродарини ёлғизлатиб қўймайди ва ҳеч қачон ўз насиҳатларини аямайди.

Яшаш ва олимликнинг навқирон палласига қадам қўйган азиз биродарим, қадрдоним, Чортоқнинг танти ва истеъдодли ўғлони, юксак маънавиятли инсон, Мўминжон дўстим келинойимиз билан фарзандларингиз ва бир этак неварачевараларингиз бахтини кўриб яшашни Аллоҳдан сўраймиз.

Мен шундай дўстим ва сафдошим борлигидан чексиз фахрланаман. Оила аъзоларимиз номидан 60 ёшингиз билан муборакбод этар эканман, СИЗга мустаҳкам соғлиқ, узоқ ва мазмунли умр тилаймиз, қилган меҳнатларингиз роҳатини оилангиз, яқинларингиз ва шогирдларингиз билан бирга кўриш насиб этсин.

---

## ҒАЙРАТУ ШИЖОАТГА УНДОВЧИ ИНСОН

Жасурбек Маҳмудов,  
филология фанлари номзоди, ЎзМУ доценти  
Истасанг инсон бўлишни аввало инсонни сев...

Ҳабиб Саъдулла

Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонининг XIII бўлимида Шаҳзода Фарҳодқа «Ал-асмоу танзилум минас-самои» ҳукми била ишқ сипеҳри авжидин номдорлиқ насиб бўлмоқ ...деб бошланган ва бу билан “Барча исмлар осмондин тушади” деган мазмунга ишора қилган. Дарҳақиқат, баъзида ҳаётда инсонларнинг исмидан уларнинг феъли ҳам ёрқин намоён бўлади. Мўминжон Сулаймонов ҳам давримизнинг ана шундай “исми жисмига мос” кишилардандир. Зеро, улардаги ўзига хос хислат ва фазилатлар исмидаги мўминлик сифатининг ёрқин инъикосидир. Шу сабаб улар билан суҳбатлашиш, фикрларини эшитиш, айниқса, насиҳатомуз мулоҳазаларини тинглаш кишида ғайрат, шижоат уйғотади. Уларни ҳар сафар кўрганда, аввало, инсонда қандайдир руҳий кенглик, табассум, суҳбатига интилиш, илиқлик пайдо бўлади. Учрашган пайтларимизда, “сизни кўрганда Зокир Очилдиевни кўргандек кўнглим яйраб кетади, жуда ўхшаб кетасиз”, дея ҳазиллашиб кўяман. Чиндан уларнинг юзидаги илиқлик, истараси иссиқлиги кишида енгиллик, ҳамма нарсанинг ҳам иложи бор, муҳими, саломатлик деган фикрларга ундайди. Уларнинг яхшиликка, интилишга ундови, ғайратга чорлови эса умуман ўзгача. Мисоллар келтириб бирор нарсанинг устунлигини кўрсатиши ҳақиқий педагог эканидан ҳам далолатдир. Бир куни учрашганимизда “касси алидан галадими, бўлди...” дедилар ва мазмунини шундай изоҳладилар: бир хоразмлик курсдош акамиз бор эди, “Каснинг – инсоннинг қўлидан келганини мен ҳам эплайман” деган мазмунида шу гапларни айтарди, шундай экан, бир киши қилган ишни бошқа киши ҳам қила олади, дегандилар. Бу эса улардаги мўминлик аломатининг яна бир кўринишидир. Зеро, муқаддас динимизда “ноумид шайтондир” деган ибора мавжуд. Бунга кўра, Яратганнинг лутфу марҳаматидан ҳамиша умидворлик билан интилиб яшаш банданинг муҳим хислатларидан биридир. Бу эса мўминликнинг энг улуғ хислатидир. Жумладан, Куръони каримнинг “Зумар” сураси 9-оятда ушбу хислат ҳақида Яратганнинг шундай марҳамати бор: “...ва Парвардигорининг раҳматидан умид қиладиган киши (билан

бошқалар баробарми?!)... Айни шу “Зумар” сурасининг 53-оятда эса “Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлмангиз!”, дея Яратганнинг ўзи ушбу хислатга ундайди, бандаларини ноумид бўлмасликка чақиради. Демак, ҳамиша кишилар кўнглига ғайрат, шижоат ва умидворлик бағишлаш бу мўмин банданинг энг улуғ хислати бўлиб, Мўминжон ака Сулаймоновда ана шу хислат ва фазилат биринчи ўриндадир. Бу эса Мўминжон аканинг ҳақиқий мўминлар зумрасидан, яъни тоифасидан эканидан далолатдир. Балки шу сабабдандир у кишининг суҳбатини дўстлари ҳамиша қалбан соғинадилар. Уларнинг суҳбати, насиҳатомуз сўзлари худди киши учун ғаниматдек. Алишер Навоий “Назм ул-жавоҳир”да Ҳазрат алининг қуйидаги ҳикматига шундай тўртлик битган: 47. Жалис ул-хайри ғаниматун. (Яхшилар билан ўтириш ғаниматдир)

Ёреки тегар бировга озори анинг,  
Ақл оллида тенгдурур йўқу бори анинг,  
Ёреки эрур ҳамида атвори анинг,  
Кўрмакка ғанимат ўлди рухсори анинг.

Навоийнинг бошқа бир ўринда Пайгамбар а.с.нинг “тилидин ва кўлидин бирор кишига озор етмайдиган кимса ҳақиқий мўминдир” ҳадисини келтиради. Мўминжон ака айнан шундай инсонлардандир.

Сўзимиз охирида Наманганнинг, халқимизнинг севимли шоири Ҳабиб Саъдулланинг машҳур “Инсонни сев” деб бошланувчи байтлари эсга тушди. Гарчи шоир бўлмасам-да (лекин устоз Ҳамиджон Ҳомидий мени ҳар кўрганида “шоир” деб чақиради) Ҳабиб Саъдуллага татаббуъ сифатида қуйидаги байтни айтгим келди:


Истасанг мўмин бўлишни, аввало, Мўминни сев,  
Гоҳи айтган ҳар ҳазил гап, гоҳи ундов, чинни сев!

Мўминжон аканинг умри узоқ бўлсин, барчани ғайратга, шижоатга ундаб соғ-саломат юрсинлар!

## МЕҲРПАРВАР ИНСОН

Ҳамракулова Хуршида,  
филология фанлари доктори, доцент

Наманган адабий мактаби, Наманган илмий мактаби деган истилоҳ остида асрлар давомида шаклланган адолат, шижоат, ўзаро меҳрпарварлик хислатларини алоҳида урғулаш лозим. Зеро, ана шу сифатлар бу мактабнинг таянч нуқталари бўлиб келди. Мен



Наманган илмий мактабининг етакчи ва катта вакиллари билан бир сафда ишлаётганимдан, уларнинг бир қатор шогирдларига шогирд саналишимдан ғурур туяман. Айни глобаллашув даврида меҳрпарварлик тушунчасининг ноёблашиб бораётганида мазкур илмий мактабнинг алоҳида фазилатларидан бирига айланган бу хислат бугун бизни яна бирлаштириб турган бўлса ажаб эмас.

Наманган Давлат университети бизнинг ҳаёт йўлимизни топишимизда жуда муҳим ҳаёт мактаби вазифасини бажарди. 1992-97-ўқув йилида ўзбек филологияси йўналишини битирган талабалар, мен ўйлайманки, устозлардан муҳим ҳаётий сабоқларни олган. Тўғри, биз пойтахтда таълим олмадик, катта адабий мактабларда бўлмадик, аммо устозларимиз бизга бутун илмини қалб кўри билан сингдирганини, ўтилган дарслар ҳар бири бир тарихга айланганини, ҳар тарих ортида алоҳида шахслар қад кўтаришини мен йиллар ўтиб англадим. Мен сарҳисоб қилган йиллар орасида ўзининг бутун бўй-басти билан Мўминжон Сулаймонов домла ажралиб туради.

Талабалик остонасига келганимизда Мўминжон ака 30 ёшда эканлар. Демак, устоз билан боғланган вақт оралиғида ўттиз йилнинг сарҳисоби ҳам мавжуд. Май ойининг бошлари. 2004 йил номзодлик диссертациямни ҳимоя қилаётганим бир вақт. Шу пайт ҳимоя қилиш шарафига уюштириладиган базм ҳам анъана тусига кирган эди. Ҳали мустақил катта йигин қилган эмасман. Тошкентда ўтган уч йилим ҳам фақат кутубхоналарда ўтган. Кўп домлаларни танимаيمان ҳам. Шу пайт жонимга Мўминжон домла оро кирдилар. Дарров ҳамма нарсени қўлга олдилар. Қисқаси, ҳамма нарса кўнгилдагидек ўтди. Мен домланинг ташкилотчилигини шунда билганман.

Яна бир воқеа докторлик диссертациямнинг ҳимояси даврида бўлиб ўтди. Устоз биз билан таҳсил олган талабаларнинг алоҳида хусусиятларини таъкидлаб ўтдилар. Узоқ йиллар домланинг хотирасига панд бера олмабди. Мен домлага яна бир марта қойил колдим.

Мўминжон ака бизга шогирдига қарагандай эмас, ҳамкасбидан фикр олаётгандек муомала қиладилар. Ҳар қандай юмуш билан мурожаат этсак, албатта, ишимизни битириб беришга ҳаракат қиладилар. Бундай камтар, олижаноб инсонларга шогирдлик бу – бахт.

Биздан фарқли ўлароқ, Намангандан тез-тез кўнғироқ қилиб ҳол сўрувчи, Тошкентга келсалар, албатта излаб топувчи устоз бизни

халиям тарбия қилаётган эканлар – шогирдларига меҳр улашиб, шу анъанани бизга сингдираётибди экан.


Бугун 60 ёшни қаршилаётган Мўминжон домла бизнинг кўз ўнгимизда ҳамон навқирон 30 ёшдагидек гавдаланади. 60 ёш айна илм аҳли учун айна етуклик давридир. Мен домланинг дарсларидан сабоқ олганимдан, уларга шогирд бўлганимдан сира афсусланмайман. Талаба бўлдик деб осмонда учиб юрганимизда Ҳофиз Хоразмий ижодидан ғазаллар ўқиб, бизни ҳайратга чўмдирган, мумтоз адабиётнинг, фольклор анъаналарининг ўзига хос сирларига ошно қилган домламизнинг илмига кўз тегмасин. Сизга ҳамиша ҳурмат ва эҳтиром билан шогирдингиз.

## УСТОЗИМГА ЭҲТИРОМ

Санобар Абдурахманова,  
НамДУ мустақил изланувчиси,  
“Ўзкимёсаноат” АЖ бошқарув  
раиси маслаҳатчиси

Сулаймонов Мўминжон устозга 1992 йил, яъни илк талабалик давримдан ҳурматим ва меҳрим ўзгача. Устоз бизга фольклоршунослик фанидан сабоқ берганлар. Ўша даврларда устоз бизни бадий ва илмий асарларни кўпроқ мутолаа қилишга ундардилар. “Ўқиган ҳеч қачон кам бўлмайди”, – дея кўп таъкидлардилар. Шу сабабли бизнинг деярли барча курсдошларимиз илм йўлидан кетдилар. Устозларимизнинг тўғри йўл кўрсатганлари натижасида ҳозирда курсдошларимизнинг кўпчилиги раҳбар ёки масъулиятли лавозимларда фаолият олиб боришмоқда. Масалан, Шаҳноза Эргашева Инновацион ривожланиш вазирлигида, Хуршида Ҳамроқулова Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университетиди, Насиба Нишонова ва Шоира Абдуллаевалар Геология фанлари университетиди ўз меҳнат фаолиятларини давом эттиришмоқда. Устоз шу каби кўплаб шогирдлари тўғрисида ҳамиша фахрланиб, тўлқинланиб гапирадилар. Ҳеч бир киши шогирдининг бахт-саодати ва толедан устози каби хурсанд бўлмайди, қалби қувончга тўлмайди, деган фикрнинг исботини сеvimли устозимиз киёфасида кўришимиз мумкин.

Шу ўринда яна шуни алоҳида таъкидлашни хоҳлардимки, устознинг таклифларига кўра, талабалик давримизда бизга сабоқ



берган ёши улуғ устозлар билан ҳамкасб бўлиб “Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси”да бирга ишлаш бахтига муяссар бўлдим. Мана шу даврда мен Сулаймонов Мўминжон устоздан жудаям кўп нарсани ўргандим. Гарчи ўзим ҳам раҳбар лавозимларида ишлаган бўлсам-да, лекин ҳақиқий раҳбарлик салоҳияти, каттау кичик билан бирдай хушмуомала, самимий муносабатда бўлишни, ёрдам сўраб келган кишини қайтармай, қўлдан келганча кўмак беришни, ҳалол ва адолатли бўлиш каби фазилатларни устозимдан ўргандим. Устоз сийрати поклик, самимият, садоқат, меҳр-муҳаббат, хушодобу хушхулқ, бегуборлик, соддадилликка йўғрилиб кетган. Пайғамбар алайҳиссалом: “Илм дунёда азизлик – охиратда эса шарафдир”, – деб марҳамат қилганлар. Устознинг кўрсатмаларига амал қилиб, ҳозирда илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқдаман. Ҳа, менинг бундай ютуқ ва мартабаларга эришишимнинг сабаблари жуда кўп, аммо энг асосийларидан бири устозларимнинг дуоларидан деб биламан. Демак, бугун ҳар бир оқил ва фозил шогирд ўзига таълим-тарбия берган, истиқбол йўлини кўрсатган устозини йўқлаб, ўзининг ютуқлари билан устоз қалбига олам-олам қувонч ва гурур олиб киролса, ана шунинг ўзи чинакам бахтдир.

Устоз, муборак 60 ёшингиз муборак бўлсин! Бизга ҳам Сизнинг йўлингизни берсин Оллоҳим. Мен Сиз каби самимий, адолатпеша, маънавий бой, ахлоқан пок, камтарин, фидоий устознинг шогирди бўлганимдан жудаям фахрланаман ва Сизга бошим ерга теккунча таъзим қиламан!

## MEHRIBON USTOZ

**Shahlo Shermatova,**

Chortoq tuman xalq ta'limi bo'limiga qarashli  
13-umumiy o'rta ta'lim maktabi ma'naviy-ma'rifiy  
ishlar bo'yicha direktor o'rinbosari

Dunyoda shunday kasb egalari borki, ular bilan dunyo munavvar, olam charog'ondir. Ular ustozlardir. Xalqimizda “Ustoz otangdek ulug'” degan purma'no so'zlar bekorga aytilmagan. Chunki ular o'z shogirdlari nazarida buyuk bir inson, yo'lchi yulduz, jonkuyar murabbiy hisoblanadi. Hazrat Alisher Navoiy aytganlaridek:


Kim senga bir harf o'qitmish ranjila,  
Aylamak bo'lmas ado oning haqin yuz ganjila.



Darhaqiqat, ustozlarni qanchalik e'zozlasak, shuncha *oz. 1977* shogirdlar ular oldidagi qarzimizni uzishimiz oson emas. Yurtimizda ustoz degan muqaddas nomni ardoqlab, uni sharatlab *kelayotgan* ustozlarimizning borligi bizning baxtimiz. Ana shunday ustozlardan biri NamDU adabiyotshunoslik kafedrasini mudiri, filologiya fanlari nomzodi, dotsent Mo'minjon Sulaymonovdir. Men ustozni maktabda o'qiyotgan paytimdan beri yaxshi bilaman. Ustoz bizga o'zbek tili va adabiyoti fanidan dars berganlar. Men ham juda ko'p shogirdlar qatori ustozimizga havas qilib, o'zbek tili va adabiyoti fani o'qituvchisi bo'ldim. Qachon qaramang, ustoz bizdan hech qachon o'z yordamlarini, bilimlarini ayamadilar. Ular har bir shogirdlarini o'z iqtidoriga, salohiyatiga qarab yondashib, kelajakda ularni yaxshi inson bo'lib yetishishlariga sababchi bo'ldilar. Ayniqsa, ustoz kutubxonalarini doimo shogirdlar bilan gavjum. Eng nodir kitoblarni ustoz kutubxonasidan topamiz. Hozirgi kunda ustoz shogirdlarining son-sanog'i yo'qligi hech kimga sir emas.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021-yil 26-martdagi "Ma'naviy-ma'rifiy ishlar tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi 5040-sonli qarori ijrosini ta'minlash yuzasidan umumiy o'rta ta'lim muassasalarida ijodiy-madaniy masalalar bo'yicha targ'ibotchi lavozimi joriy etildi. Shu jumladan, bizning Chortoq tumanidagi 13-umumiy o'rta ta'lim maktabida ham bu lavozim joriy etilib, ustozimiz Mo'minjon Sulaymonovning shu lavozimga tayinlanishi biz shogirdlarni juda xursand qildi. Chunki ustoz bilan hamkorlikda ish olib borish hamma uchun samarali va foydali bo'ldi. Maktabning to'qson foiz o'qituvchilari Mo'minjon Sulaymonovning shogirdlari hisoblanadi. Ijodiy-madaniy masalalar bo'yicha targ'ibotchi sifatida ustoz maktabning barcha o'quvchilari bilan samimiy til topisha oldilar. Yosh avlodning ma'naviy dunyosini boyitib, kitob va ilmga bo'lgan qiziqishini oshirishda ustozning hissalarini katta bo'ldi. Yoshlarimiz ongiga salbiy ta'sir etuvchi, ularni g'oyaviy jihatdan qaram etishga yo'naltiradigan harakatlarga qarshi samarali kurash olib borish hamda irodali, fidoyi, vatanparvar, o'z mustaqil fikriga ega avlodni tarbiyalashga qaratilgan ma'naviy-ma'rifiy tadbirlar uyushtirdi. Maktab kutubxonasiga 200 dan ortiq badiiy va ilmiy kitoblar sovg'a qildi. Har hafta bitta sinfdagi ijodiy uchrashuv o'tkazib, o'quvchilarning ijodiy qobiliyatlarini rivojlantirishga, kelajakdagi kasbiy intilishlarini to'g'ri yo'lga yo'naltirishga harakat qildi. Yaxshi va iqtidorli o'quvchilarni rag'batlantirish maqsadida maktabda stipendiya tashkil qildi. Har chorakda eng a'lochi va iqtidorli





o'quvchilarni rag'batlantirib bordi. Ustozning bu xayrli ishlari biz yoshlar uchun ibrat maktabi bo'ldi. Ustozning sa'yi harakatlari bilan maktabimiz o'quvchilari "5 tashabbus kitob bilan", "Yosh kitobxon", "Eng yaxshi kitobxon o'quvchi", "Eng yaxshi ijodkor o'quvchi" tanlovlarida faol qatnashmoqdalar. Biz ustozga bundan keyingi faoliyatlarida kuch-quvvat, ijodiy muvaffaqiyatlar tilaymiz.

## EHTIROM

**Gulnoza Xoldorova,**  
NamDU 2-bosqich magistranti

Dunyoning dunyoligi, ro'yi zaminning barpo ekanligi, avlodlar davomiyligining birgina sababi bordek go'yo. Tangri taolo ona zaminimizga nabototi hayvonotni tuhfa etganida yaxshilik urug'ini ham sochib qo'ygan. Aslida yaxshilar borligi uchun olam uyining ustuni tik. Tinchligimiz, osmonimiz musaffoligi yaxshilik borligidan, yaxshi odamlarning bir samo ostida umrguzaronlik qilayotganidan dalolat.

Ustozim, bugungi muborak kun qahramoni, Mo'minjon Sulaymonovning har qanday ilmiy unvonlaridan buyukroq unvonlari bor: Mening utozim, avvalo, **YAXSHI ODAM!**

Universitetga endi qabul qilingan 1-kurs paytlarim edi... O'z oldimga katta-katta maqsadlar qo'ygandim... Ilmiy ish qilish, maqolalar yozish kabi rejalarim bor edi... Bu rejalar, maqsadlar meni shu **YAXSHI INSON** – ustozimga yetakladi. 1-semestr davomida ustozimizni, odatda, faqat ma'ruza mashg'ulotlarida ko'rardik. Domlanning salobatlaridanmi, ilmlarining ulug'ligidanmi, bu xususda gapirishga hayiqar, iymanar edik. Aslida domla juda samimiy inson ekanliklarini, hamma talabani o'z farzandlaridek ko'rishlarini, qarshilarida turgan insonning, xoh u katta bo'lsin, xoh kichik, fikrlarini hurmat qilishlarini birinchi suhbatimizdayoq his qilganman.

O'sha yili viloyatimizdagi "Repetitor" gazetasi tahririyati bilan uchrashuv bo'ldi. Uchrashuvda ustozimiz hamma talabalardan test tizimi, qabul imtihonlari, darsliklar masalasi haqida fikrlarini yozishni so'radilar. Birinchi maqolam shu tarzda yozildi. Uning birinchi o'quvchisi ham, tahrirchisi ham Mo'minjon Sulaymonov edilar.

Yozilajak har bir ishimga ustozim turki bo'lganlar. Har bir mavzuga alohida yondashishimni istardilar, to'g'risini aytsam, maqolalarimning o'zagi, asosi bo'lgan fikrlar domlanning qarashlari bo'lgan.

Ba'zida to'rt-besh daqiqalik suhbatlarni o'zidayoq bir nechta yangi loyihalarning tarxini chizib berganlar.

Keyinroq "Shavq dostoni sharhiga doir mo'jaz tadqiqot" ilmiy maqolalar to'plamim, "Charli va shokolad fabrikasi", "Yo'qolgan tanga mojarosi" asarlarini ingliz tilidan tarjima qildim.

Hozirgacha hayratlanaman: olim odam oddiy talabaning yuz bet, ikki yuz bet yozganlarini o'qishga qanday vaqt topganiga, qunt qilib, erinmasdan o'qiganiga. O'qib ko'rishni-da o'ziga ep ko'rmaydigan ustozlar haqida eshitsam, ustozimning odamiylklari oldida ta'zim qilgim keladi.

Yozganlarimning har birida sizning dil nigohingiz, nashr qilingan har bir ishimda sizning ko'z nurlaringiz bor ustoz! Mehribon Tangrim sizni yaratgani uchun, Sizni menga USTOZ qilib yo'llagani uchun shukur!

Borligingiz barchamiz uchun baxt, ishlaringiz biz uchun maktab, fikrlaringiz yangi yozilajak ishlarimiz uchun tamal toshidir. Muborak oltmish yoshingiz bilan qutlayman! Bir mashhur qo'shiqning satrlari beixtiyor yodimga keldi: Oltmish yosh – bu hali yetmishning boshi, Oldinda turibdi saksonning oshi! Olloh marhamatin ayamasin hech, Yuzga kirib yuring oilaboshi!

## УСТОЗ РОЗИ БЎЛСА...


**Н. Сайдахмедова,**

НамДУ ўзбек адабиётшунослиги кафедраси ўқитувчиси

Устоз – отангдан улуғ, устоз қадами кутлуғ,  
Устознинг ҳар каломи илму ҳикматга тўлуғ,  
Устознинг дили равшан, устоз макони ёруғ,  
Униб чиқар, албатта, устоз ташлаган уруғ,  
Устоз қадами кутлуғ, устоз – отангдан улуғ!

Ҳар қандай иродали одамни ҳам биргина бола тарбияси чарчатади. Муаллим бу каби ҳолларда юз чандон машаққат чекади. Шу жиҳаттан олганда, болаларда унинг ҳақи кўп; агар шогирд улғайгач, подшоҳлик мартабасига эришса ҳам ўз муаллимига қуллуқ қилса арзийди. Бинобарин, шогирд шайх ул-ислом ва қозилик даржасига кўтарилганда ҳам устози ундан рози бўлса, тангри ҳам рози бўлади<sup>4</sup>. Устоз, улар миллатни улуғликка етаклайдилар,

<sup>4</sup>Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. – Б.28.



инсонни етук қиладилар ва дунёни яхши томонга ўзгартирадилар. Айнан устозлар қалам қиличдан муҳимроқ эканлигини ўргатади. Улар жамиятда ҳурматга сазовордир, устоз инсонларнинг турмуш даражасини оширади. Улар одамни тарбиялайди ва инсоний фазилатларни ўргатади, яхши жамият қуришга ҳисса қўшади. Инсон орзусига ҳали етмаган...”. Халқимизнинг атоқли ва ардоқли шоири Абдулла Орипов шеърларидан бири айни шу сатрлар билан яқунланади. Дарҳақиқат, одамзод комил бўла олгани йўқ. Дунё ҳам мукамал эмас, бир кам... Лекин ҳаётда одам болаларига хос жуда кўп фазилатларни ўзида мужассам этган мунаввар инсонлар ҳам учрайдики, уларга ҳавас қилмасликнинг иложи йўқ. Оддий ўқитувчидан 1996 йил “Ҳофиз Хоразмий ва ўзбек лирик шеъриятининг ривожини” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилганлар ва доцент даражасигача бўлган машаққатли йўлни тинимсиз меҳнат, сабр-тоқат, матонат, уйқусизлик, тунларни кунларга улаш (устознинг таъбири билан айтганда: ўйин-кулгу, тугилган кун, тўй ҳашамлардан воз кечиш) билан маълум чўққиларни забт эта олган, ўрганган билимларини сабот билан талабаларга, шогирдларга етказиш, уни тарғиб қилиш йўлида бутун борлигини сарфлаётган, юксак инсоний фазилатлар эгаси, илму амалда баркамол устозимиз, Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси мудир, филолология фанлари номзоди, доцент Мўминжон Сулаймоновни ана шундай ҳавас ва ҳайратга муносиб инсонлардан бири, деб биламан. Устознинг табиатида илм билан ҳилм, раҳбарлик билан одамийлик фазилатлари шу даражада уйғунлашганки, бундай мутаносиблик камдан-кам кишида учрайди.

Улар адолатли, ҳалол, бошқаларнинг фикрини ҳурмат қила биладиган бағрикенг раҳбар сифатида ҳам барчага ўрнақдирлар. Каттага ҳурматни, кичикка иззатни жойига қўядиган чинакам инсон. Эътиборли жиҳати шундаки, домла ўзини шундай тутишга махсус ҳаракат қилмайди, ҳаммаси табиий кечади. Умуман, у одам ёки олим ва раҳбар сифатида ҳам расмиятчиликдан, сохталикдан, таъмадан, риёдан миллион-миллион чақирим узоқда. У киши вақтнинг қадрига етадиган, бир лаҳзасини ҳам беҳуда ўтказмасликка ҳаракат қиладиган инсон. Шунинг учун ҳам тасаввуримда у кишининг ҳаёт тарзида умрнинг “номуносиб” лаҳзалари йўқдек. Менимча, бу хислат устозга берилган Аллоҳнинг инояти бўлиши

билан бирга оиладаги зиёли мухитнинг, конидаги инсонийликнинг юзага чиқишидир.

Ҳазрат Навоий айтганларидек, “Яхши хотин – оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Ҳуснли бўлса – кўнгил ёзиғи, хушмуомала бўлса – жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзғорда тартиб-интизом бўлади, асбоб анжомлар покиза ва саранжом туради”. Бу борада устоз омади чопган, бошига бахт қуши қунган инсон ҳисобланадилар. Оиланинг фариштаси, уйнинг нури, файз ва баракоти Эътиборхон опа Ғойиббоева устозимизнинг ҳаёт йўлида сирдош, ошкора ва пинҳоний онларда ҳамнафас, илм йўлида қўмақдош, баъзан хасталик пайтларида жони ҳалак, оиланинг чароғбони, устуни бўлиб фарзандни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказиб, таълим-тарбия бериб, ўқитиб, касб-хунарли қилишда ота-оналик меҳрини бериб келишмоқда. Улар биргаликда кўплаб илмий мақолалар, китоб, қўлланмаларга муаллифлик қилишган. Жумладан, “Ёзув малакаларини такомиллаштириш усуллари”, “Шарқ аёлининг васфи”, “Alisher Navoiy boshlang'ich sinflar sahnasida” ва бошқалар.

Қолаверса, биз, шогирдлар эришаётган кичик ва катта ютуқларимиз, қўлга киритаётган ғалабаларимизда устознинг ҳиссаси катта. Шу сабаб, уларни мудом шарафлаймиз, ардоқлагимиз келади, чунки, устоз ва муаллимга ўзни камтар тутиб, хокисор бўлиш нажот эшиги, илм таҳсил қилишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Динимиз шунга буюради, шунга ўргатади.

Сўзимиз бошида айтганимиз, устоз Абдулла Ориф айтмоқчи, инсон барча орзуларига эришмоғи маҳол. Балки бунинг имкони ҳам йўқдир... Лекин инсоннинг инсонлиги ёки олимнинг олимлиги унинг эзгу фазилатлари ҳамда илмига ҳаётда амал қила олиши даражасига кўра белгиланади. Мўминжон Сулаймонов одамийликнинг барча хусусиятларини ўзида мужассам этган ҳазрати инсон, табиатида Тангри таоло ҳаммага ҳам бирдай ато этавермайдиган илм ва ҳилмни уйғунлаштира олган ҳақиқий олим. Қадрли устоз! Табаррук ёшингиз билан муборакбод этамиз. Ҳар бир кунингиз хайрли ишларга тўлиқ бўлсин. Ҳалол меҳнат билан олиб бораётган илмий изланишларингиз, орзу-истакларингиз ҳеч қандай қийинчиликларсиз ва тўсиқсиз рўёбга чиқсин! Соғлик, омад, ишончли дўстлар, садоқатли шогирдлар умр бўйи ҳамроҳ бўлсин. Сиз қўл урган барча хайрли ишлар муваффақият чўққиларини забт этсин!

---

## SIZ DOIM ARDOG'IMIZDASIZ, AZIZ USTOZ!

*Tobarova Ra'no Axmadjonovna,*

Namangan viloyati Yangiqo'rg'on tumani  
10-IDUM oliy toifali o'zbek tili va adabiyoti  
fani o'qituvchisi. Xalq ta'limi a'lochisi.

Ustoz, muallim, o'qituvchi! Uning shogirdlariga qilayotgan ezgu ishini, oq ko'nglini, sabr-toqatini ta'riflash uchun bu dunyodagi so'zlar yetmaydi, go'yo. Ustoz tufayli biz komillik sari ilk qadamlarni qo'yamiz, oq-qorani ajratishni o'rganamiz, bu hayotning o'nqir-cho'nqirlarida yurishni o'rganamiz. Ustoz bizning sirdoshimiz, suyab turadigan ustunimiz bo'lib, bizni ilm cho'qqilari sari yetaklaydi. Bizning yutuqlarimizdan bizdan-da quvonadigan, kamchiliklarimizni xolisona tuzatadigan, agar qiynalib qolsak, kuyunchagimizga aylanadigan zotdir. Ba'zida biz uchun qilgan yaxshiliklarini unutib qo'yib, hatto holidan xabar olishga, bir og'iz yaxshi so'z aytishga vaqt topa olmaymiz. Hech nimaga qaramay, bizning kamolimizni ko'rishni istaydigan, bizni duo qiladigan aziz inson ham ustoz-muallimdir.

USTOZ, O'QITUVCHI, MURABBIY! Bu so'zlar zamirida, o'z hayotini ta'lim-tarbiyaga baxshida etgan fidoyi insonda olam-olam ma'no mujassam: barchaning ma'naviy ota-onasi; ilm-u ma'rifatga yo'llovchi, ziyo tarqatuvchi; eng yaqin do'st va yo'l ko'rsatuvchi; mehr va odamiylik bulog'i; o'z sohasining zukko bilimdoni; adolat va haqiqat mezon. Ustozlar hurmatga, qilgan xizmatlari esa tahsinga sazovordir.

Ana shunday e'tirofga sazovor ustozlardan biri filologiya fanlari nomzodi, dotsent Mo'minjon Sulaymonovdir. Ustoz bizga 1999-yilda Namangan davlat universiteti filologiya fakultetida guruh rahbari etib tayinlandilar. 4 yil davomida otamiz o'niga ota bo'lib bizga ta'lim-tarbiya berdilar. Guruhimiz bilan birga ustoz bergan bilim, ta'lim-tarbiya orqali hozirda barchamiz turli hududlarda o'quvchilarga dars berib kelmoqdamiz. Ustozdan olgan saboqlarimiz har kuni har daqiqa bizga dasturilamal bo'lib xizmat qilmoqda. O'qituvchilikning mashaqqatlarini biz ham his qilmoqdamiz.

Ustoz haqida so'z yuritar ekanman, Iskandar Zulqarnayn to'g'risidagi hikoya yodimga tushdi. U ishgo'ol qilgan yurtining taxtiga birinchi bo'lib ustozini o'tkazar ekan. Bir kuni undan: "Nima uchun bunday qilasiz?" deb so'rashganda: "Ota-onam tug'ilishimga, ustozim esa yuksalishimga sababchi bo'lganlar", degan ekan. Poshshaxo'ja ham

ustozlarning mehnatisiz hech kim yuksala olmasligini aytib, Iskandarning o'z ustoziga bo'lgan hurmatini keltirib o'tgan:

*Hech kim ustozsiz topmas jahonda izzu joh,  
Nechakim hashmat bila Iskandari davron erur.*

Darhaqiqat, biz erishgan har bir yutuqda ustozlarimizning hissalarini mavjud.

Ilm olish va uni tarqatish yuksak savobli ish ekani to'g'risida Qur'oni Karimda, hadisi sharifda ko'plab oyat va hadislar kelgan. Shulardan birida Payg'ambarimiz (s.a.v.) ilm tarqatuvchilarga, ya'ni ustozlarga shunday ta'rif berib, ular erishadigan savoblarning juda katta ekani haqida quyidagicha bayon qilganlar.

Imom Bayhaqiy va Abu Ya'lolar Anas ibn Molik (r.a.) rivoyat qilgan hadisda Payg'ambarimiz (s.a.v.): "Sizlarga sahiylar sahiysining xabarini beraymi? Sahiylarning sahiysi Allohdir. Men odam bolasining eng sahiysiman. Mendan keyin sizdan eng sahiyingiz, ilm o'rganib, ilmini tarqatgan odamdir. U qiyomat kuni yolg'iz o'zi bir ummat bo'lgan holida tiriltiriladi", deganlar. Albatta, ustozlar mana shunday yuksak mukofotlarga loyiq zotlardir.

*Ustozim, Mo'minjon Sulaymonov!*

Yurtimiz kelajagi bo'lgan navqiron avlod vakillariga ta'lim-tarbiya berish kabi mashaqqatli va sharaflil ishlaringizda Yaratgan sizga kuch-g'ayrat, salomatlik, umrboqiylik va baxtli hayot nasib etsin. Shijoat va matonat hech qachon sizni tark tmasin. Hamisha shogirdlar ardog'ida yurishni, bosib o'tgan hayot yo'lingizning har bir lahzasi asrlarga tatigulik bo'lishini tilayman.


Siz doimo ardog'imizdasiz, aziz ustoz!

## ENG OLIY TUHFA

**Tashtanova Gulnora,**

Namangan viloyati Yangiqo'rg'on tumani  
10-IDUM ona tili va adabiyoti fani o'qituvchisi

Bunga ancha yillar bo'ldi. Kutilmaganda anchadan buyon uchrashmagan dugonamni ko'rib qoldim. U dars olish uchun ketayotgani va meni ham birga borib kelishimni iltimos qildi. Men onam buyurgan uy ishlarini bajarayotgan edim, dugonamning iltimosini yerda qoldirmaslik uchun unga hamroh bo'ldim. Biz qishloqdagi maktabga kirib bordik. Qandaydir hayajonda u bilan darsga kirdim. Shu yerda men




ustozimni birinchi marta ko'rdim. Ustozim shunday dars o'tardiki, uning har bir so'zi meni sehrlab boraverdi, ustozimning qo'lidan tutish istagi menga tinchlik bermadi. Dugonam bilan uyga ketyapman-u, xayolim ustozimda edi...

Sulaymonov Mo'minjon Yusufjanovich 1962 yil Namangan viloyati Chortoq tumani Guldirov qishlog'ida tavallud topgan. Domlani nafaqat chortoqliklar, balki yangiqo'rg'onliklar ham yaxshi ustoz sifatida taniydilar. Ustozimizning shogirdlari bugungi kunda viloyatimizning barcha maktab va litseylarida yoshlarga ona tili va adabiyot fanidan saboq beradilar. Shu bilan birga ustozning boshqa shogirdlari hozirda siyosat, iqtisod va boshqa sohalarda faoliyat ko'rsatmoqdalar.

Ustozimning o'ziga xos jihatlari shundaki, domla har bir shogirdini o'z farzandidek qabul qilar edi. U har bir o'quvchisining kayfiyatidan tortib, oilaviy muhiti, unga oilada yaratib berilgan shart-sharoit, kundalik yumushi, sog'ligi, o'rtoqlari va maqsadlarini yaxshi bilar edi. Uning qizg'in suhbatlari o'quvchini o'ziga so'zsiz bog'lab olar, soatlab o'tilgan darslar ko'z ochib yumguncha tez o'tib ketar edi. Hayotga bog'lab o'tilgan har bir mashg'ulot go'yo meni buyuk kelajagim sari yetaklar, yangi-yangi reja va maqsadlar sari olg'a intilishimga debocha bo'lib xizmat qilar edi. Men bora-bora o'zimni ustozim o'rnida ustozdek his qilar, hatto kelajakdagi o'quvchilarimni ham yaqqol ko'ra boshlardim. Ustozim menga nafaqat fan yo'nalishidan, balki hayot saboqlaridan dars beradigan komil inson sifatida ideal bo'la oladi. Ustozimning menga bergan bilimi, qalbiga o'rnashgan har bir so'zi va o'giti hayotimda shiordek jaranglaydi.

O'sha kuni meni o'ziga hamroh bo'lishga ko'ndirgan dugonamdan bugun men juda minnatdorman. Chunki men mana shu xayrli kunda haqiqiy ma'nodagi ustozimni topgan edim. Hayotning insonlarga atab qo'ygan ne'matlari ko'p, ammo kimgadir ustoz bo'lish yoki shogird bo'lish esa, eng oliy baxtdir. Ustozning minglab shogirdlari qatorida men ham borligimdan baxtiyorman. Shunday ustozlar bor ekan, insonlarning hayot yo'li nurga burkanaveradi, bunday nurafshon yo'llar saodat manzillariga olib boradi.



## ЯҚИҲЛАР ЭҲТИРОМИ

### MAZMUNLI UMR SOHIBI

**G'oyibboyeva E'tiborxon Ahmadjonovna**  
Xalq ta'limi a'lochisi, nafaqadagi o'qituvchi

Yillar tutqich bermas qush misol qanotsiz uchadi. Lekin har bir o'tgan yillar sarhisobi inson umrini nechog'lik qimmatli ekanligi haqida hayot deb atalmish ko'zguda yaqqol namoyon bo'ladi desak, adashmagan bo'lamiz. Men umr yo'ldoshim Mo'minjon Sulaymonov domla bilan 37 yildirki birga yashab kelmoqdaman. Rafiqa sifatida aytishim lozimki, shu o'tgan yillar men uchun juda qadrli va mazmunli. Avvalom bor ularda insoniy fazilatlarining barchasini mukammal qilib berganligi bu Allohning inoyati va marhamati deb bilaman. O'tgan yillar mobaynida umr yo'ldosh sifatida har vaqt yonimda turib qo'llaganlari uchun kerak bo'lsa do'st, hayotning o'nqir – cho'nqir yo'llarida yelkadosh murabbiy deb suyana oldim. Har bir ishga ma'suliyat bilan qarash, ishning oxiriga qadar sidqidildan bajarish kabi fazilatlarini juda hurmat qilaman. Chunki, olijanob, sabr – toqatli, bardoshli, bir so'zli, sermulohaza, qat'iyatli, irodali, qobiliyatli, aqlli va uddaburon, mehnatsevar bo'lish har bir insonning bezagi ekanligini shu insonda ko'raman. Yillar davomidagi har bir ezgu ishning samarasi bunga yaqqol misoldir. Men 1987 – 1988 yillarda domla maktabda ishlab yurgan kezlarida yozilgan nomzodlik dissertatsiyasini ko'rganimda ish bilan birgalikda olib borilgan ilmiy faoliyat yakuni va ilmiy rahbar N.M.Mallayev tomonidan mukammal yozilgan ish sifatida qabul qilinishi umr yo'ldoshimning ilmiy ideal shaxs ekanligi mahsuli deb bilaman. Men domlaga bildirilgan bunday ishonchni ilmiy rahbar tomonidan aytilganini o'z qulog'im bilan eshitganman. Natan Murodovichni xursand holda: “Mo'minjon, ish yaxshi yozilgan” – deb kulimsirab aytganlari esimda. Bu domlaning ilk katta tadqiqotlariga qo'yilgan a'lo baho balki, qilinajak ezgu ishlariga Ustozning oq fotihasi edi.

Darhaqiqat, yillar bir – birini quvib otdi. Hayot quvonchlari bilan birgalikda tashvishlarni ham chetlab o'tmadi.

1988 yil domla Namangan davlat institutiga tanlov asosida ishga qabul qilindilar. Olimlar davrasidagi faoliyat bo'lajak olim uchun chinakam maktab bo'lgan desak adashmagan bo'lamiz. Chunki, olim





bo'lish uchun serqirra olimlar o'chog'ida toblanish domlaga nasib etgan. Men gohida she'r mashq qilishlari, qiziqarli hikoyalar yozishlari rahmatli ustozlari O. Nosirov hamda M.Ma'murov singari ijod sohiblari tomonidan yuqtirilgan fazilat bo'lsa kerak, deb o'ylayman. Alloh bunday insonlarga yuksak qobiliyat ato etgan. Men yillar davomida yozilgan har bir ishning ilk o'quvchisi sifatida ularga havas qilganman va qadrlaganman.

Shunday qilib yillar odimlab borar ekan, hayot darsxonasi har bir insonning zuvalasini pishitib qo'yarkan. Domla doktorlik ishini himoya qilish arafasida turibdilar. Shu bilan birga 3 nafar farzandning mehribon otasi hamda 5 nafar nabiraning sevimli bobojonisilar. Farzandlari ham ota izidan borishga bel bog'laganlar. Doimo ular shunday oilada kamol topganliklari va oliyanob insonning farzandlari bo'lganliklari uchun faxrlanishadi. Yaratgandan uzoq umr, sihat –salomatlik so'rab, tilaklari ijobat bo'lishini istaydilar.

Men umr yo'ldosh sifatida faxrlanib yashashga loyiqman deya olaman. Mana shunday barkamol inson bilan birga mazmunli hayot ato etgan Yaratganga shukur.

Mana yillar o'tib 60 yosh eshik qoqib turibdi. Lekin, yoshlikdagi shijoat domlani tark etmagan. Hozirgi kunda ham izlanishda, ishda davom etmoqdalar. Men Yaratgandan oilamiz sohibiga juda ko'p ezgu tilaklar bilan birga eng avvalo uzoq umr, tani - sihatlik ishlarida ulkan muvaffaqiyatlar tilab qolaman.

Hali sermazmun va shukuhli kunlarimiz oldinda ekan, birgalikda odimlab boraveramiz.

## **OTAMDEK AZIZ USTOZIM**

**G'oyibboyeva Mohira Ahmadjonovna,**  
ona tili va adabiyoti o'qituvchisi  
Xalq ta'limi a'lochisi

Hayotimda yorqin iz qoldirgan, ko'p va xo'b bildirgan, to'g'ri yo'lni ko'rsatgan, ilm ummoniga olib kirgan va undan bahramand bo'lishimga ko'mak bergan inson-muhtaram ustozim, filologiya fanlari nomzodi Sulaymonov Mo'minjon Yusufjonovich haqida.

Ba'zan qo'lingga qalam tutib, o'zing uchun qadrlil insonlar haqida qalbing tuhfaalarini yozmoqchi bo'lsang, go'yo so'z ham, qalam ham ojizdek bo'lib qoladi. Yuragingni tub-tubidan otilib chiqayotgan kaloming xuddi arzimasdek bo'lib tuyulaveradi. Yana so'z chamanida

---


arziguligini qidiraverasan kishi. Endi bilsam, shoirlik ham qiyin ekan. Onani, Vatanni madh etuvchi satrlar bitar ekan-u, uning mehridan ortiqrog'ini topolmas ekan. Xuddi shu ma'noda men ham ustozim e'tirofiga so'z topolmay ojiz turibman.

Bugun ustozimning 60 yoshlik tavallud kunlarida biz shogirdlarga ana shunday haddi qadridan baland, ilmparvar insonni yaratgani uchun Allohimga behisob shukronalar aytaman va ustozim haqidagi esdaliklarimni sizlar bilan bo'lishmoqchiman.

1985-yillar ...Ustozning eng navqiron, qancha-qancha shogirdlarini qanotlari ostiga olib, xuddi paloponlar misoli katta hayotga qadam qo'yishlari va o'z o'rnilarini topishlariga ko'makdosh va yelkadosh bo'layotgan damlari. Menda ham o'qituvchilik kasbiga havas ana shu ustozim tufayli uyg'ondi desam xato bo'lmaydi. Maktabni tamomladim, qalbimda orzularim limmo-lim toshib turgan paytda ustozim meni o'zlari tahsil olgan Xalqlar do'stligi ordenli Nizomiy nomidagi Toshkent davlat pedagogika instituti tomon yetakladilar.

Men ehtirom bildirgan ustozim-mehribon opajonimning umr yo'ldoshi, olima, fozila jiyanlarimning padari buzrukvori hamdir. Bu ham mening shogird sifatidagi baxtim edi. Aytish joizki, qalbi mehr ummoniga to'liq —bu qadri baland inson menga, singillarimga, aka-ukalarimga kezi kelganda aka, mehribon ota, samimiy ustoz sifatida beg'araz yordam berib keladilar. Albatta, ustozdek bo'lishni ko'nglimga tugib qo'ygan ekanman, hozir o'zim ham yaxshigina ustozga aylandim. Ustozlik faoliyatimda qanday yutuqlarga erishgan bo'lsam, barchasini ustozim bilan bo'lishaman. Akamdek qadrlı bu inson qarshisida hamisha ta'zimdaman, suhbatlariga intilaman, pand-u nasihatlarini qalbim ardog'ida tutaman. Afsonalarga ko'ra, mashhur sarkarda Iskandar Rumiyan "Nechun Arastuni otangizdan ortiq izzat qilasiz"—deb so'radilar. Iskandar Rumiyan javob berdi: "Otam go'yoki meni osmondan yerga tushirdi. Ammo ustozim Arastu meni yerdan osmonga ko'tardi. Ya'ni, otam meni dunyoga kelmog'imga sabab bo'ldi. Ustozim esa ilm va odob o'rgatib, martaba va izzatimning ortmog'iga sabab bo'ldi", - deya javob berdi.

Davr g'ildiragining aylanishini qarangki, men ustozimning birinchi shogirdlari bo'lsam, bugun ustoz qancha-qancha shogirdlarni kashf etdilar, qanchalarini yetaklab adabiyot, san'at atalmish bog'ga olib kirdilar, har birining yutug'idan quvonib, ilm-fanning sirlarini o'rgatishdan charchamayaptilar. Akademik shoir G'afur G'ulom shogirdlaridan quvonib, "Qirq farzandlik otadek quvonaman" degan ekan. Ayni damda



ustozning shogird farzandlari undan kam emas, menimcha. Men bilganlarimning o'zi allaqachon qirqtadan oshib ketgan edi. Xuddi shu ma'noda biz shogirdlar ustoz oldidagi ma'naviy qarzimizni uzolmasak kerak. Chunki ularning xonadonidagi saxiy dasturxonidan tuz tatigan, purma'no so'zlariga suhbatdosh bolgan, minglab kitoblaridan ma'naviy ozuqa olgan, kamolga erishgan shogirdlari orasida to'ng'ichi bo'lganim, men bilan birga singlim, farzandlarim, jiyalarim borligi qalbinga huzur bag'ishlaydi.

Aziz xalqimizning bir naqlida: "Sen odamlarga bir yil yaxshilik qilmoqchi bo'lsang, bug'doy ek, o'n yil yaxshilik qilmoqchi bo'lsang, daraxt ek, yuz yil yaxshilik qilmoqchi bo'lsang, ta'lim –tarbiya ber",- deyilgan. Qarangki, ana shunday yuz yillik yaxshilikni ulashish baxti qadrlil ustozimizga nasib etganligi qalbimizni faxr-iftixorga to'ldiradi.

Yaqinlariga, shogirdlariga mehr nurini, qalb-qo'rini, ta'limini, ilmini, cheksiz muhabbatini bag'ishlayotgan ustozim qarshisida hamisha qarzdorman, dunyoda neki ezgu tilaklar bo'lsa, bari-barini Sizga tilayman.

So'rdilar, dunyoda asli kim aziz,  
Aytdilar, ustozdir, ustoz begumon.  
Tag'in aytdilarki, aziz shubhasiz,  
Ustozin qadriga yetolgan inson.

## MO'JAZ QISHLOQNING MA'RIFAT UYI

G'oyibboyeva Rayhonoy Ahmadjonovna  
NamDU, filologiya fakulteti o'qituvchisi

Namangan viloyati Chortoq tumanining chekka bir hududida kichik bir qishloq bor. "Kichkina demang ,bizni ko'tarib uramiz sizni" maqoli aynan shu qishloq uchun aytilgandek. Chunki bu qishloqda atigi 437 ta xonadon bo'lib, aholisi 2322 ta ni tashkil etadi. Qishloq maktabida esa 365 nafar o'quvchi ta'lim oladi. Shu maktabni tamomlab, viloyatimizning turli jabhalarida, vatanimizning poytaxti Toshkentda, boshqa viloyatlarda o'z kasbining ustasi sifatida ishlayotgan yetuk mutaxassislar talaygina. Qishloqdan hamshiralar, vrachlar, oftalmolog, pediatr, travmatolog, urolog, farmaseftlar, o'qituvchilar, nemis, ingliz, arab, yapon, koreys tili mutaxassislari, agronomlar, injenerlar, arxitektorlar, uchuvchilar, olimlar yetishib chiqdi va bir nechta talabalar O'zbekiston va xorijiy oliy ta'lim muassasalarida tahsil olmoqdalar. Bu esa ko'krak kerib maqtanishga arzigulik natijadir. Chunki olis bir hududdagi qishloq aholisining ilmga

---

chanqoqligi, ta'lim olishga bo'lgan ishtiyoqi, ilmni, ilm ahlini qadrlashi mana shunday natijalarning samarasi emasmikin? Bunday ko'rsatkichlarga erishishda har bir qishloq fuqarosining o'z hissasi bor, albatta. Kimdir ustoz, kimdir ota, kimdir ona, kimdir aka, kimdir opa sifatida yosh avlodni tog'ri yo'lga yetaklagani boisdur, balki bularning hammasi. Biroq mening nazarimda qishloq yoshlarining qalbiga ilm urug'larini sochishda, ma'rifat ulashishda yana bir ulug' insonning kattagina xizmati borligini aytib o'tishni joiz deb bilaman.

Bu inson qishlog'imiz faxri – ustozimiz Mo'minjon Sulaymonov Yusufjonovichdir. Men bir shogird sifatida ustozimning birgina qirrasida haqida so'z ochmoqchiman. Ustozimning xonadonlari o'sha kichkinagina Guldirov qishlog'ining markaziy ko'chasida joylashgan. Mo'jazgina xonadonga kirib borsangiz, o'zgacha fayz va iliqlikni his qilasiz. Bu ham bo'lsa "Kutubxona" deb ataladigan bir xonadan taralayotgan ilm nurlari bois bo'lsa ajabmas. Bu xonaga ilmga chanqoq qishloq yoshlari tashrifining keti uzilmaydi. Ustoz kutubxonasi juda boy va rang-barangdir. Chunki u yerda jahon adabiyotining "bestseller" asarlari, o'zbek mumtoz adabiyotining eng sara durdonalari, bolalar adabiyotining sehrli namunalari, ertaklar-u ensiklopediyalar, ilmiy-metodik qo'llanmalar, lug'atlar, noyob jurnallar va turli xil qo'llanmalar borki, xullas, nimani izlasangiz, topasiz, bo'sh qo'l bilan qaytmaysiz. Kutubxonada 5 mingtadan ziyod kitoblar mavjud.



**Mo'minjon Sulaymonovning shaxsiy kutubxonasi**

---

Kitoblar tokchalarga shunday joylashtirilganki, izlagan kitobingizni topishga sira qiynalmaysiz. Chunki kutubxonachi opamiz, ya'ni ustozimning rafiqalari E'tiborxon opa, kitoblarni mavzulashtirilgan holda tokchalarga joylashtirganlar. Goho kitob olishga kelgan kitobxon o'quvchilar kech bo'lganini ham payqamay qoladilar. Boiski, kitoblardagi sehrli so'zlar go'yo ularni o'ziga rom qilgandek. Bu ma'rifat uyidan taralayotgan ziyo nurlari ne-ne yoshlar qalbini to'lqinlantirmadi, ilm cho'qqilarini zabt etishga bo'lgan ishtiyoqlarini oshirmadi, hayotda o'z o'rmini topishga bo'lgan harakatlarini junbishga keltirmadi, deysiz. Kitobxonlar dunyoqarashining o'sishi, hayotga teran ko'z bilan boqish, oqni qoradan ajratish, vatanparvarlik, vafodorlik, mehr-muhabbat, sadoqat, o'zligini anglash kabi tuyg'ularning shakllanishi ham ana shu ma'rifat nurlari tufaylidir.



**Mo'minjon Sulaymonovning rafiqalari E'tiborxon opa olim kutubxonasining saranjom xodimasi**

Har bir inson dunyoga kelar ekan umri davomida o'zidan nimadir qoldirib ketadi. Kimdandir yaxshi nom, kimdandir yomon, nima

bo'lganda ham eslashga arzigulik nom qoldirish hammaga ham nasib etavermaydi. Ana shunday ezgu nomga muyassar bo'lish, bizning ustozga nasib etgan desak, mubolag'a emas. Ustoz faoliyatlari davomida hech bir javohirga almashib bo'lmaydigan bir xazina yig'dilarki, bu xazina yosh kitobxonlar qalbini ilm-ma'rifat va ma'naviyat sarchashmalari bilan bahramand etib kelmoqda. Bu oltindan-da qimmat hisoblanadigan boylik hali ko'p qishloq yoshlarining ilmga tashna qalblarini qondiruvchi ma'naviyat chashmasi bo'lib qolsa, ne ajab.

## БУЗРУКВОРИМ

Хулкар СУЛАЙМОНОВА,

Тошкент давлат шарқшунослик университети ўқитувчиси,  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

### Дадажоним таърифида...

Дадам десам, кўз ўнгимда барглари ям-яшил, баъзи шохларидаги мевалари пишиб етилган, баъзилари энди ола томир бўлаётган, айрим шохларида ҳали гул гунча очаётган, илдизи эса она ернинг таг томирига бориб туташган салобатли дарахт гавдаланади. Бу азим дарахтни не-не бўронлар кўпоролмаган, шамоллар синдира олмаган. Қуёш эса нурларини аямай сочган унинг устидан... Аёзли қиш унинг вужудини музлатгандир, аммо томиридаги, илдизидаги ҳаётбахшликка путур етказолмаган. Дўллар унинг бағридаги меваларига зарар берса-да, ҳосилини пишириб такомилга етказолган дарахт... Айрим каслар меваларининг мазасини тотмоқ илинжида тош отса ҳам чидаган, аксинча, ҳавас ва меҳр ила қўл чўзганларга табассум билан ҳосилидан улашган саҳий дарахт. Гоҳо у ичар сувларнинг йўлларини ёпиб, ташналикка кўнарми, деганларнинг фитналарига парво қилмай, Яратгандан умид билан илтижо қилган ёмғирида чанқоғини қондирган ва гуркираган дарахт.

Ҳа, мен дадамни ҳар доим шундай тасаввур қилганман аклимни таниганимдан то ҳозиргача... Ҳаётимдаги ўрнини ҳеч ким боса олмайдиган бу мўътабар инсон хусусида айтар сўзларим жуда кўп.

Дадам кўпинча кечки овқатдан кейин оталари – Юсуфжон бобом ва оналари – Фотимахон бувимдан, кекса ҳамқишлоқлардан ўтган аждодлари ҳақида эшитганларини кизикарли тарзда ҳикоя қилиб берар эдилар. Дадамнинг боболари Сулаймон



бобокалонимизнинг оталари мулла Бўта домла ҳақидаги ҳикоялари энг қизиқлари бўларди. Катта бобокалонимиз мулла Бўта домла Қўқон ва Бухоро мадрасаларида хатми кутуб қилган илмли киши бўлган эканлар. Келажакда авлодларимиз олим бўлади, дер эканлар. Жуда кўп айтганлари ҳаётда амалга ошган экан. Ерларнинг темир аравада ҳайдалиши, темир қушларнинг осмонда учиши, ғайридиннинг расми турган уйда мактаб бўлишини айтганларида кўпчилик ишонмаган экан. Шўроларни енгиб бўлмаслиги, уларга қарши курашганлар енгилиши, дунё давлатлари ўзаро урушганда ҳам шўроларнинг ғалаба қилиши, бу давлат ичидан бузилиши ҳақида башорат қилган эканлар. У киши 1924 йилда вафот этган. Бундан ташқари кўплаб ажойиб фазилатлари бўлганлигини ҳам ҳамқишлоқлар гапириб юришган. Кураги ерга тегмаган полвон, эпчил улоқчи, мерган овчи бўлганликлари ҳаммамизни ҳайратга солар эди. 40 ёшгача курашга тушиб, бирор марта ҳам енгилмаганликлари, улоқчи отлари карнай товушини эшитган заҳоти отхонадан кишнаб чиққанлиги сабабли боғлиқ турмаганини эшитиш завқли эди биз учун.

Фотима бувижонимизнинг ота-оналари иккинчи жаҳон уруши даврида эрта оламини тарк этганликлари учун мактабда ўқий олмаган бўлсалар ҳам ҳар гапларида мақолларни қўшиб сўзлаганликлари, жуда кўп халқ қўшиқларини ёд билганликлари ҳақидаги ҳикоялардан олам-олам ҳузур туярдик ўшанда. Балки мендаги шеърга меҳр Фотима бувижонимдан ўтган бўлса, не ажаб.

Мўъжазгини қишлоғимиз Гулдировнинг фаҳри, ғурури бўлган Садамозор зиёратгоҳи, қадимги сув иншоотлари – биз қудук деб атайдиган коризлар, шифобахш булоқлар, тошлар орасидан шилдираб оқувчи, сойлар орасидан қайнаб чиқувчи булоқлар, ғаройиб табиатли ҳамқишлоқларимиз ҳақидаги ҳикояларини тинглаш гоят мароқли эди-да. Ана шу ҳикоялар натижаси ўларок “Гулдиров қишлоғи” китобчамиз дунёга келган.

Яқин келажакда дадажонимнинг кўпчиликка намуна бўла оладиган ҳаёт йўллари, илмий, ижодий фаолиятлари ҳақида ҳикоя қилажак муҳташам бир китобнинг муаллифи бўлишимни ният қилиб, ана шу китобдан ўрин олувчи айрим лавҳаларни эътиборингизга ҳавола этсам.

### Илк Устозим...


Беш ёшимда мактабга чиқдим. Ўша вақтда мен крилл алифбоси билан бирга эски ўзбек алифбоси (араб имлосидаги) дан ҳам хабардор эдим. Дадамнинг кўлимдан тутиб ёзишни ўргатганлари, қора қалам билан ёзиб берган ҳарф ва сўзларининг устидан ручкада ёзиб ўрганганларим ҳануз эсимда. Яна акам билан эртақ ёки ҳикоя эшитиш илинжида, дадам ишдан қайтишларини кутиб, гоҳо ярим тунгача ухламай ўтирганларимизни ҳам соғинч билан эслайман. Дадамнинг уйга келишлари ҳаммамиз учун байрам эди. Кунлари қандай ўтганидан, чарчаган ёки кайфиятлари яхшими, ёмонлигидан қатъий назар дадам биз учун, бизнинг келажагимиз, энг асосийси кўнглимиз учун вақт ажратардилар. Биз учун байрамларда энг яхши совға китоб бўларди. Дадам бирор иш билан пойтахтга кетсалар, қандай янги китоблар олиб келар эканлар, дея илҳақ кутардик. Айнан дадамнинг ташаббуслари, сайъи ҳаракатлари билан биз фарзандлар илмсевар бўлдик болалиқдан.

Кимдир мол дунё, кимдир мансабу обрў, кимдир дабдабаю хашамат талабида бўлган бу дунёда фақат ИЛМ талабида, ҳақиқат йўлида бўлган инсоннинг фарзанди эканимдан фахрланаман, Аллоҳга беҳисоб шукрлар дейман.

Ўн саккиз ёшимда илм талабида ота уйимни тарк этдим. Шундан буён бу кадрдон гўшага санокли кунларгагина меҳмонга бораман, холос. Баъзан шундай соғинч бўладик, таърифлаш кийин... Энг кўп соғинадиганим эса дадажоним. Ўтган йиллар давомида ҳаётимнинг ҳар жабҳасида, илм, ижод, ўқиш, турмуш бўладими, барида ҳар қадамимни худдики ёнимда дадам кузатиб турганларидай ташладим. Ҳар сафар бирор нарса ёзиш учун иш столимга ўтирсам, шундай рўпарамда дадажонимнинг қатъиятли ва ишонч тўла нигоҳлари пайдо бўлади. “Асарим” рисоладагидек ёзилаётган бўлса, хотиржам нигоҳ, саёзлашган жойларда эса бироз тундлашган нигоҳ чалинади кўзимга ва дарров ўзимга келаман, ислоҳ қиламан ёзганларимни. Дадамдан ижобий тақриз олган ҳар бир ишим муваффақиятли натижаларни олиб келади.

Мен дадажонимдан илмда, иш фаолиятда жуда кўп нарсаларни ўзлаштиришга ҳаракат қиламан. Ҳалоллик, меҳнатсеварлик, сабр-матонат, самимийлик, мардлик, зийраклик... санасам адоғи йўқ бу хислатларнинг. Аммо дадамдан юққан бир кучли ҳис борки, усиз мен ўз табиатимни тасаввур қилолмайман. Бу УМИД, янаям





аниқроқ айтсам, интилувчанлик, енгилмаслик ҳисси. Дадам энг коронғу тунда, қоп-қора булутли осмондан ҳам кичкинагина милтиллаган юлдузни топа оладилар. Ҳеч бир муаммони интиҳо деб қабул қилмайдилар. Ҳамма эшиқлар ёпилганда, режалар барбод бўлганда, ҳаммаси тугади деганда ҳам дадамда умид сўнмайди, теран ечим ҳеч ким ўйламаган, кутмаган вақтда пайдо бўлади ва натижада шу энг тўғри йўл бўлиб чиқади. Улар бирор нарса юзасидан биз фарзандларига кўп насиҳат қилмайдилар, аксинча, намуна бўладилар, биз улардан ўрнак олиб ўрганамиз. Бу жуда самарали тарбия усули эканини ўзим фарзандли бўлгач, яна ҳам чуқурроқ англадим.

### Жонкуяр оилабоши...

Жуда кўп ўйлайман, дадам охират кунда ота-онасини рози қилганларнинг, қариндош-уруғ, кўни-кўшни ва бошқа жигарларига силаи раҳм кўрсатганларнинг энг олдинги сафларида турсалар керак деб. ИншаАллоҳ, шундай бўлсин! Дадам гарчи оналаридан, кейин оталаридан эрта айрилган бўлсалар-да, бирорта ука ёки сингилларига етимлик мусибатини билдирмасликка ҳаракат қилганлар. Бу йўлда на молларини, на вақтларини аямадилар. Ана шу меҳнатлар эвазига бугун аҳил, иноқ, бир-бирини ҳамиша қўллаб-қувватлашга тайёр, ҳавас қилса арзигулик каттагина оилага бош бўлиб турибдилар.

Оила тинчлиги дадам учун ҳар доим ҳамма нарсадан устун бўлган.

– Уйингда хотиржамлик бўлса, ишингда унум, барака бўлади, – дейдилар. Бу инкор этиб бўлмас ҳақиқат эканини ўзим оилали бўлгандан кейин янаям теранроқ тушундим.

Мен туғилиб ўсган оила тотувлигининг сири ота-онамни жудаям катта меҳр, ўзаро ишонч, ҳурмат ва масъулият боғлаб турганлигидир. Турмушда севги-муҳаббат деганларининг ҳам кучи бордир балки, лекин дадам онамни меҳр билан “хоним”, “хоним афанди”, “онаси” деб гапирганларида онажонимнинг юзларидан таралган нур бутун оламни ёритгандай туюлади, назаримда. Кўнгил изҳорига бундай самимий далил ва намуна бўлмаса керак, деб ўйлайман.

### Тилагим...

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам айтдилар: -Исро кечаси менга Аллоҳ таоло айтди: – Эй Муҳаммад!

Уч тоифа кишиларни улуғлашни умматингга буюргин. Улар отасини, олимни ва Куръон каримни ёд олган кишиларни эъзозласинлар. Шу уч тоифа кишиларга газаб қилишдан ва уларни хор қилишдан сақлашни ҳам айтгин. Агар улар бу тоифа кишиларни хорласалар, менинг газабим уларга шиддатли бўлади, – деб.

Бир куни олимдан устоз ва отанинг даражаси ҳақида сўрадилар. Олим киши: – Отам мени кўкдан ерга олиб тушиб, дунёга келишимга сабаб бўлган, устозим эса, менга таълим бериб, илм ўргатиб кўкка кўтарган зотдир, – деб жавоб берган экан. Юқоридага ҳадиси шариф ва олим кишининг икроридан хулоса шуки, бизнинг падари бузрукворимиз ҳам оталик, ҳам олимлик мақомидалар. ИншаАллоҳ хофизи Куръон бўлишларини ҳам насиб қилсин. Яна улар бизни кўкдан ерга олиб тушганлар, яъни бизга ҳаёт инъом этганлар ва ўз ўрнида биз учун энг биринчи муаллимдирлар. Демак, азиз Дадажоним, Сиз икки тарафлама мўътабарсиз биз учун. Бизга ҳаёт берган Отасиз ва унда қандай яшашни ўргатган Муаллимсиз! Бугун онажоним икковингиз учун Қодир Аллоҳдан “Аллоҳуммағфирлий вали валидайя ва устази”, яъни Аллоҳим мени, ота-онамни ва устозимни мағфират қилгин, дуосини ҳар доимгидан ҳам кўпроқ умид билан сўраяпмиз.

Тилагим, Аллоҳ таоло ота-онамга улар бизга кичиклигимизда меҳр кўрсатганларидек, раҳм-шафқат қилсин! Дунё ва охиратда уларнинг азиз бошларига иззат ва камолот тожини кийдиришни биз фарзандларига насиб айласин!

**Сизга чексиз меҳр ва таъзим ила қизингиз Хулкар**

## **BAG‘IRLARI JANNATIM OTAM**

**Sulaymonova Fozila Mo‘minjon qizi,  
Toshkent axborot texnologiyalari universiteti  
4-bosqich talabasi**

Ilmli, ziyoli, ma‘rifatli ota-onaning farzandi bo‘lish bu – ulkan baxt. Meni shunday go‘zal baxt bilan siylagan Allohga hamdlar bo‘lsin. Men kichkinagina chekka qishloqda, dunyodagi eng mehribon ota-onaning kenja farzandi bo‘lib dunyoga kelganman. Bu yil dadajonimning 60 yoshni qarshilashlari arafasida turganimizdan behad xursandman.

Ha, mening dadam – eng yaxshi dada! Alloh bergan dadam – hammadan mehribon dada. Aytingchi, kimning dadasi har kuni alla aytib

uxlatadi? Mening dadam. Eslyaman, qish kunlari... juda kichkina edim. Har kuni kechgi ovqatni dadamning tizzalarida o'tirib yerdim, hali ovqatim tugamay uyqum kelardi. Keyin dadamlar choponlariga o'rab olib alla aytib berardilar:

*Tilla qizim alla, pilla qizim alla,  
Oltin qizim alla, otin qizim alla,  
Olmos qizim alla, tolmas qizim, alla,*

*Shirmon qizim alla, polvon qizim, alla,* va hokazo, shu tarzda davom etardi bu shirin allalar. Shu allalar xuddi kecha eshitganday qulog'im tagida jaranglab turadi doim.

Yoz fasli, kun juda issiq. Uch yarim yoshda edim. Dadamlar menga kirill alifbosida bosma harflar bilan ona, non so'zlarini yozishni o'rgatgandilar.

– Mening ona qizim eng aziz so'zlani yozishni biladi, qani yozib qo'ying, qizim. Men aytib turaman”, – derdilar. Men tezda qog'oz, qalam olib yozishga tushardim. Dadam: – non, to'rtburchak shoti, uchburchak shoti, – derdilar, men “OHA” deb yozardim. Keyin dadam yana: – to'rtburchak shoti, non, to'rtburchak shoti, – derdilar, men “HOH” deb yozardim. Dadamlar menga “O” ni non, “H” ni to'rtburchak shoti, “A” ni uchburchak shoti, – deb o'rgatgandilar (shoti – narvonni shevamizda shunaqa aytamiz). Mendagi yozishga, o'qishga bo'lgan muhabbatni shu tarzda uyg'otgandilar. Dadam ko'p gazetaga obuna bo'lgandilar va ularni ishtiyoq bilan mutolaa qilardilar. Men esa ushbu gazetalardagi maqolalar sarlavhalarini ko'chirib yozishga ishqiboz edim. Birinchi marta “O'zbekiston adabiyoti va san'ati” gazetasini nomini ko'chirib yozganimda, dadamlar bilan oyijonim juda xursand bo'lishgandi.

Dadam – menga hisoblashni o'rgatgan ilk ustozim. Kichkinalik paytimdayoq nafaqat butun sonlar, balki kasr sonlarni ham o'rgatgandilar. Yarim, chorak nimaligini tushunishga qiynalgan vaqtim nonni ikkiga bo'lib, bu – yarim, to'rtga bo'lib bu – chorak bo'ladi, deb tushuntirgandilar. Keyin har gal oyoqlarini bosib qo'yganimda (revmatizm tufayli oyoqlari og'rigani uchun bosib qo'yamiz, odatda), qo'shish-ayirishga doir misollar berardilar. Bu men uchun juda qiziq edi.

Bolaligimdan badiiy adabiyotga mehrim boshqacha. Bu ham dadamlar sababli, albatta. Dadam ajoyib she'rlarni yodlatardilar doim, umuman, qiyinchiliksiz miyamga “quyib” qo'yardilar. She'rlarni birga xirgoyi qilardik. Ayniqsa, Iqbol Mirzoning “Zulfiya” she'rini maqomiga







Kuppa-kunduz kuni oldinda yurib eshak yo'lni yo'qotadi, ammo ot oldinda yurib tun bo'lsa-da, o'z uyini topib borishi bizni hayratga solardi. Otdan minnatdor, eshakdan esa xafa bo'lardik.

Dadamlar akam bilan opamga juda ko'p qiziqarli she'r, topishmoq, maqol o'rgatganlar. Men esa ulardan eshitib, eng avval yod olgan she'larimning muallifi Tursunboy Adashboyev bo'lgan. "Tut qoqdik", "Qovun yedik", "Tirda" kabi she'rlarni kim aytishni boshlasa, hammamiz beixtiyor qo'shilib ketardik. Hozir bu mashhur bolalar shoirining kitoblarini topish mushkulligini hisobga olib sizlarga ham ilindim. "Tut qoqdik" she'ri

*Biz yozda-chi, tut qoqdik.  
Bitta qo'ymay, but qoqdik.  
Undan shinni pishirdik.  
Bitta qo'ymay, tushirdik.  
Yoki "Qovun yedik" she'ri  
Dadam bilan birga edik,  
Kuni bilan uyda edik.  
Qovun yedik.  
Tilib-tilib, mazza qilib,  
Dadam yedi kosa qilib.  
Yoki "Tirda" she'ri  
Murod bilan birga biz,  
Borgan edik tirga biz.  
Mo'ljal olsam, mushukka,  
O'q sanchildi eshikka.  
Otib ko'rib tulkiga,  
Tegmay qoldim kulkiga.  
Doirada o'n raqam,  
Yetti-sakkiz, jo'n raqam.  
O'nga tegmay, bitta ham,  
Chetga qochar muttaham.  
Pastda qolar chizig'i,  
Ayni o'yin qizig'i,  
Tugab qoldi tangamiz,  
Bergan edi yangamiz,  
Sovun bilan g`altakka,  
Qolar bo'ldik kaltakka.*





Dadam menga doim yetarlicha ishonch, motivatsiya berganlar va tanlovlarimni qo'llab-quvvatlaydilar. Ilm olishga chorlaydilar. Bizga hayot ilmini o'rgatadilar, har sohada namuna bo'la oladilar. Amakilarim va ammalarimga, hatto xolalarim va tog'alarimga ham o'z jigarlariday mehribonliklari, ularning har bir ishida bosh-qosh bo'lishlari, muhtojlarga yordam berishlari, ilm yo'lida yurganlarga yordamlarini hech qachon ayamasliklari, jamoat ishlarida faolliklari, xushmuomalaliklari bizga o'mak bo'ladi. Dadamlar shuncha yaxshi fazilatlarini barchasini o'zlarida jam qilolganlariga qoyil qolaman.

Ha, shunday! Mening dadam – mukammal ota. Dadamning bag'irlari – jannatning bir bo'lagi. Jannatda faqat baxt bo'ladi, mahzunlik emas.

Dado, menga baxtiyor bolalik hadya etganingiz uchun, oyni oy, quyoshni quyosh, deb o'rgatganingiz uchun, cheksiz mehringiz uchun tashakkur!

Alloh umringizni ziyoda qilsin! Qilgan mehnatlaringiz rohatini ko'ring, onam bilan hoji ona, hoji ota bo'lib yurish nasib qilsin, ilohim!

Biz sizni judayam yaxshi ko'ramiz – bu, avvalo, oyijonim, akam, opam, o'zim va beshta bir-biridan shirin qorako'z nabirajonlaringiz tilidan aytilgan izhor. Baxtimizga sog'-salomat bo'ling! Oltmish yoshingiz muborak bo'lsin, qalqonim!

*Dadamning yelkaları - tog',  
Men – qizingiz quyoshman,  
Tik tog'larga tirmashib,  
Osmonni zabt etguvchi.*

**Quyosh qizingiz Fozila**

## **HAYOTDA KO'RGANLARIM... BUYUK BIR ASARGA TENG**

**O'rinboyeva Orzixon,**  
“Ummul hayr ziyosi” nomli ONMTT rahbari

Men bu insonni avvallari bilmas edim. 2015-yilning yoz oylari mening oilamda quvonchli, shodlik va hayajonli damlarga to'la bo'lgan desam also mubolag'a bo'lmaydi. O'g'limni uylantirdik, qizim oliygohni tamomlab diplom olish harakatida edi. Iyul oyining issiq



kunlarida ko'cha eshikdan kimningdir ovozi keldi. Derazadan mo'ralab qaradim, ochiq chehrali insonga ko'zim tushdi. O'sha holatda salom alik qildik. Notanish kishi:

“Biz Toshkentda o'qigan qizga sovchi bo'lib keldik” – deya so'z boshladi. Men dovdirab “hozir sovchini kuzata olmaymiz” deb yuboribmam. Oldimda o'tirgan onam “unday dema” deb hushyorlikka chorladilar.

Oradan 2-3 kun o'tgach yana o'sha inson bilan birgalikda ikki notanish kishi kirib keldi. Ularni izzat ikrom bilan kutib uyga taklif qildim. Mehmonlar gapni uzoqdan boshlab asl muddaoga o'tishdi. Farzandim Rohatoyni qizlari Hulkaroy Sulaymonova orqali bilib kelishgan ekan. Qizim Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti magistranti bo'lish orzusida edi. Shuning uchun uzrli javobni aytib ularni kuzatdik.

Kunlarning birida sovchiboshi bo'lib kelgan bir idoraning bosh hisobchisi Avazxon Karimov jilmayib kirib keldi. Ustoz bo'lajak kuyov shogird ekanligi o'z ishiga mas'uliyatli, bilimli, halolligini maqtadi. Bo'lajak qaynota tomoq qirib olib gap boshladilar. Dastlab so'zni “Oya” deya rafiqalaridan boshlab, “repitorlik qiladilar, maorif a'lochisi” deya o'z ayoliga bo'lgan hurmatni ifoda qildilar. Ulardagi ayolni ulug'lash, hurmatlash meni hayratga solsa, hadik ham bo'ldi. O'yladim, jonkuyar maorif egasi hamda qanday ahil juftliklar ekan-a... deb. Baxtli ayol ekanda deya ko'nglimdan o'tkaza boshladim. Hadigim esa oddiygina o'qituvchi bo'lsam deganman. “Maorif a'lochisi” qayerda “oddiygina o'qituvchi” qayerda deb qizimni bermaslikka qaror qildim. Endigina to'y qildik, hozir to'y qila olmaymiz o'qiydi deb javob qildik.

Ularni kuzatdik, lekin sovchilarning keti uzilmadi. Har doim sovchilarni kuzatib qo'ygach, turmush o'rtog'im “bunaqa bilan ish bo'lmaydi” deya ko'nglimga g'ulg'ula solib qo'yardilar.

Shunday kunlarning birida Mo'minjon domla va Avazxon kirib kelishdi. “Bir ko'rgan tanish, ikki ko'rgan bilish” deganlaridek domla bilan suhbatlashish bizga har jihatidan ma'qul kela boshladi. Ayniqsa, domlanning shaxsiy kutubxonalari, ijodxonalari borligi meni o'ylantirdi. Xudo xolasa 5 mingdan ortiq kitoblarimni farzandlarim, nabiralarim o'qiydi. Rohatoyni qizimiz deb qabul qilamiz. O'zimiz magistraturada o'qitamiz dedilar. Bu mazmundagi suhbat bizni qaror qabul qilish kerakligi, yoshlar uchrashib ko'rishsin deyishimizga asosligini tushundik. Masala yechimi yoshlar ixtiyoriga o'tdi. Kattalar fikrlariga



quloq tutdik. O‘ylarimda “Otasi yaxshi inson ekan, o‘g‘li ham yaxshi bo‘ladi-da” degan fikr paydo bo‘ldi.

Shu o‘ylar bilan yurganimda, sovchilikdan domlani shogirdlari ham xabar topishgan ekan.”Vuuyy domlani taniymiz” deb domla haqida tinmay gapira ketdi. Ijobiy fikrlardan so‘ng o‘zimni ancha yengil his qila boshladim. Shu payt qo‘shnim kirib keldi. Ertaga iftorlik qilmoqchimiz chiqing deb qaytib chiqib ketdi. “Sovchilar” tashlab ketgan patirdan oldimda kirib bordim. Nonlarni iftorlikka qo‘yinglar deb uzatdim. Sulaymonov Mo‘minjon domla bor ekanlar deyishim bilanoq gapni qo‘shnim A. Turdaliyev “ha taniyman” deb davom ettirib ketdilar. Muddaoni aytdim. Uzoqligini hisobga olmasang juda yaxshi ziyolilar oilasi. Hech ikkilanmay bersang bo‘laveradi. Mo‘minjon yaxshi yigit, dedilar qo‘shnim.

Suhbatdan menga shu xulosa kelib chiqdi: hayot sinovlarini yaxshigina totib ko‘rgan ekan, demak bunday odam hech qachon insoniy fazilatni yo‘qotmaydi. Shuning uchun ekanda kamtarin, lekin so‘zi o‘tkir, so‘zi ma‘noli, jarangdor...

Chorshanba kuni ham yetib keldi. Iftorlik tadorigini ko‘rdik. Allohga shukrki boshimda qaynotam – Sherali hoji, tabarruk validam muhtarama Onajonim bor. Birgalikda patir ushatildi.

Mana oradan yillar yelib o‘tmoqda. Qizim ikki farzandning onasi. Shukrki, Allohim bergan bu ikki ne‘mat oilaning “uzilmas arqonlari “ deb suyib ardoqlab erkalayman. Allohga behad shukrlar bo‘lsin, farzandlarim E‘tiborxon bilan Mo‘minjon qudalarimning e‘zozu ardog‘ida, yayrab yashnab shirin hayot kechirishmoqda. Nabiralarimiz Islombek va Rayyonaxonlar bobosi, buvisi quchog‘ida eng baxtli bolajonlar – erkatoiy shirintoylar bo‘lib ulg‘ayotgani bizga ko‘ngil xotirjamligini baxsh etadi.

Ismingizni jismingizga monand qilib Ollohim

Yaratgandir chevarlikda tanho bo‘lgan Ollohim.

Kasb – koringiz ilmu – ziyo, yuzingizda tabassum hayo

Qalbingiz hayhot mavjli daryo, ilm ummoni sirli go‘yo.


Ummonda siz Jayhun misol, suzgangirsiz topib kamol,

Shogirdlar – chi jiddu – jahdli Ustozdirsiz ma‘rifatli.

Taqdir sizga ato etgan ayolingiz mastonadir parivash,

Farzandlaringiz hurmat qilgan Padardirsiz suyukli.





Hisob-kitob ishlarida Durbek juda ustamon,  
Jigarlarga silayi rahm sizdan o'tgan begumon.  
Adabiyot gulshanida Zulfiyaxonim qizlari  
Deya ta'rif etildida Hulkar Oyning o'zlari.

Shukr rahmat qizim sizning uyingizda sog' – omon  
Ilmingizning ummonida yursin sizga hamohang.  
Nabiralar qurshovida E'tiborxon ardog'ida  
Farzandlaringiz kamolin ko'rib yuring ilohim.

### **BIZNING AHIL OILAMIZ**

**Sheraliyeva Rohatoy**

“Qiz bola palahmon toshi” deganlaridek men ham taqdir taqazosi bilan 2015 yil 21- avgustda Guldirov qishlog'iga kelin bo'lib tushdim. Turmush o'rtog'im Durbek aka juda hushmuomala va mehribon inson ekanligi bilan boshqalardan ajralib turar edilar. Men bunday olijanoblik va kamtarlikni, umuman insoniy fazilatlarini kimdan olgan ekanliklarini xonadonga kelgach tushundim. Oiladagi bir –biriga bo'lgan hurmat va ehtiromni his qildim. Menda bu oilaga bo'lgan hurmat va izzat yanada oshdi. Shu kundan boshlab Dadajonimning oiladagi har bir farzandlariga qilgan muomalalari-yu, o'gitlariga men ham sherik ekanligimni tushundim. Mana shu oilaga kelin emas haqiqiy qiz bo'lib, ishonchlariga kirishga va oqlashga bel bog'ladim. Bilsam, oila qishloqda namunali ekanligi bilan ajralib turardi. Chunki har bir kishining oila a'zolariga bo'lgan muomalasidan ko'rish mumkin edi. Men dadajonimning insonlarga bo'lgan mehr-muhabbati, ular bilan qilgan muomalalaridan angladim. Hamqishloqlari maslahat so'rab kelganda to'g'ri yo'l ko'rsatib, yordam qo'lini cho'zib, sidqi dildan yordam ko'rsatishlarini men juda qadrlayman.

Yoz kunlarining birida kechki payt eshik taqilladi. Chiqib qarasam bir otaxon nabiralari bilan birga kelibdilar (Otaxonning ko'zlari ojiz ekan). Salom alikdan so'ng ular: “Domla uydami?, ozgina ishimiz bor edi”– deb so'rashdi. Ishdan qaytayotgan ekanlar yaqinda telefon qilishdi. Uyga kiringlar hozir yetib kelib qoladilar deb, ichkariga taklif qildim.

Otaxon: “Unday bo'lsa mayli kutib turamiz” - deb uyga kirishga ko'nmasdan hovlidagi so'riga o'tirishdi. Otaxonning boshlariga biror



mushkul ish tushganligi sezilib turar edi. Dasturxon yozib, bemaol o'tirishlarini aytdim. Kech bo'lib qoldi boraylik ertalab kelarmiz deb chog'lanishdi. Eshik ochilib, Dadajon ko'rindilar. Bilishimcha, (o'g'illari avtohalokatda olamdan o'tgan) otaxonning kelinlarining operatsiyasi uchun yordam so'rab kelgan ekanlar. - "Mayli, pul kerak xolosmi, hech hijolat bo'lmang sizi pulingiz meni pulim, meni pulim sizni pulingiz" - deya so'rganlarini olib chiqdilar. Otaxon bilan nabiraning yuzidagi mamnunlik, xuddi shirinlik olgan bolakayning yuzi singari edi. Otaxon uzoq duo qildilar va mamnun holda nabira ko'magida uylariga jo'nashdi. Dadajon qishloq yoki qarindoshlarning uyida to'y yoki sovuq maraka bo'lsa vaqt topib boradilar va yordam qiladilar. Bayramlarda nafaqat oila a'zolarimizning, qolaversa qarindoshlarimizning ham ko'nglini oladilar. Katta-kichik, yosh - u qarini esdan chiqarmaydilar, doimo bayram sovg'asi ulashadilar, bemorlarni ziyorat qiladilar. Xalqimizda bir naql bor: "*O'ng qo'ling berganini chap qo'ling bilmasin*". Bu fazilatlar hammasi dadajonimda mujassam ekanligini ko'raman. Yana bir jihatlarini doim hurmat qilaman. Ya'ni, yurt uchun, xalq uchun foydali ish bo'lsa doim birinchilardan bo'lib oshiqadilar. Gapimning isboti sifatida quyidagilarni keltirib o'tsam. Qishlog'imizda "Sadamozor" ziyoratgohi bo'lib, u yerda XIII asrga tegishli arab yozuvida bitilgan qabr toshi bor. Shu toshni birinchilardan bo'lib o'qittirganlar. Bu ziyoratgohni obodonlashtirish va qayta ta'mirlash ishlarida bosh-qosh bo'ldilar.

Pandemiya davrida ham uyda bekor o'tirmadilar. Qishloqning kirish yo'lida joylashgan asosiy ko'prikn qaytadan qurish va shu yo'lga asfalt yotqizish ishlarini tashkillab, shunday ezgu ishning tashkilotchilaridan bo'ldilar. Yozning jazirama kuni ekanligiga qaramasdan qishloq aholisi hamma imkoniyati yetgancha mablag' yig'ib, hashar qilib ko'prikn yangitdan qurishdi. Avvallari bu ko'prikn juda nosoz holga kelib qolgan edi. Ayniqsa yog'ingarchilik vaqtlari mashinada o'tish uchun juda xatarli edi. Bu joyda avtohalokatlar ham yuz bergan. Qishloqning asosiy yo'li ham xuddi shunday xatarli edi. Qish faslida bazo'r yurilar edi. Ko'prikn qaytadan qurilib yo'llarimiz asfalt bo'lgach qishloq ahli juda sevindi. Katta-yu kichik bunday ezgu ishni amalga oshirganlarni doim duo qilmoqda.

Dadajonimda yana bir ulug' fazilatni ko'raman. Ilmga bo'lgan hurmat va uni qadrlashlariga juda ham havasim ortadi. Dunyoviy ilmni, diniy ilmni ikkisini ham birday qadrlab, bizni va jiyanlarini ilmga da'vat qiladilar. Uyimizga jiyanlar mehmon bo'lib kelsa avvalo uning o'qishi



haqida suhbat bo'ladi. Doim ularning qanday o'qiyotganini nazorat qilib rag'batlab turadilar. O'zlari ham doim ilm bilan mashg'ul bo'ladilar. Kechqurun ishdan kelib oiladagi har bir qilingan ishlar haqida so'rab-surishtirgach yana kitob varaqlab ilm bilan mashg'ul bo'ladilar. Chunki juda ko'p kechalari yoki sahar vaqtlari ijodxonalarining chirog'i yoniq holda bo'ladi. Shuning uchun ham oilada ilmga bo'lgan qiziqish va ma'suliyat farzandlarning ilimli bo'lishiga turtki bo'lgan deb o'ylayman. Men ham hech ikkilanmasdan ilm yo'lini tutib dadajonimga munosib farzand bo'lishga oshiqaman. Farzandlarimning ham bobolari yo'lidan borishini Allohdan so'rab qolaman. Dadajonimdagi bu intilish hamisha bardavom bo'lsin. Alloh ilmlarini bundanda ziyoda qilsin.

Men talabalik vaqtlarimda katta oilaga kelin bo'laman. Iloji bo'lsa kenja o'g'ilga turmushga chiqaman deb niyat qilar edim. Chunki bobo va buvijonlar bilan o'sgan bolalar yaxshi inson bo'lib voyaga yetadi deb hisoblar edim. Mana Allohim o'zim xohlaganimdan ham ziyodasini nasib qilib 7 yildan beri shu oilaning erka qiziman. Ikki farzandim Islombek va Rayyonaxonlar bobojonisi va buvijonlarining bag'rida yayrab-yashnab ulg'ayishmoqda. Dadajonimning bir gaplari bor: "*bola boqish vaqtincha, nabira boqish o'lguncha*" Onasi, deb Oyijonimga kulib qo'yadilar. Ular ikkalalari ham nabiralari uchun jonlarini berishadi. Dadajonim har doim ishdan uyga qaytganlarida ko'pincha nabiralari uchun o'quv qurollari, ertak kitoblar rasmlari, aqlni rivojlantiruvchi o'yinchoqlar olib keladilar. Ular hali kichik bo'lishiga qaramasdan ilmga mehrlari baland. Bu hislatlari ularga aniq bobo va buvijonlaridan o'tgan deb hisoblayman. Meni Alloh shunday oila bilan siylab haqiqiy turmush o'rtoq ato qilgani uchun behisob shukr aytaman. Oilamizga hech qachon ko'z tegmasin. Farzandlarimning ham bobolari yo'lidan borishini Allohdan so'rab qolaman. Yillar davomida oilamiz chirog'i bo'lib hamisha yoritib turishlarini yaratgandan so'rayman. Dadajon, 60 yoshingiz muborak bo'lsin!

Qizingiz Rohatoy.

## MENING MEHRIBON BOBOJONIM

**Matkarimova Ruhshona**

Yangiqo'rg'on tumanidagi 1-maktab 8-sinf o'quvchisi  
Aziz bobojon, tavalludingizning 60 yilligini kutib olish taraddudida turibmiz. Men Ruhshona nabirangiz ham o'z tilaklarimni yozishni istadim. Chunki, siz aziz bobojonim haqida yozmasam bo'lmaydi. 60,

70, 80 dan sakrab, 90 da to'qnashib, 100 bilan yuzlashib yurishingizni xohlayman.

7 oylik vaqtimdan boshlab mana shu mehribon oilada katta bo'la boshlagan ekanman. Oyijonim o'qish bilan band bo'lgan vaqtlarda meni xolamga yani bobomning xonadoniga tashlab ketar ekanlar Meni juda aqlli va mehribon opalarim qarashar ekan. Vaqtlar o'tib men aqlimni taniganimda bobojonim juda mehribon ekanliklarini bilganman. Men uchun hech kimga tenglashtira olmaydigan bobo bo'lib ulgurgan edilar. Ishdan kelishlarini orziqib kutar edim. Chunki, bobom men uchun yeguliklar va o'yinchoqlar olib kelar edilar. 4-5 yoshli bo'lganimda esa men uchun turli bo'yoqlar, kitoblar keltirardilar. Men Fozila opamdan bo'yashni, kitob o'qishni o'rgatib qo'yishni so'rardim. Men o'z uyimizga haftada 2 yoki 3 kunga borar edim xolos. Menga bu yerda yurish juda yoqardi.

Bu voqea haqida yozmasam bo'lmaydi. Bir kuni bobom menga shashka olib kelibdilar. "Ruhshona senga shashka olib keldim. Fozila opang bilan shashka o'ynashni o'rgan dedilar. Men hali maktabga bormasdan avval shashka o'ynab akalarim bilan bahslashadigan bo'ldim. Men shu tariqa quvonchli kunlarni shu oilada o'tkazardim.

2016 yil I-sinfga o'qishga qabul qilindim. Tanishuv darsi bo'lganida o'rimdan turib Sulaymonova Ruhshona deb aytibman, chunki bobomni familiyalari Sulaymonov ekanligini bilardim. Ustozim xolamga shunday bo'lganini aytib kulibdi. Xolam esa Ruhshona ko'zini ochiboq bizni uyimizni, bizni biladi debdilar. Bobom meni juda yaxshi ko'rishlarini hozir ham his qilaman. Hattoki, yoshligimda meni o'ynatib kelish uchun poytaxt Toshkentga olib ketardilar. Meni eng quvonchli va sarguzashtga boy bolaligim ana shu bobomning kichkina xonadonlarida o'tgan desam xato qilmayman. Hozir ham o'sha xonadon sari oshiqaman, yuragim ularning mehrini his qiladi.

Mening sevikli va mehribon bobojonim, umringiz uzoq bo'lsin!  
Tavallud kuningiz muborak bo'lsin,  
Qalbingiz hamisha quvonchga to'lsin.  
Doimo sog' - u omon, bardam- baquvvat,  
Yuzga kirib yuring bo'lib salomat.

Nabirangiz Ruhshona.



## IMRONBEKNING QO'SHIG'I

Hulkar Sulaymonova she'ri

Po'rim bolaman o'zim,  
So'lim bolaman o'zim.  
Katta bo'lsam bobomday  
Bobo bo'laman o'zim!

Dono bolaman o'zim,  
Ma'noli boqar ko'zim.  
Katta bo'lsam bobomday  
Olim bo'laman o'zim!

Toychoq bolaman o'zim,  
Quvnoq bolaman o'zim.  
Katta bo'lsam bobomday  
Do'mboq bo'laman o'zim.

Hozir yoshman - go'dakman,  
Ammo doim sergakman.  
Katta bo'lsam bobomga  
Zo'r yordamchi, tirgakman!

Shoir bolaman shunday,  
She'r yozdim Sizga atay.  
Rostin aytsam, oyim ham  
Yordam berdilar jinday!

25.01.2015.

---

## ҚАДРЛИ УСТОЗ МЎМИНЖОН СУЛАЙМОНОВГА

Адабиёт - кўхна баётдир,  
Бу баётнинг номи - Ҳаётдир!  
Адаб берган, ҳаёт ўргатган,  
Устоз асли энг улуғ зотдир.

Дейди: Сўздан эрур зуволам,  
Бошдан оёқ сўздир бу олам,  
Борлиғи сўз, қуроли қалам,  
Сабоқлари буюк ижоддир.

Сўз даштида кезиб дарбадар,  
Гомердан то Маркесга қадар,  
Жумла жаҳон илмин ўргатар,  
Илм - ҳақ йўлида нажотдир.

Сабоқлардан хориган пайтлар,  
Навоийдан ўқийди байтлар,  
Тугамайди дилгир суҳбатлар,  
Ҳар каломи минг камолотдир.

Одамийлик илмида мумтоз,  
Ҳам олим, ҳам бебаҳо устоз,  
Дўстларига меҳри пояндоз,  
Камтарлиги чин эътиқоддир.

Олтмишда ҳам улуғвор, ўктам,  
Шогирдларга гўё қанотдир.  
Ибрат соҳиби у чинаккам,  
Устоз Мўмин - Адабиётдир!

**БЕНАЗИР**

## КОМИЛЛИК ТИМСОЛИ

Демон ҳам кўнгли поку ҳам кўзи пок,  
Тили поку, сўзи поку, ўзи пок.

\*\*\*

Одами эрсанг демагил одами,  
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Сўз мулкининг султони Ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг юқоридаги бебаҳо сатрларини дилдан ўтказар эканман, буюк бобокалонимиз орзусидаги ҳаётбахш қаҳрамонларнинг юксак инсоний фазилатлари **ТАЖАЛЛИСИ “Комиллик тимсоли”, “Замонамиз зиёлиси намунаси”, “Мумтоз сўз синчиси”, “Илмига амал қилган олим”, “Яхши сўзни тарғиб қилиш ҳам савоб эканлигига қатъий ишонган иотиқ”, “Юксак маънавият эгаси”, “Исми жисмига мос инсон”, “Ибратли умр соҳиби”, “Шогирдларининг маънавий суянчи”, “Эл эътибори ва эътирофидек олий бахтга эришган зиёли”** каби чексиз дил изҳорлари билан шогирдлар қалбига муҳрланган бетакрор устоз, 60 йиллик умрини эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал широрага садоқат билан ўтказган чин инсон, филология фанлари номзоди, доцент Мўминжон Сулаймонов (бизнингча, таъбир жоиз бўлса, “инсоншунослик профессори” ҳам) тимсолида ўз аксини топгандек туюлади бизга.

Олижаноб фазилатлар соҳиби – бу зиёкор инсон билан 43 йиллик (умримизнинг учдан икки қисмига тўғри келади) кадрдонмиз. Очигини айтсам, ёшимизда асли унча катта фарқ йўқ: ярим йилдан озгина кўпроқ.

Аммо унинг катта ҳаётий тажрибасини, тўнғич фарзанд сифатида оила аъзоларига доимий ғамхўрлигини, устозлари, дўстларига садоқатини; касбига меҳру муҳаббати, фидойилигини; **ОДАМИЙЛИК, ОДИЛЛИК, ОДОБЛИЛИК, ОЗОДАЛИҒ, ОЛИМЛИК, ОРИФЛИК, ОРАСТАЛИҚ** каби такрорланмас фазилатларини жуда ҳурмат қиламан.

Биз Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги педагогика университети)да таассуротларга бой талабалик ва аспирантлик даврини бирга ўтказганмиз (Мўминжон бир курс олдинда ўқиган, аспирантурани эса, сиртки бўлимда давом эттирган). Самимий, дилкаш дўстимиз ўзининг меҳнатсеварлиги, тиришқоклиги, янгиликларга интилувчанлиги, билимга чанқоклиги

каби фазилатлари билан тенгқурлаари, устозлари хурматига, иззатига сазовор бўлиб улгурган эди. Устозлар ҳам унга алоҳида эътибор билан муносабатда бўлар эдилар. Шу боис бўлса керак, иқтидорли талаба **НАВОЙСИЙМО УСТОЗ** – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор, бебаҳо, мукаммал дарслик – “Ўзбек адабиёти тарихи” (яқинда бу дарсликнинг янги, тўлдирилган нашри устознинг 100 йилликларига тўёна сифатида чоп этилди ва М.Сулаймонов томонидан Наманганга келтирилди) нинг муаллифи Н.Маллаевнинг назарига тушди. Дастлаб, унинг раҳбарлигида “Ҳофиз Хоразмий лирикасида кичик лирик жанрлар” мавзусида диплом ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Кейинчалик эса, “Ҳофиз Хоразмий ва ўзбек шеърини ривожини” мавзусида филология фанлари номзоди даражасини олиш учун тадқиқот ишларини давом эттирди. Устоз-шоғирдлик мақоми ота-фарзанд даражасигача етиб борди десам, муболаға бўлмайди. Забардаст олим бир неча марта Наманганга, сўлим Кўшан қишлоғига ташриф буюрдилар. Наманган адабий муҳити, санъат ва маданият вакиллари, қишлоқ ҳаёти, қахрамонимизнинг яқинлари, дўстлари билан яқиндан мулоқотда бўлдилар. Каминанинг ҳам бу табаррук, масъулиятли аънанани давом эттириш, машаққатли илм йўлини танлаш, устознинг эътиборларидаги яна бир табаррук инсон, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, педагогика фанлари номзоди, доцент Қ.Аҳмедов билан қайта топишиш насиб этишига ҳам очиқ кўнгил дўстимиз сабабчи бўлганлигини фахр билан тилга олмасликнинг иложиси йўқ. Кундузги 3 йиллик аспирантура даврининг охириги йилларида устоз Н.Маллаев билан жуда кўп ҳамсухбат бўлдик. Ҳар гал кўришганимизда албатта Мўминжон ҳақида сўрар эдилар (эҳтимол, яқинлигимизнинг сабаби ҳам шу бўлса керак). Иккинчи сменада дарслари бўлган кунлари уларигача кузатиб қўйиш шарафига муяссар бўлганман. Камтарин инсон институтга яқин ҳудудда турмуш ўртоқлари Саодатхон ая Ибрагимова билан яшар эдилар. Фарзандлари алоҳида уй-жой қилиб, мустақил яшашар экан. Нуроний сиймонинг доимо трамвайда қатнаганликларини ҳозир ҳам тасаввуримга сиғдира олмасам-да, маъносини тўғри ва теран тушуна оламан: оддий аммо **УЛУҒВОР ИНСОН** руҳи олдида умрбод таъзимдаман. Устознинг тадқиқот ишимга биринчи расмий оппонент сифатидаги ижобий тақризлари ва диссертациянинг



сўнги саҳифаларидаги дастхат – тилаклари энг қимматли эсдалик ҳисобланади.

Мўминжон Сулаймонов оғир жудолик сабабли тадқиқотини устознинг биринчи шогирдлари филология фанлари доктори, профессор Ҳ.Ҳомидов раҳбарлигида муваффақиятли якунлади ва филология фанлари номзоди илмий даражасини олишга эришди. Шу ўринда кадрдонимиз билан тақдиримиздаги ўхшашликни таъкидламасам, бурчимни бажармагандай сезаман, ўзимни. Камина ҳам устоз Қ.Аҳмедов билан бошлаган тадқиқот ишимни Ҳ.Ҳомидовнинг раҳбарликларида ҳимоя қилганман. Айрилиқдан эсанкираб, якунланган тадқиқот ишимни ҳам ташлаб, Наманганга қайтмоқчи бўлиб турганимда, устоз Ҳ.Ҳомидов “бошимни силаганлар”, “маънавий оталик” қилганларки, шу даражаларга эришдик. Биз бундай олижаноб, табаррук инсонлар – устозлар олдида бир умр қарздормиз.

Мўминжон Сулаймонов – Н.Маллаевдан бошланган, Ҳ.Ҳомидов асос солган ва муваффақиятли одимлаётган наманганлик адабиётшунос олимлар мактаби (З.Содиқов А.Курбонов, К.Абдуллаев, М.Тожиҳўжаев) ва муносиб издошлар (С.Абдурахмонова, Р.Ғойиббоевалар ҳам устоз раҳбарликларида тадқиқот ишларини якунлаш арафасида туришибди) нинг сардори – кўприги – давомчисидир.

Мўминжон Сулаймоновнинг етакчи адабиётшунос олим сифатидаги фаолияти ҳам салмоқлидир: 300 тадан ортиқ илмий, услубий, публицистик мақолалари республика ва нуфузли халқаро нашрларда чоп этилган. 30 тадан ортиқ рисола, ўқув, услубий қўлланмалари мутахассислар томонидан юқори баҳоланган. Унинг “Ҳофиз Хоразмий ҳаёти ва ижоди” номли монографияси Германиянинг нуфузли “Ламберт” нашриётида 8 тилда (рус, испан, немис, португал, итальян, француз, поляк ва чех) чоп этилганлиги фикримизнинг исботидир.

Серкирра олимнинг Фаргона ва Наманган давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи илмий кенгашлардаги раис ўринбосари, илмий кенгаш ва илмий семинар аъзоси сифатидаги фаолияти ҳам мақтовга сазовордир.

Мўминжон Сулаймонов – ёшларнинг севимли устози, ғамхўри, суянчи, таянчи. Тиниб-тинчимас олим раҳбарлигида Н.Сайдахмедова, А.Роҳаталиев, Б.Ашуров, Л.Рустамова каби

—•—~~~~~•—

тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб бораптилар. Н.Сайдахмедова “Муҳаммад Юсуф ижодини синфдан ташқари ишлар жараёнида ўрганиш”, А.Роҳаталиев “Эркин Воҳидов шеърятининг лексик-семантик ва бадиий хусусиятлари” номли монографияларини чоп эттиришди.

Иктидорли шогирдлари: 3-босқич талабаси Жўрабоева Сурайё Илҳомжон кизи Қозоғистоннинг Нур – Султон шаҳрида ўтказилган “Йилнинг энг яхши ёш олими – 2021” халқаро йўналишида қатнашиб, голибликни қўлга киритди ва “Энг яхши ёш олим – 2021” кўкрак нишони соҳиби бўлди; Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети 2-курс магистранти Боятов Ойбек Маҳмуджон ўғли эса, “Йилнинг энг яхши ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси” танловида голиб бўлиб, “Халқ таълими аълочиси” кўкрак нишони ва 10 млн сўм пул мукофоти билан тақдирланди. Бу меҳнаткаш мураббийнинг шогирдлари ҳам устоз-шогирд аъналарини муносиб давом эттираётганликларининг исботидир.

Мўминжон Сулаймонов – ташаббускор, ташкилотчи, меҳнаткаш, меҳрибон, талабчан, қатъиятли раҳбар – ўзбек адабиётшунослиги кафедраси мудури сифатида ҳам Наманган давлат университети жамоаси ўртасида муносиб ўрнига эга. Адабиётшунослик йўналиши бўйича магистратура бўлимининг очилиши, унга муносиб номзодларнинг танланиши, ўқув жараёнини самарали ташкил этилишидаги хизматлари таҳсинга лойиқдир. Йўналиш кесимида докторантура бўлимини ташкил этиш, кафедра илмий салоҳиятини янада ошириш бўйича интилишларини барча ҳамкасблари қўллаб-қувватлаймиз.

“Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоху алайҳи васаллам саҳобаларига:

Тушимда сут кўрдим, уни шундай сипқариб ичдимки, хатто, тирноқларим учигача чиқди, - деганларида, саҳобалари:

Ё, Расулulloҳ, сутни нимага йўйдингиз?- деб сўрашибди.

Шунда пайғамбаримиз қисқагина қилиб:

Илмга, - деб жавоб берган эканлар.

Таъбир жоиз бўлса, ушбу ҳадиси муқаррама, илм, унинг бош мезони бўлмиш китобнинг инсон ҳаётидаги ўрнига берилган юксак баҳодир. Бежизга “Бешиқдан қабргача илм изла”, - деб қаромат қилинмаган”.



Дарҳақиқат, “Китоб – инсон тафаккурининг қанотидир” (Ойбек), “Китоб – илм хазинасининг фарзандидир”, “Китобсиз уй – қалбсиз танага ўхшайди” (Цицерон), “Эски пўстин кийсанг ҳам, янги китоб ўқишга одатлан” (Остин Фелпс) каби ҳикматларнинг маъносини чуқур англаган ва уларни ҳаётининг мазмунига айлантирган қаҳрамонимиз ибратли фазилатларидан яна бири китоб, китобхонлик тарғиботидир. Адабиётимизнинг нодир намуналари бўлмиш “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жилдлигининг дастлабки чоп этилган жилдлари, “Авесто”, “Кутадғу билиг”, “Девони луғотит турк”, “Манتيкут тайр”, “Алишер Навоий тўла асарлари 20, 10 жилдлиги”, “Бобурнома”, “Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси” каби ва янги чоп этилаётган хазиналарнинг Наманганга кириб келишида (вилоятдаги барча китоб дўконидаги хизматчилар энг яхши китобхонни жуда яхши танишади, самимий хурмат қилишади ва эъзозлашади), оммалашишида (яқинлари, ҳамкасблари, шогирдлари, фарзандлари, набиралари, таҳсил олган мактаби жамоаси зиёкор саховатидан доимий баҳраманд бўладилар); адабиётшуносликка оид камёб, қимматли манбаларнинг электрон нусхалари яратилишида фидойи устознинг хизматлари бекиёсдир.

Ўзбек халқи миллий кадриятларининг олий чўққиси – гултожиси – бу қарияларни кадрлаш, кичикларни иззатлашдир.

Камёб фазилатга айланаётган бу кадрият юксак маънавият соҳиби Мўминжон Сулаймонов тимсолида тўлиқ асралаётгани, давом этаётганлигини уни таниган, билган, яқиндан мулоқот қилган кишилар билишади, эътироф этишади, фахрланишади, эъзозлашади, ўрнат олишади.

Бу ўринда ҳақиқий ўзбекона кадрият соҳиби улуғ Навоий бобомизнинг “Бошинга осмондан тош ёғилса, бу тошдан бошинг ёрилса ҳамки, улуғлар (комил инсонлар, рухий тарбия устозлари) хизматидан бош тортма. Мабода тош зарбининг изи қолса, бу – саодат нишонасидир” деган бебаҳо ҳикматига амал қилаётганини эътироф этишимиз лозим.


Пойтахтда фаолият кўрсатган марҳум фидойи олимлар: Н.Маллаев, М.Асқарова, А.Шерматов, Т.Бобоев, Ҳ.Ҳамидий, Қ.Аҳмедов, Б.Мирзахмедов, И.Султон, А.Қаюмов, Л.Қаюмов, С.Ғаниева, М.Муродов, М.Жўраев; НамДУда фаолият кўрсатган марҳум устозлар: И.Абдуллаев, О.Носиров, Т.Ғозибоев,

Б.Турдалиев, Н.Бобохўжаев, Ў.Азимова, М.Муҳаммадиева, Ш.Эгамбердиева, А.Халилбеков, М.Иминов, С.Жамолов, Д.Эшондадаев, О.Ғаффорова, Т.Акрамов, А.Абдуллаев, М.Маъмуров, Т.Нўъмонов М.Муҳиддинов, Т.Раҳмонов (илм ва маънавиятда тенгсиз инсонларнинг табаррук номларини ёдга олиб, уларнинг руҳини шод этиш ҳам бурчимиздир) кабиларнинг инсоний хислатларини хотирлайди, ўрни билан, таргиб қилади, номларини ёдда тутиш, оила аъзолари билан мулоқотда бўлиш, хотираларини абадийлаштириш учун қайгуради (уларнинг руҳи ҳамиша қўллаб-қувватласин).

Ўз ўрнида республикамизнинг йирик олимлари: филология фанлари доктори, профессорлар: Ҳ.Ҳомидов, С.Матчонов, Б.Тўхлиев, Қ.Йўлдошев, М.Мирқосимова, Н.Маҳмудов, И.Йўлдошевлар билан доимий илмий мулоқотда бўлиб туриши ва ф.ф.д, профессор Ҳ.Ҳомидов раҳбарлигида “XIV аср охири ва XVI аср бошларида ўзбек шеърини поэтикаси (Ҳофиз Хоразмий ижоди мисолида)” мавзусидаги докторлик диссертациясини яқунлаш арафасида турганлиги; ҳам мутахассис, ҳам ихлосманд сифатида адабиёт ва санъат аҳли вакиллари: Гулжамол Асқарова, Бекзод Фазлиддин, Хосият Рустамова, Абдурахмон Жўраев, Меҳриноз Аббосова, Зиёвиддин Мансуров, Абдуғани Абдувалиев, Боқий Мирзо, Исоқжон Нишоннов, Содик Сайхун, Носир Аббос, Дилором Эргашева билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйганлиги ҳам ибратлидир.

Мўминжон ўзи туғилиб ўсган Кўшан қишлоғини қалбдан севади, инсонларини қадрлайди. Унинг тарихини яратиш устида изланади. Муқаддас гўшасидан узоқлашгиси келмайди. 32 йилдан буён Чортоқ – Наманган йўналишидаги йўлларни забт этганлиги, инсонларини кашф этганлигининг сабаби ҳам шундандир, эҳтимол.

Мўминжон Сулаймоновнинг оиласи ҳам чин маънодаги зиёли, намунали, ибратли оила ҳисобланади. Турмуш ўртоғи Эйтиборхон – бошланғич синф ўқитувчиси, 3 нафар фарзандлари: Хулкаррой – Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, филология фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Тошкент шарқшунослик университети докторанти, серқирра фаолияти ва етук ташкилотчилиги билан республикамиз илм-фанининг ривожига муносиб хиссасини қўшиб келмоқда; Дурбекжон – олий



маълумотли иқтисодчи, Фозилахон эса, Тошкент ахборот технологиялари университети талабаси.

Одоб уруғини эккан одамнинг ҳосили жавоҳир бўлади”, - деганларидек ахил оиланинг барча аъзолари хонадон соҳиби – мўмин инсон – Мўминжоннинг ибратли анъаналарини ортиғи билан давом эттириб келмоқдалар.

Бу бахтли хонадон эгаларининг маънавий камолотида инсон тафаккурининг қаноти – китобнинг – илмнинг ўрни ва роли нақадар юксак эканлигини чин маънодаги маърифатпарвар инсонлар – Мўминжон Сулаймонов ва Эътиборхон Ғойиббоеваларнинг сал кам ярим асрлик ҳамроҳлари – ҳеч нарса билан ўлчаб ва алмаштириб бўлмайдиган тенгсиз бойликлари – оилавий кутубхоналарининг ўлмас дурдоналари – барча соҳадаги нодир – қомусий адабиётлар жамланмаси оламига саёҳат қилган кишиларгина ҳис қила олади.

Мўминжон Сулаймонов доно халқимизнинг “Мол-дунё, мансабни эмас, қалбни талашилса (забт этилса), барчанинг олдида (икки дунёда ҳам) юзингиз ёруғ, қалбингиз тоза, дилингиз пок, мавқеингиз барқарор бўлади”, - деган нақлига мунтазам амал қилиб, бу ҳикматнинг нақадар ҳаётий эканлигини исботлаб келаётган зиёлилардандир.

Пойтахтлик устозлар уни аллақачонлар “доктор” ( “фан доктори” маъносида (фан соҳасида ҳам, инсоншуносликда ҳам) сифатида тан олишади ва шу ном билан мурожаат этишади. Жамоа аъзоларининг, яқин дўстларининг, шогирдларининг тилаги – шу номни тезроқ расмийлаштирилиши тадбирини биргаликда нишонлашдир.

Бир сўз билан айтганда, 60 йиллик умрини фақат эзгуликка бағишлаган, юксак маънавият соҳиби, мазмунли умр ва бой ҳаётий тажриба эгаси, илму амалда барқарор инсон, **КОМИЛЛИК, ПОКЛИК ТИМСОЛИ** Мўминжон Сулаймоновга эл эътибори ва эътирофидек энг олий бахт доимо ҳамроҳ бўлишини истаймиз.

Комилжон Абдуллаев, Ўзбек адабиётшунослиги кафедраси  
доценти, педагогика фанлари номзоди

## М У Н Д А Р И Ж А

Носиржон Улуков. Серқирра, сермахсул олим ва ибрат соҳиби.....	4
Сулаймонов Мўминжон Юсубжоновичнинг меҳнат фаолияти. Мўминжон Сулаймонов устозлари, ҳамкасб-дўстлари ва шогирдлари эътирофида	10
Эргаш Очилов. Назаркарда инсон.....	18
У.П.Лафасов. Мўминлар инончи – Сулаймоновлар қувончи...	15
Зохиджон Содиқов. Устозларига содиқ шогирд.....	27
Қодиржон Носиров. Устозлар изидан бориб барака тоган олим.....	30
Саидумар Сайдалиев. Дунёни ҳеч кимдан қизғонмайдиган мўмин олим.....	34
Содиқ Сайхун. Илм билан ҳар дами, қутли қалам ҳамдами.....	31
Бокий Мирзо. Мен ҳурмат қилган олим.....	49
Metinbek. Metinbekdan muborakbod.....	53
Махбубахон Собирова. Намунали ота.....	44
Обиджон Каримов. Олим илми элга бўлади машъал.....	59
Фаридахон Каримова. Ҳофиз Хоразмий тадқиқотчиси.....	63
Санобар Хўжамуротова. Улкан қалб эгаси.....	68
Давлатёр Жумашев. Адабиёт илми билимдони, самимий дўст.....	70
Жасурбек Маҳмудов. Файрату шижоатга ундовчи инсон.....	74
Хуршида Ҳамракулова. Меҳрпарвар инсон.....	75
Санобар Абдурахманова. Устозимга эҳтиром.....	77
Shahlo Sbermatova. Mehribon ustoz.....	78
Gulnoza Xoldorova. Ehtirom.....	80
Н. Сайдахмедова. Устоз рози бўлса.....	81
Tobarova Ra'no. Siz doim ardog'imizdasiz, aziz ustoz!.....	84
Gulnora Tashtanova. Eng oliy tuhfa.....	85
<b>Яқинлар эҳтироми</b>	
E'tiborxon G'oyibboyeva. Mazmunli umr sohibi.....	87
Mohira G'oyibboyeva. Otamdek aziz Ustozim.....	88
Rayhonoy G'oyibboyeva. Mo'jaz qishloqning ma'rifat uyi.....	90
Хулқар Сулаймонова. Бузрукворим.....	93
Fozila Sulaymonova. Bag'irlari jannatim otam.....	97
Orzixon O'rinboyeva. Hayotda ko'rganlarim buyuk bir asarga	



teng.....	101
<b>Rohatoy Sheraliyeva. Bizning ahil oilamiz.....</b>	<b>104</b>
<b>Ruhshona Matkarimova. Mening mehribon bobojonim.....</b>	<b>106</b>
<b>Imronbekning qo'shig'i.....</b>	<b>108</b>
<b>Беназир. Қадрли Устоз Мўминжон Сулаймоновга.....</b>	<b>109</b>
<b>Комилжон Абдуллаев. Комиллик тимсоли.....</b>	<b>110</b>

**Қайдлар учун**



# Ибрат соҳиби

Филология фанлари номзоди, доцент **Мўминжон Сулаймонов** илмий-педагогик фаолиятига чизгилар

Техник муҳаррир: Юлдашев Отабек  
Мусахҳих: Солихўжаева Ҳавасхон

**ARJUMAND MEDIA** нашриёти

18.11.2022 йилда босишга рухсат этилди.

“Times New Roman” гарнитураси. Қоғоз бичими: 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>

Нашриёт босма табағи 6,7. Шартли босма табок 7.

Адади 100 нусха. Офсет усулида босилди.

160108, Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй.

“BOOKMANY PRINT” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 22-мавзе, 17-б уй.

ISBN 978-9943-7937-1-2



9 789943 793712